

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

НАМАНГАН МУҲАНДИСЛИК-ПЕДАГОГИКА ИНСТИТУТИ

Қўл ёзма ҳуқуқида

УДК

ЎРОЛОВ САНЖАР МАМАТУРОЙИМОВИЧ

**СОҒЛИҚНИ САҚЛАШ ТИЗИМИНИ МОЛИЯЛАШНИ
ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ЙЎНАЛИШЛАРИ
(НАМАНГАН ВИЛОЯТ МОЛИЯ БОШҚАРМАСИ
МИСОЛИДА)**

5А111001-Касб таълими (Молия)

Магистр
академик даражасини олиш учун ёзилган
диссертация

Илмий раҳбар:

проф. Б. Махмудов

Наманган 2014

М У Н Д А Р И Ж А

Кириш	3
I боб. Соғлиқни сақлаш тизимини молиясининг моҳияти ва унинг асосий вазифалари	
1. Соғлиқни сақлаш тизимини молиялаштириш механизми	9
2. Соғлиқни сақлаш тизими маблағларини шакллантириш, уларни таснифи, фойдаланиш тартиби ва тамойиллари	18
3. Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш соҳасини давлат бюджетидан молиялаш тизимини ўзига хослиги	26
II боб. Наманган вилояти соғлиқни сақлаш муассасаларида харажатларни режалаштириш	
1. Соғлиқни сақлаш тизимида харажатларни режалаштириш амалиёти таҳлили	34
2. Иш ҳақини режалаштириш ва меҳнатни рағбатлантириш	49
3. Соғлиқни сақлаш тизимида капитал харажатларни режалаштириш хусусиятлари .	60
III боб. Соғлиқни сақлаш тизимини молиялаштиришни такомиллаштириш йўналишлари	
1. Тиббиёт муассасаларида молиявий ресурслардан самарали фойдаланиш	70
2. Тиббиёт муассасаларида пуллик хизматларни ривожлантириш	77
3. Соғлиқни сақлаш тизими муассасаларини молиялаштиришга доир мавзуларни ўқитишда илғор педагогик технологияларни қўллаш	80
Хулоса	102
Адабиётлар рўйхати	106

Кириш

Мавзунинг долзарблиги. Республика аҳолисини турмуш даражаси юксалиши, уни юқори даражадаги маданиятли хизматлар билан таъминланиш, бозор иқтисодиётига ўтиш шароитида ечилиши лозим бўлган муҳим ижтимоий-иқтисодий муаммолардан биридир. Масалан, фақат тиббиёт соҳасининг поликлиника ва касалхоналари хизматидан ҳар йили мамлакатимиз аҳолисининг 5 миллиондан кўпроқ қисми фойдаланмоқда. Аммо, Ўзбекистонда ҳозир фақат 200 хил атрофида дори-дармон ишлаб чиқарилмоқда, чет мамлакатларда эса уларнинг 5000 дан ортиқ тури мавжуд.

Хизмат кўрсатиш соҳалари ичида соғлиқни сақлаш тизими давлатнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланишида алоҳида ўрин эгаллайди, чунки аҳоли саломатлиги ҳар қандай мамлакат миллий бойлигининг асосидир. Сабаби, ижтимоий тараққиётнинг бош мезони ва омили ҳам инсон, пировард мақсади ҳам инсон. Зиддиятли масалаларни ҳал қилиш доимо мушкул. Ижтимоий соҳани, биринчи галда, соғлиқни сақлаш тизимини ислоҳ қилиш жараёнлари, айниқса, қийин бўлади. Сўнги 20 йил ичида мазкур муаммо кўплаб давлатлар учун энг долзарб масаладир. Сабаби, бир томондан, халқ саломатлиги билан боғлиқ вазиятни жиддий равишда марказлаштирилган давлат назоратига олиш, иккинчи томондан, ислоҳ жараёнларидан кенг омманинг иштирокини таъминлаш зарур.

Соғлиқни сақлашни ислоҳ қилишнинг асосий йўналишларида тиббиёт ходимларини ижтимоий ҳимоялаш, тиббиёт фанлари ислоҳоти, янги тиббиёт хизматини ҳуқуқий таъминлаш кабиларга катта аҳамият берилган.

Молиялаштиришнинг ҳар хил шакллариининг ривожланиши, уларнинг омиллари, самарадорлиги ва тиббиёт муассасалари фаолиятига таъсири масалалари илмий жиҳатдан қайта кўриб чиқишни талаб этмоқда.

Бугунги кунда бу соҳаларни тўла молиялаштириш барча МДХ давлатлари қатори бизнинг Республикамиз давлат бюджети олдида ҳам қийинчиликларни юзага келтирмоқда. Юқоридагиларни ҳисобга олган ҳолда, ушбу мавзу доирасидаги диссертациянинг тадқиқоти соғлиқни сақлаш соҳасида ўз-ўзини молиялаштиришни амалга ошириш орқали давлат бюджетидан қилинадиган харажатларни оптималлаштириш (мутаносиблаштириш)га қаратилган.

Юқоридаги ҳолатлар диссертация мавзусини ва унинг мақсад йўналишини аниқлайди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш тизимини ислоҳ қилиш давлат дастури тўғрисида”ги фармони (10 ноябр 1998 йил) билан Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш тизимини 1998-2005 йилларда ислоҳ қилишнинг давлат дастури тасдиқланди. Ана шу кўрилаётган чора-тадбирлар ҳам диссертация мавзуси ўта долзарблигини асоси ҳисобланади.

Ишнинг мақсади ва вазифалари. Мамлакатимизда тиббий хизмат кўрсатиш соҳаларида амалга оширилаётган иқтисодий ислоҳотлар жараёнини илмий таҳлил қилиш, уларда мулк шаклини ўзгариши, бозор муносабатлари талаблари асосида янги хўжалик тизимини яратилиши натижасидаги ўзгаришлар ва молиявий барқарорлигини таъминлаш йўналишларини тадқиқ қилишдан иборат.

Диссертация ишининг мақсадига эришиш учун қуйидаги вазифалар белгилаб олинди:

Соғлиқни сақлаш соҳасида иқтисодий ислоҳотларнинг ҳуқуқий асосларини ўрганиш;

Тиббиёт муассасаларида хусусийлаштириш жараёнларини ўзига хос томонларини очиб бериш;

Соғлиқни сақлаш соҳаларидаги иқтисодий ислоҳотлари самарадорлигини аниқлаш;

Соғлиқни сақлаш соҳаларини молиялаштириш жараёни ва ундаги янги йўналишларни асослаш;

Тиббиёт муассасалари молиявий ҳисоботни жаҳон андозалари даражасида ташкил этиш;

Соғлиқни сақлаш соҳаларини молиявий барқарорлигини таъминлашда аудит тизимининг аҳамиятини очиб бериш;

Ўзбекистон Республикаси “Соғлиқни Сақлаш Давлат Дастури”ни амалга ошириш жараёни ва ундаги ютуқ камчиликларнинг таҳлили.

Мавзунини ўрганилганлик даражаси. Ҳозирда даврда Ўзбекистон миллий иқтисодиётининг турли соҳаларида янги хизмат турларини жорий қилиш ва хизмат кўрсатиш тадбиркорлигини турли шакллари ривожлантириш муаммолари энг кам ўрганилган илмий муаммолардан бири ҳисобланади.

Хизматлар бозори муаммолари чет эл олимлари Вольфганг Хойер, Джексон Грейсон, М. Вудкок, Д.Фрэнсис ва бошқалар томонидан тадбиқ қилинган ва ўз мамлакатлари шароитига мос хулосалар қилинган.

Ўзбекистон Республикасидаги бозор ислохотлари йўналишларини, шу жумладан, хизмат кўрсатиш соҳаларини айрим илмий масалалари академик М.Шарифхўжаев, иқтисод фанлари докторлари И.Т.Абдукаримов, Д.Қудбиев, Е.Абдуллаев, Э.Акрамов, А.Солиев, А.Ўлмасовлар томонидан ўрганилган ва илмий хулосалар қилинган.

Республикамизнинг бозор иқтисодиётига ўтиб бориши шароитида соғлиқни сақлаш соҳаларини молиялаштириш масалалари Республикамиз олимларидан иқтисод фанлари докторлари Ж.Зайналов, О.Жуманов, А.Ахмедов ва М.Хакимовлар томонидан ўрганиб келинмоқда.

Аммо, Ўзбекистон Республикасизда тиббиёт соҳаларида хусусийлаштириш жараёни унинг иқтисодий натижалари таҳлили бозор муносабатларини ушбу соҳага кириб бориши ва яхлит тиббий хизматлар бозорининг шаклланиш муаммолари ҳали тўла ўрганилгани йўқ. Шу билан бирга тиббий хизмат кўрсатиш тармоқларидаги иқтисодий ислохотлар кўп

жихатдан ишлаб чиқариш соҳаларидан фарқ қилади. Тиббий хизмат кўрсатиш соҳаларидаги олиб борилаётган иқтисодий ислоҳотлар чуқур таҳлил қилиниши ва мамлакатимиз ҳудудлари бўйича ўзига хос томонларини аниқлаш ҳамда молиявий барқарорлигини таъминловчи йўналишларини белгилаш илмий изланишлари кун тартибида ўта долзарб муаммо ҳисобланади.

Тадқиқот объекти ва предмети. Тадқиқот предмети бўлиб тиббий хизмат кўрсатиш тизимида молиялаштиришнинг янги услублари ва уларни бозор иқтисодиёти шароитига мувофиқлашуви билан боғлиқ бўлган ташкилий-иқтисодий ва молиявий муносабатлар соҳада бозор муносабатларнинг босқичма-босқич шаклланиш жараёни, мулк шаклининг ўзгариши, пуллик хизматлар хизматлар кенгайтирилиши ва ижтимоий-иқтисодий самарадорлик масалалари мажмуи ҳисобланади. Тадқиқотнинг объекти Молия Вазирлиги, Соғлиқни Сақлаш Вазирлиги, тиббий хизмат тизимидаги турли мулкчилик шаклида фаолият кўрсатаётган муассасалар олинган.

Тадқиқот услубияти ва услублари. Тадқиқотнинг назарий ва услубий асосини бозор иқтисодиётининг объектив қонунлари, Президентимиз И.А.Каримов томонидан асосланган Ўзбекистонинг бозор иқтисодиётига босқичма-босқич ўтиш даврини назарий тамойиллари, Олий мажлис томонидан қабул қилган қонунлар, Ўзбекистон Республикасининг Вазирлар Маҳкамаси қарорлари, мамлакатимиз ва хорижий олимлари мазкур муаммо юзасидан олиб борган илмий ишлар ташкил қилади.

Тадқиқотни ўтказишда мантиқий, иқтисодий ва таққослаш таҳлили, илмий абстракциялаш, статистик гуруҳлаш, таққослаш, истиқболни белгилаш, индекс услуби, корреляция таҳлили, синтез услублари, тизимли ёндашиш, график ва бошқа иқтисодий услубларидан фойдаланилди.

Диссертацияни ёзишда Ўзбекистон Республикаси Макроиқтисодиёт ва Статистика Вазирлиги, Ўзбекистон Республикаси Молия Вазирлиги, Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни Сақлаш Вазирлиги, Бирлашган

Миллатлар Ташкилоти маълумотлари ва турли даврларда нашр этилган статистик тўпламлар, соғлиқни сақлаш муассасалари ва ташкилотнинг бошланғич маълумотлари, монография ва рисоалар шаклидаги нашрлардан фойдаланилди.

Тадқиқот натижаларининг илмий жиҳатдан янгилик даражаси:

-изланувчан томонидан Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш тизимида молиялаштириш масалалари таҳлил қилинди, шунингдек бозор муносабатларини ривожланиши шароитида тизим муассасаларида молиявий барқарорликни таъминлаш ва уларни фаолиятининг самарадорлигига таъсир этувчи омиллар аниқланади;

-тиббий хизмат кўрсатиш соҳаларида олиб борилаётган хусусийлаштириш жараёнини дастлабки натижаларини таҳлил қилиш орқали, уларни Республика иқтисодиётида тутган ўрни ёритилди;

-соғлиқни сақлаш соҳасидаги иқтисодий ислохотлар, уларнинг соҳа муассасалари фаолиятларига таъсири ёритилди;

-соғлиқни сақлаш соҳасида хўжалик юритишни бозор шакллари, тадбиркорлик фаолиятини ривожланиши шароитлари кўриб чиқилди ва бу тизимларда мулкчилик муносабатлари такомиллаштириш йўллари кўрсатилди;

-соғлиқни сақлаш соҳасида сўнгги йиллар давомида хўжалик юритишни бозор шаклларини, тадбиркорликнинг ҳамда маркетинг фаолиятини ривожланиши ҳолатлари аниқланди;

-молиявий барқарорликни таъминлаш учун режалаштиришнинг янги услублари таклиф этилди;

-Ўзбекистон Республикасининг соғлиқни сақлаш тизимини ислох қилиш давлат дастурини ҳаётга тадбиқ қилиш жараёнидаги тўсиқ камчиликларни олдини олиш ва соҳада тадбиркорликка кенг йўл очиб бериш йўл йўриқлари ўрганилди.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти ва тадбиқи.

Тадқиқотлар жараёнида олинган назарий ва амалий натижалар,

мамлакатимиз соғлиқни сақлаш соҳалари тизимидаги муассасаларида молиявий барқарорликни таъминлашни бозор хўжалиги талабларини ҳисобга олган ҳолда амалга ошириш бўйича услубий асос сифатида қўлланилиши мумкин.

Тадқиқот натижаларини сновдан ўтказиш ва амалиётга тадбиқ этиш. Диссертация ишининг асосий таклифлари Наманган муҳандислик-технология институтида ва Наманган муҳандислик-педагогика институтида ўтказилган илмий-амалий анжуманларда маъруза қилинди.

Иш тузилиши ва таркиби. Магистрлик диссертация иши кириш, учта боб, хулоса, илова ва адабиётлар рўйхатидан ташкил топган. Диссертация ишида 10 та жадвал ва 2 чизма мавжуд.

Диссертациянинг кириш қисмида мавзунинг долзарблиги ва ўрганилганлиги, мақсадлари ва вазифалари, илмий янгилиги ёритиб берилган.

I-бобда Соғлиқни сақлаш тизими молиясининг моҳияти, унинг асосий вазифалари ва мазмуни илмий тадқиқ этилган.

II-бобда Наманган вилояти соғлиқни сақлаш муассасаларида харажатларни режалаштириш ўрганиб чиқилган.

III-бобда Соғлиқни сақлаш тизимини молиялаштиришни такомиллаштириш масаласи асослаб берилган.

Хулосада тадқиқот натижасида олинган илмий хулосалар ва амалий таклифлар умумлашган ҳолда баён этилган.

I боб. Соғлиқни сақлаш тизимини молиясининг моҳияти ва унинг асосий вазифалари

1. Соғлиқни сақлаш тизимини молиялаштириш механизми

Ўзбекистонда олиб борилаётган иқтисодий ислохотлар давлат ва жамиятнинг барча соҳаларининг шу жумладан соғлиқни сақлаш тизими иқтисодини ҳам тубдан ислох қилишга йўналтирилмоқда.

Соғлиқни сақлаш тизимидаги иқтисодий ислохотлар жараёни самарадорлиги бу соҳани нафақат инсоният ҳаёти ва яшashi учун ўта зарурлигидан балки жамиятнинг келажакдаги ривожини учун молиявий ресурсларни яратиш ва улардан самарали фойдаланиш шартларини юзага келишига қаратилгандир.

Соғлиқни сақлаш соҳасида ташкилий-бошқарув фаолиятидаги ўзгаришлар соҳа иқтисодини қайта қуриш билан биргаликда олиб борилмоқда. Соҳа иқтисодиётига баҳо бериш учун унинг молия-кредит тизимини тадқиқот қилиш зарурдир. Бу эса ўз навбатида республика аҳолисининг соғлом бўлиши, узок умр кўриши кўп жиҳатдан соҳани молиялаштириш даражаси ҳажмига шу жумладан, давлатнинг иқтисодий ҳолатига ва соғлиқни сақлаш борасида олиб бораётган сиёсатига боғлиқдир.

Ҳозирги вақтда давлатнинг соғлиқни сақлаш борасида олиб бораётган сиёсати «Фуқаролар соғлигини муҳофаза этиш» ва «Соғлиқни сақлаш тизимини ислох қилиш тўғрисидаги Давлат Дастури» қонунлари асосида олиб борилмоқда. Молиялаштириш ҳажмида ҳам катта ўзгаришлар кузатилмоқда. Ҳозирда давлат томонидан молиялаштириш билан бир қаторда соҳага ўз фаолиятини молиялаштириш учун қўшимча манбалардан молиявий ресурслар жалб қилиш учун катта мустақиллик берилган.

Республикада олиб борилаётган иқтисодий ислохотлар доирасида соғлиқни сақлаш тизимида молиялаштиришни тубдан ўзгартириш вазифаларини ечишни ўз олдига вазифа қилиб олган бўлиб унинг мақсади:

- ялпи ички маҳсулотнинг соғлиқни сақлаш соҳасига йўналтирилаётган улушини босқичма-босқич кўпайтириб бориш;
- соғлиқни сақлашга кўп вариантли (бюджет ва бюджетдан ташқари манбаалардан) молиялаштириш тизимини киритиш;
- соҳада ўзинии-ўзи молиялаштиришни ривожлантириш;
- соҳага турли мулкчилик шаклидаги корхоналар, республика фуқароларининг шунингдек, чет эл инвестицияларини жалб қилишни рағбатлантириш;
- аҳоли саломатлигини тиклашда хомийларнинг моддий қўллаб-қувватлашларини ошириб бориш;
- соғлиқни сақлаш муассасалари даромадларини оширишни таъминлашда пуллик даволаш хизматларидан, тадбиркорликдан маслаҳатлар беришдан, асосий воситаларни ижарага беришдан ва фаолиятнинг бошқа турларидан кенг фойдаланишни йўлга қўйишдан иборатдир.

Соғлиқни сақлаш соҳасида олиб борилаётган иқтисодий ислохотлар асосида молиявий таъминотни йўлга қўйиш иқтисодий мустақилликка асосланади. Соҳада иқтисодий мустақиллик замирида бир томондан ўз маблағларидан қандай эркин фойдаланилса, фаолият натижасида яратилган молиявий ресурслардан ҳам шундай фойдаланилади. Иккинчи томондан тизимнинг ўз фаолияти натижаларидан тўла иқтисодий жавобгарлигидир.

Соҳанинг ўз маблағларини фаол ва пассив қисмларга ажратиш мумкин.

Пассив қисми (бинолар, қурилмалар, ер, ускуналар ва ҳоказо) соҳа ходимларига меҳнат фаолияти учун шароит яратади.

Фаол қисми (ҳисоблаш техникалари, даволаш воситалари, қўлланмалар, дастурлаш таъминоти, интернет ва ҳоказо) фуқароларни саломатлигини тиклаш жараёнида билвосита иштирок этади. Соғлиқни

сақлаш тизими учун ер майдонлари бепул ва муддат белгиланмаган ҳолда берилади.

Соғлиқни сақлаш соҳаси кўпгина ҳуқуқларга эга бўлиш билан бир каторда ўз қўл остида бўлган мулкдан ва пул маблағларидан фойдаланиш мажбурияти учун жавобгар ҳисобланади. Юқоридаги маблағлар етишмаган ҳолда смета асосида молиялаштирувчи орган жавобгар ҳисобланади. Нодавлат соғлиқни сақлаш муассасалари ҳаракатига қонунчилик асосида банкрот деб эълон қилиниши мумкин.

Соғлиқни сақлаш тизими молиявий таъминотини етарлича молиявий ресурслар билан таъминланишини кўп жиҳатдан жамиятнинг иқтисодий ва ижтимоий ҳолатига боғлиқ. Чунки давлат иқтисодий жиҳатдан қанча бақувват бўлса, соғлиқни сақлаш тизими учун шунча кўп маблағ ажратилади. Жамиятнинг ижтимоий ҳолати яхши бўлса кўшимча пуллик хизматларни сотиб олиш учун имконият яратилади.

Соғлиқни сақлаш тизими ҳудудларга қуйидагича таъсир ўтказади:

- иқтисодий томондан ҳудуд аҳолиси ўртасида касалликнинг камайиши ўз навбатида ҳудудга кўшимча молиявий ресурсларини оқими учун имконият яратади;
- демографик томондан соғлиқни сақлаш муассасаларини нормал ишлаши аҳоли кўпайишига, уни доимий яшаш жойидан кетиб қолмаслиги учун шароит яратади;
- ижтимоий томондан ҳудудда яшаш ва ҳаёт кечириш сифати яхшиланади, соғлом комил инсонлар яшайдиган ҳудудда жинойтчилик даражаси пасаяди;
- маданият соҳасида инсонларнинг саломатлиги сифат жиҳатидан юқори бўлган ҳудудларда маданият ривожланади, одамларда китоб ўқишга, санъатга, театр ва кинога қизиқиш ортиб маданий ҳаёт фаоллашади.

Ўз навбатида ҳудудлар ҳам соғлиқни сақлаш тизимига ўз таъсирларини ўтказадилар, чунки тизим ҳудуд аҳолиси манфаатларини

ҳисобга олиш лозим. Сабаби ҳудуд аҳолисини янги-янги тиббий хизматларга бўлган буюртмаларини камайиши тиббиёт муассасаларини даромадларини пасайишига сабаб бўлади.

Бозор иқтисодиёти шароитига ўтиш натижасида соғлиқни сақлаш соҳаси тижорат асосидаги ҳисоб-китобларга аста-секинлик билан ўта бошлаганлиги сабабли ўз фаолиятида молиявий сиёсатни олиб боришда катта эркинликларга эга бўлдилар. Улар бугунги кунда бозорга қандай хизматларни таклиф қилишни ўзлари мустақил белгилайдилар. Бажараётган хизматлар учун баҳолар ва иш сифати соҳадаги самарадорликка, муассасаларнинг обрўсига ва иқтисодий фаолиятига катта таъсир ўтказади. Шунингдек, соғлиқни сақлаш тизими фаолияти жамият ҳаётига, давлатнинг иқтисодий ва сиёсий ҳолатига биринчи даражали таъсир ўтказади, шунинг учун ҳам соҳа бевосита қаттиқ назорат остида туради. Шунинг учун ҳам соҳа давлат томонидан қатъий белгиланган меъёрларга риоя этади, ҳамда тижорат фаолиятида маълум чегараланишлар мавжуддир (маълум тоифа аҳоли учун кўрсатилган хизматлар давлат бюджети томонидан қопланиб борилади).

Соғлиқни сақлаш тизимини давлат бюджети томонидан молиялаштириш давлатнинг иқтисодий ва молиявий сиёсатидан келиб чиққан ҳолда бюджетни тузиш ва бажариш бўйича ягона тартибга асосланади.

Соғлиқни сақлаш - бу инсон омили учун инвестиция ҳисобланади. Чунки давлат ва жамият бу инвестиция учун тўлиқ манфаатдор, сабаби инсоннинг саломатлик ва умр кўриш даражасининг юқори бўлиши иқтисодий ўсишни таъминлайди, меҳнатни ишлаб чиқариш ўсади, ижтимоий масалалар мувофиқлашади.

Молия-кредит механизми таркиби қуйидаги унсурлардан ташкил топади:

- молия-кредит алоқаларини ташкил этишнинг шакллари, усуллари ва тамойиллари;

- иқтисодий қонунлар таъсири;
- режалаштириш тизими, молия-кредит механизми натижалари таъсири устидан назорат ва бошқариш;
- молиянинг ривожланиш қонуниятлари;
- иқтисодий ва молиявий сиёсат вазифаларини ўрганиш;
- молиявий режалаштириш ва прогнозлаш орқали истиқболни белгилаш;
- молиявий бошқариш.

Юқоридаги бўғинларни мустақил фаолият қилишига қарамасдан улар бир-бири билан доимо алоқада бўлади ва бир-бири билан ўзаро боғлиқдир. Молия-кредит механизмнинг таркибий қисмининг ички боғлиқлиги биринчи навбатдаги ҳисобланади ва унинг ҳаракатининг самарадорлигини аниқлашнинг ажралмас шarti ҳисобланади.

Молия-кредит механизмнинг ташкил этишнинг турли шакллари, яъни бюджетдан молиялаштириш, банкдан кредитлаш ва ўз-ўзини молиялаштириш молия-кредит алоқаларини амал қилиш жараёнида бир вақтнинг ўзида фойдаланилади. Улар доимо бир-бирларини тўлдириб борилади, уларни тўғри танлаш эса аниқ йўналтирилган соҳагагина эмас, балки барча хўжалик механизмнинг ҳам самарадорлигига таъсир кўрсатади. Молиялаш ва кредитлашга таъсир қилувчи усуллар ўзида аниқ меъёрларни шунингдек турли фондларни ташкил қилиш тартиби ва шартларини акс эттиради. Молия-кредит механизмнинг ушбу бўғини унинг ҳаракат қилиш тавсифини аниқлайди. Молия-кредит алоқаларини ташкил қилиш тамойиллари бўлиб, молиялаш ва кредитлаш жараёнини ташкил қилиш тартибини аниқловчи аниқланган шартли ва шартсиз омиллари мавжуд.

Молия-кредит механизмнинг амал қилиш тартиби таркибий тузилмалар томонидан ўрнатилади. У ўз ичига ҳуқуқий меъёрларни, режалаштиришни, бошқарув ва назоратни олади. Ҳуқуқий меъёрлар, молия-кредит алоқаларнинг ташкил этиш масалалари бўйича қонуний

актларни ишлаб чиқиш ва қабул қилишда фойдаланилади. Меъёрий актларни ўрнатиш тартиби фаолият турлари бўйича вазирликлар зиммасига юклатилган. Бу эса ўз навбатида ҳар бир соҳа бўйича молия-кредит сиёсатини муваффақиятли ўтказиш ва молия-кредит механизмини аниқ амал қилиш учун керакли шароитларни яратмоқда режалаштириш, бошқариш ва назорат молия-кредит алоқаларини тартибга солувчи меъёрий актлар асосида ҳаракат қилади. Бу ишлар тарихан шаклланган бўлиб, иқтисодий ва сиёсий шартлар асосида амал қилади. Молия-кредит механизми доимо такомиллаштириб боришга эҳтиёж сезади. Шунинг учун ҳам иқтисодий ривожланишнинг ҳар бир формациясида маълум бир молия-кредит механизми шу формацияга мос равишда ҳаракат қилади.

Молиявий сиёсатнинг муҳим ва мураккаб вазифаси, тегишли молия механизмини ишлаб чиқиш, иқтисодий сиёсат белгилаб берган ривожланиш йўналишларини таъминлаш мақсадида уни такомиллаштиришдир.

1-чизма

Молия механизмининг таркибий тузилиши



Молиявий режалаштириш ва прогнозлаштириш - молия механизмининг асосий қисми бўлиб, у молиявий режалар ва балансларни ҳамда молиявий кўрсаткичлар, меъёр ва меъёрий тизимни ўз ичига олади.

Молиявий дастаклар ва рағбатлантириш воситаларига - уларга фойдани тақсимлаш усуллари, турли фондларга тўловлар, ажратмалар, кўлланиладиган имтиёзлар, санкциялар, жарималар киради.

Молиявий бошқариш-субъектларнинг молиявий муносабатларини амалга ошириш, йўлга қўйиш ва такомиллаштириш усуллари ва услублари йиғиндисидан иборат.


Юқоридагилар асосида соғлиқни сақлаш тизими молия-кредит механизмини амал қилиш таркибини тадқиқот қилишга тўхталиб ўтамыз.

Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш соҳасини мустақилликка эришгунга қадар фақат давлат томонидан бир каналли молиялаштириш тизими орқали молиялаштирилган. Бугунги кунда соғлиқни сақлашни молиялаштириш тубдан ўзгарди. Давлат тиббиёт муассасаларини молиялаштиришда давлат бюджети улуши кўп миқдорни ташкил қилмоқда. Лекин бугунги кунда молиялаштиришни янги нобюджет манбаалари вужудга келмоқда.

Бюджет томонидан молиялаштиришни молиялаштириш субъектлари бўйича республика бюджети ва маҳаллий бюджетдан молиялаштиришга ажратиш мумкин.

Соғлиқни сақлаш тизимини молиявий ресурслари икки манбаадан, давлат бюджети ва нобюджет маблағлардан ташкил топади. (2-чизмага қаралсин).

Соғлиқни сақлаш тизимини молиялаштириш манбаалари



Бюджет маблағларидан фойдаланиш устидан назорат, харажат моддалари бўйича берилган маблағларга асосланиб амалга оширилади.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг давлат бюджети томонидан молиялаштириладиган соҳаларда молиявий механизмни такомиллаштириш, бюджет маблағларини мақсадга мувофиқ ва самарали фойдаланишни ташкил этишда иқтисодий ислохотларни чуқурлаштириш мақсадида «Бюджет ташкилотларини молиялаштириш тартибини такомиллаштириш тўғрисида»ги қарорида (1999 йил 414-сон) молиялаштиришнинг янги тартибини жорий қилди, бу қарорга асосан:

- бюджет маблағларидан тежаб, самарали ва аниқ фойдаланиш ҳамда бюджет интизомини мустаҳкамлаш учун бюджет ташкилотлари раҳбарларининг мустақиллигини кенгайтириш ва масъулиятини ошириш;
- бюджетдан маблағ олувчи ташкилотларни маблағ билан таъминлаш механизмни соддалаштириш ва бюджет маблағларидан фойдаланишда юқори натижаларга эришиш мақсадида мавжуд маблағларни оқилона тақсимлаш учун шарт-шароитлар яратиш;

➤ бюджет ташкилотлари ходимлари меҳнатини рағбатлантириш, улар фаолиятини самарадорлигини ошириш ва кадрларнинг ўрнашиб қолиши учун шарт-шароитлар яратиш.

Республикада олиб борилаётган иқтисодий ислохотлар жараёнида соғлиқни сақлаш тизимининг молиявий базасини соғломлаштиришнинг стратегик йўналиши бўлиб бюджетдан ташқари фондларни жалб қилиш орқали молиялаштиришнинг янги манбааларини излаб топиш ҳисобланади. Бу ҳолат нафақат Ўзбекистон учун балки бутун дунёда ўтиш даврида соғлиқни сақлаш тизимини ривожлантиришнинг ўзига хос шarti ҳисобланади.

Соҳада тадбиркорликни ривожлантиришнинг асосий йўналишларидан бири бу давлат томонидан соғлиқни сақлаш учун ажратилган моддий ресурслар ҳисобланади. Бу моддий ресурслар соҳа учун доимий фойдаланиш ҳуқуқи доирасида берилган бўлиб, тадбиркорлик фаолияти учун катта имкониятлар яратади.

Соғлиқни сақлаш тизими бюджетдан ташқари фаолиятдан олинган маблағлардан фойдаланишда катта эркинликларга эгадир.

Бюджетдан ташқари фаолиятни қуйидаги йўналишлар бўйича классификациялаш мумкин:

- соғлиқни сақлаш хизматлари;
- пуллик даволаш хизматлари;
- врач қабули ва маслаҳатлари;
- шартнома асосида корхоналарда профилактика ишларини олиб бориш;
- қисқа муддатли пуллик даволаш курсларини ташкил этиш;
- корхона ва ташкилотлар ишчи ходимларини врач кўригидан ўтказиш;
- корхона ва ташкилотларда пуллик курс ва семинарлар ташкил этиш;
- асосий воситаларни фойдаланишдан бўш вақтларда ижарага бериш;
- ташқи иқтисодий фаолият;
- чет эл давлат муассасалари билан қўшма корхоналар ташкил этиш;

- соғлиқни сақлашни кўллаб қувватлаш учун чет эл фондларининг ташкил этган Дастурларида қатнашиш;
- даволаш ходимларини чет элларга тажриба алмашиш учун юбориш;
- турли хилдаги чет эл инвестицияларни жалб қилиш;
- Ўзбекистонда ишлаб чиқариладиган дори-дармон воситаларини чет элларда рекламасини ташкил қилиш орқали уларни чет элга сотиб республикага чет эл валютасини киритиш ва ҳоказолардир.

2. Соғлиқни сақлаш тизими маблағларини шакллантириш, уларни таснифи, фойдаланиш тартиби ва тамойиллари

Давлат соғлиқни сақлаш муассасалари бюджет ташкилотлари ҳисобланади, уларни ўз функцияларини бажаришлари учун Ўзбекистон Республикаси «Соғлиқни сақлаш Давлат Дастури» асосида давлат бюджетидан тўла ёки қисман молиялаштирилади. Поликлиникалар маълум бир ҳудудда яшовчи 15000 дан 35000 кишигача хизмат кўрсатади¹.

Бюджет маблағларини олиш учун асос бўлиб, соғлиқни сақлаш муассасаларини тасдиқланган харажатлар сметаси ҳисобланади.

Соғлиқни сақлаш соҳаси бюджет тизими қуйидаги тамойиллар асосида ташкил топади:

- ички молия тизимининг услубий бирлиги;
- даромад ва харажатларни тўла ҳисобга олиниши;
- оммабоплиги ва ошкоралиги;
- раҳбарлар даражалари бўйича бюджет маблағларини тақсимланиши.

Соғлиқни сақлаш муассасалари раҳбарлари молиявий алоқаларини тартибга солишда, ўзлари учун ўрнатилган ҳуқуқлар доирасида буйруқлар ва қарорлар қабул қилишга ҳақлидирлар.

Соғлиқни сақлаш соҳаси бюджети – бу ҳаракатдаги қонунчилик асосида соғлиқни сақлаш соҳасига бириктирилган пул маблағларини

¹ www.med.uz “minzdrav”.

ташқил қилиниши ва ишлатилиши юзасидан олиб бориладиган фаолиятдир.

Соғлиқни сақлаш соҳаси бюджети алоҳида муассаса учун тўлалигича, қисман юридик шахс мақомидаги бўлимлар учун алоҳида ва молиявий ҳисоб юритиладиган ички бўлимлар учун алоҳида тузилади.

Бюджет тизими уч даражага ажратилади:

- Соғлиқни сақлаш бўйича умумий;
- алоҳида даражадаги бўлимлар учун;
- алоҳида объект, алоҳида тадбир ва алоҳида ишлар даражаси бўйича.

Молиялаштириш маблағлари соғлиқни сақлаш соҳаси учун давлат тузилмаларидан (давлат маблағлари), шунингдек корхоналар ва фуқаролардан (нодавлат маблағлар) келиб тушиши мумкин.

Бюджет классификацияси давлат тизими бўйича даромад ва харажатларни моддалар бўйича гуруҳлаш асосида амалга оширилади.

Соғлиқни сақлаш бюджет тизими ягоналиги, ягона классификациядан фойдаланиш, соғлиқни сақлаш муассасаларини бошқариш даражаси бўйича умумий бюджетни тузишда керакли статистик ҳисоботларни тақдим этишда ягона ҳисоботлар ва режалаштириш ҳужжатлари шаклларида фойдаланиш ягона ҳуқуқий базасини таъминлайди.

Соғлиқни сақлаш соҳаси даромадлари – бу бюджет муассасалари ихтиёридаги тушадиган пул маблағларидир.

Соғлиқни сақлаш соҳаси харажатлари - соғлиқни сақлаш соҳаси муассасаларини, уларнинг айрим бўлимларини ва алоҳида ишчи-ходимларни эҳтиёжларини қондириш учун йўналтирилган пул маблағларидир.

Харажатларни даромадлардан ортиб кетиши соғлиқни сақлаш муассасаси учун камомадни вужудга келтиради. Даромадларни харажатлардан ортиши эса соғлиқни сақлаш муассасаси даромади ҳисобланади. Соғлиқни сақлаш муассасаси даромадларини олиб қўйиш таъқиқланади.

Давлат томонидан молиялаштириладиган маблағлар алоҳида моддаларда акс эттирилади. Маблағларни моддалар бўйича қайта тақсимлашга рухсат берилмайди. Бу қуйидаги моддаларга таалуклидир, яъни иш ҳақи фонди, капитал қўйилмалар ва жорий харажатлардир.

Корхона ва ташкилотлар соғлиқни сақлаш муассасаларига қурилмалар, материаллар, бинолар, транспортлар, техника воситалари ва молиявий ресурсларни бепул қайтариб берилмаслик шarti билан беришлари мумкин. Соғлиқни сақлаш муассасалари бу турдаги барча воситалардан мустақил фойдаланиш ҳуқуқига эга.

Соғлиқни сақлаш муассасалари давлат, корхоналар, аҳоли ва бошқа манбаалар орқали олинган ер участкаларига, биноларга, қурилмаларга ва бошқа шу турдаги моддий ресурсларга оператив бошқариш жараёнида эгаллик қилади.

Соғлиқни сақлаш муассасалари ўзлари ишлаб топган (нобюджет маблағлар) маблағлар ҳисобидан ўзи учун керакли бўлган барча турдаги моддий ресурсларни, қурилмаларни, ер майдонларини, биноларни хоҳлаган корхонадан ёки фуқаролардан пул ўтказиш шarti билан сотиб олишлари ёки ижарага беришлари мумкин.

Соғлиқни сақлаш муассасалари давлат молиявий маблағларини бюджет ҳисоби Молия Вазирлиги ва Соғлиқни сақлаш Вазирлиги томонидан назорат қилиб турилади ва бу маблағлардан мақсадсиз фойдаланишга йўл қўйилмайди. Мақсадсиз фойдаланиш деганда соғлиқни сақлаш муассасаларининг ички бюджет қурилишига мос келмайдиган мақсадларга сарфланган маблағлар тушунилади. Масалан бюджет маблағларни аввал олинган тижорат кредитини ёпиш учун йўналтириш қоидабузарлик ҳисобланади. Шунинг учун ҳам соғлиқни сақлаш муассасалари иш ҳақи учун давлат бюджети маблағлари етишмаганида бу мақсад учун nobюджет маблағларни жалб қилишлари мумкин эмас.

Бюджет маблағларини тақсимловчилари бўлиб соғлиқни сақлаш муассасаларида бош ҳаким ҳисобланади, шунингдек муассасанинг банк

хужжатларига имзо чекиш ҳуқуқига эга бўлган маъсул шахс ёки тўла ва қисман молиявий мустақилликка эга бўлган бўлим раҳбарлари ҳисобланади.

Соғлиқни сақлаш муассасаларининг молиявий мустақиллиги бу муассасаларнинг ўз олдига қўйган мақсадларига эришиш воситаси ҳисобланади. Лекин бу мустақиллик шахсий манфаатлар учун хизмат қилмаслиги лозим. Муассасалар раҳбарлари мустақиллик олиш билан биргаликда, ўз бўлимларини шунингдек муассасаларни ривожланиши учун жавобгарликни ҳам оладилар. Молиявий мустақиллик муассаса қабул қилган дастур асосида ҳаракат қилиб муассаса мақсадларини муваффақиятли амалга оширишга қаратилган бўлиши керак.

Соғлиқни сақлаш муассасалари бюджети даромадлари кўйидаги манбаалар ҳисобига шаклланади:

- давлат бюджети томонидан тасдиқланган смета асосида;
- ишчи ходимларни малакасини ошириш учун давлат бюджети томонидан молиялаштириш;
- давлат бюджети томонидан мақсадли тадбирлар учун;
- муассаса мулкани ва ресурсларини ижарага беришдан;
- номоддий фаолларни сотишдан даромадлари;
- муассасалар мулкани сотишдан даромадлари;
- пуллик даволаш хизматларидан даромадлари;
- врач қабули ва маслаҳатлардан даромадлар;
- шартнома асосида корхоналарда профилактика ишларини олиб боришдан даромадлар;
- қисқа муддатли пуллик даволаш курсларини ташкил этишдан даромадлар;
- корхона ва ташкилотлар ишчи-хизматчиларини тиббий кўрикдан ўтказишдан даромадлар;
- корхона ва ташкилотларда пуллик курс ва семинарлар ташкил этишдан даромадлар;

- хомийлар, корхоналар ва фуқаролар томонидан қайтариб берилмаслик шарти билан берилган маблағлар.

Муассасалар томонидан олинган қўшимча даромадлар ёки режадан ортиқ тушумлар биринчи навбатда шу даромадлар ҳисобидан қопланиши лозим бўлган харажатларга, иккинчи навбатда жорий қарзларни ёпишга, учинчи навбатда кўзда тутилмаган ишларга ва охири узоқ муддатли қарзларни ёпишга ишлатилади.

Қўшимча маблағлардан фойдаланишни устивор йўналишлари муассаса қарори асосида ёки бош ҳаким томонидан аниқланади. Бу йўналиш муассасанинг келгуси йилги иқтисодий режасини тузиш вақтида аниқланади.

Бюджетдан ташқари даромадлар бўйича йил давомида режалаштирилмаган янги харажатлар пайдо бўлса уларни молиялаштириш муассаса қарори билан ёки уларни молиялаштириш манбаи кўрсатилган ҳолда муассаса раҳбари буйруғи билан амалга оширилади. Йиллик бюджет харажатларига киритилмаган харажатларни молиялаштириш ваколати бухгалтерия хизмати учун берилмаган.

Давлат органлари томонидан ажратилган молиявий маблағлар муассаса томонидан бошқа юридик шахсларга берилиши мумкин эмас, чунки бу маблағлар мақсадли йўналишга эгадир. Бу шартни амалга оширилиши устидан назоратни ваколат берилган органлар амалга оширадилар. Соғлиқни сақлаш муассасалари тижорат фаолиятидан олган даромадларидан ўзларининг қарорлари асосида ишлатишлари мумкин.

Соғлиқни сақлаш муассасаларнинг тижорат фаолиятидан тушган маблағлардан ўз хоҳишлари билан фойдаланишлари мумкин, лекин ўз даромадларини ҳисобга олишда қуйидагиларни инобатга олиш мажбурийдир:

- маблағларни йўқотиш таваккалчилиги;
- кутилаётган даромад миқдори;

- соғлиқни сақлаш муассасаси жойлашган ҳудудни, аҳолини ва шу муассасани истиқболдаги ривожланиш йўналишларини ҳисобга олиш;
- муассасани ривожлантириш тадбирларини ўтказишдан йўқотишларни ҳисобга олиш;
- соғлиқни сақлаш муассасасини ривожлантириш учун йўналтириши лозим бўлган фойдани бошқа мақсадларга йўналтиргани учун қўшимча ҳисобланадиган солиқ тўловларини ва ҳоказоларни.

Тиббиёт муассасалари ўзлари ишлаб топган маблағларини бошқа юридик шахсларга беришлари ёки юридик шахсларнинг устав фондига капитал беришлари учун шу муассаса йиғилиш қарори талаб қилинади.

Соғлиқни сақлаш муассасалари учун давлат бюджети томонидан ажратилган маблағлар ҳамда ўзлари томонидан пуллик хизматлар орқали ишлаб топилган молиявий ресурслар муассасалар таркибий қисмлари ва умумий тадбирлар қуйидаги тартиб бўйича тақсимланади:

- давлат ва нодавлат молиялаштиришнинг реал истиқбол режалари бўйича;
- маблағларни тушумлари манбаалари баҳолаш асосида;
- муассаса фаолиятининг энг устувор йўналишлари бўйича;
- иш ҳақиға бўлган эҳтиёжини харажатлар тизимидаги режасини аниқлаш асосида;
- муассаса умумий ахамиятига эга бўлган бинолар, қурилмалар ва бошқа асосий воситаларга ҳудудий хизмат кўрсатишни режалаштириш бўйича;
- муассаса бошқарув ва ёрдамчи таркиблар хизматлари баҳоларини меъёрлар асосида аниқлаш ва бошқалар.

Марказлашган субъектларга тушадиган бюджетдан ташқари маблағлар уч таркибий қисмга ажратилиши лозим:

- муассасанинг умумий тадбирларини қўллаб-қувватлаш;
- бошқариш ва таъминот хизматиға;
- муассасанинг асосий таркибий қисмларига.

Ўзбекистон Республикасида давлат тиббиёт муассасалари учун бюджетни шаклланишида фаолият бўйича харажатлар таркиби қуйидагича ўрнатилган:

- режа ёки маълум ҳисобот даври доирасида муассаса фаолиятини таъминловчи, жорий харажатлар;
- муассаса ривожланишини таъминловчи капитал харажатлар;
- бошқа муассаса ва ташкилотлар билан кредитлар бўйича тўловларни таъминловчи молиявий алоқалар.

Жорий харажатлар унсурлари бўлиб қуйидагилар ҳисобланади:

- меҳнатга ҳақ тўлаш, шу жумладан:
- ишловчиларнинг асосий иш ҳақи;
- иш ҳақига қўшимчалар;
- қўшимча иш ҳақи;
- штатдан ташқари ходимлар иш ҳақлари;
- ишловчиларга бошқа пул маблағлари;
- иш ҳақига ҳисоблашувлар, шу жумладан:
- давлат ижтимоий суғуртаси ажратмалари;
- мажбурий тиббий суғурта ажратмалари;
- давлат бандлик фонди ажратмалари;
- пенсия фонди ажратмалари;
- Таъминот предметлари ва материаллар харажатлари, шу жумладан:
- девонхона харажатлари;
- юмшоқ жиҳозлар;
- қаттиқ жиҳозлар;
- бошқа материаллар харажатлари;
- хизмат юзасидан сафар харажатлари:
- транспорт хизмати учун тўловлар;
- алоқа хизмати тўловлари;
- уй-жой хизмати тўловлари;
- бошқа хизматлар учун тўловлар, шу жумладан:

- биноларни жорий таъмирлаш;
- жиҳозлар ва инвентарларни жорий таъмирлаш;
- қарзлар бўйича фоизларни тўлаш;
- аҳолига трансфертлар, шу жумладан:
- нафақалар тўлаш;
- стипендиялар;
- овқатланиш учун тўловлар;
- ёзги дам олишни қўллаб-қувватлаш учун тўловлар;
- бошқа тўловлар.

Капитал харажатлар капитал таъмирлаш, капитал қурилиш, қурилмаларни сотиб олиш доирасида шаклланади.

Капитал харажатларни унсурлари қуйидаги таркибий кўринишга эга:

- қурилмалар сотиб олиш, шу жумладан:
- ишлаб чиқариш қурилмалари;
- ноишлаб чиқариш қурилмалари;
- капитал қурилиш, шу жумладан:
- уй-жой;
- ишлаб чиқариш объектлари;
- маиший, ижтимоий – маданий йўналишдаги объектлар;
- бошқарув аппарати учун объектлар;
- капитал таъмирлаш, шу жумладан:
- уй-жой фондини;
- ишлаб чиқариш объектларини;
- маиший, ижтимоий – маданий объектлар;
- бошқарув аппарати объектлари;
- ер ва номоддий объектлар сотиб олиш:
- ер;
- номоддий объектлар.

Муассасанинг молиявий алоқалари кредитлар ва улар бўйича тўловлар бўйича амалга оширилади. Фаолиятнинг бу тури бўйича харажат унсурлари қуйидагиларни ўз ичига олади:

- кредитлар таклиф қилиш;
- кредитларни қайтариш.

Соғлиқни сақлаш тизими муассасаларининг молиясини такомиллаштиришнинг асосий шарти бўлиб бюджет маблағларидан самарали фойдаланиш ҳисобланади. Шунинг учун ҳам бу соҳада энг асосий вазифалардан бўлиб билим даражасини ошириш, молиявий маблағларни харажат қилишда уларни шаклланиш механизмларини энг оптимал вариантларини излаб топиш орқали ишлаб чиқаришга тадбиқ этиш лозим.

3. Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш соҳасини давлат бюджетидан молиялаш тизимини ўзига хослиги

Ўзбекистон Республикасида соғлиқни сақлаш соҳасини бюджетдан молиялаштириш механизми Республиканинг иқтисодий ва молиявий сиёсатидан келиб чиққан ҳолда бюджетни тузиш ва ишлатилиши жараёни тартиби республикада бюджет тизими ягоналик тамойилига асосланган ҳолда амал қилади. Соғлиқни сақлаш соҳасини бюджетдан молиялаштириш манбаларига қараб республика ва маҳаллий бюджетга бўйсиндирувчи муассасаларга ажратилади.

Соғлиқни сақлаш муассасасининг бажарадиган фаолиятига қараб белгиланган меъёрлар асосида амалга оширилади. Чунки ҳар бир касаллик тури бўйича овқатланиш дори-дармонлар, юмшоқ жиҳозлар харажатлари ва хатто врачлар, хамширалар ҳамда кичик хизмат қилувчи ходимлар сони

хам турличадир. Молиялаштириш икки манбаа асосида бюджет ва нобюджет маблағлари ҳисобидан амалга оширилади.

Ажратилган бюджет маблағларидан фойдаланишни назоратини кучайтириш мақсадида ҳозирда молиялаштиришнинг янги тартиби жорий қилинган бўлиб, бу тартибга биноан маблағлар харажатлар моддалари гуруҳлари бўйича берилмоқда. Бу тартиб муассаса раҳбарларини мустақиллигини ошириш билан бир қаторда уларни жавобгарлигини ҳам оширади ҳамда молиялаштириш механизмини соддалаштириб, муассаса ишчи ходимлари меҳнатини рағбатлантиришга шароит яратади.

Янги бир сатр орқали меъёрлар асосида молиялаштириш тартиби тиббиёт муассасалари учун муассасани ривожлантириш фондини ташкил этиш ҳуқуқини берган бўлиб, бу фонд қуйидагилар ҳисобига шаклланади:

- маълум ҳисобот даври учун бюджетдан режа асосида молиялаштирилган ва ҳисобот даври охирига иқтисод (фойдаланилмаган) қилиб қолинган маблағ;
- муассаса фаолияти натижасида товарлар ва хизматларни сотишдан даромадлар;
- юридик ва жисмоний шахсларни ҳомийлик ва қайтариб бермаслик ёрдами натижасида.

Соғлиқни сақлаш тизимини молиялаштиришнинг янгича тартиби шунингдек муассасаларнинг бюджетдан ташқари топган даромадларини давлат бюджети даромадлар қисмига тўланадиган солиқлар ва йиғимларнинг барча турларидан озод қилиб, бўш пул даромадларини муассасаларни моддий-техника базасини ривожлантиришга, ижтимоий базани мустаҳкамлашга ва ишловчиларни моддий рағбатлантиришга йўналтиришни назарда тутди.

Ўзбекистон Республикаси «Соғлиқни сақлаш Давлат Дастури»да асосий эътибор оналар ва болалар касалликларини камайтиришга, туғруқхоналар, қишлоқ врачлик пунктлари, тиббий тез ёрдам соҳалари ишларини мукаммаллаштиришга қаратилган бўлиб, дастурнинг молиялаштириш манбаи давлат бюджети маблағлари, шунингдек маълум миқдорда нобюджет фондлар, корхоналар, ташкилотлар ва аҳоли маблағлари, ҳомийлар маблағлари ва чет эл кредитлари ҳисобланади. Бу ўринда чет эл инвестицияларини жалб қилиш муҳим аҳамиятга эгадир.

Ўзбекистон Республикасининг «Соғлиқни сақлаш Давлат Дастури»да асосий эътибор қуйидагиларга қаратилган:

- тиббиёт муассасаларини замонавий жаҳон андозаларига жавоб берадиган тиббиёт асбоб-ускуналари билан жиҳозлаш;
- даволаш ишлари даражасини жаҳон андозалари даражасига етказиш;
- даволаш-профилактика ишлари даражасини устивор вазифаларини давлат даражасида эканлигини ҳисобга олиб, унинг молиявий иқтисодий базасини мустаҳкамлаш учун ўзини-ўзи молиялаштириш тизимини шакллантириш.

Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш тизимида олиб борилаётган иқтисодий ислохотлар бюджетдан ташқари маблағларни жалб этиш соҳасида тизимда янгича фаолият шаклини талаб этмоқда. Бунинг учун соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан даволаш муассасари учун молиявий оқимларни жалб қилиш ва улардан самарали фойдаланиш борасида бир қатор ҳужжатлар мажмуаси ишлаб чиқилиб, улар фаолиятига тадбиқ этилди.

Бу ҳужжатлар қаторига бюджетдан ташқари маблағларни жалб қилиш ва пуллик хизматларнинг тартиби тўғрисидаги кўрсатмаларни мисол қилиб

кўрсатиш мумкин. Шунингдек, бу ҳужжатларда бюджетдан ташқари тушган маблағларни тақсимлашда қуйидагиларга эътибор бериш кўрсатиб ўтилган:

- ишловчилар меҳнатини рағбатлантириш ва қўллаб-қувватлашга;
- маънавий, маданий тадбирлар ўтказишга;
- коммунал ва бошқа хизматларга;
- моддий техника базасини мустаҳкамлашга;
- даволаш жараёнини замонавий тиббиёт воситалари билан таъминлашга, юмшоқ ва қаттиқ жиҳозлар сотиб олишга, капитал таъмирлаш ишларини амалга оширишга ва бошқаларга.

Ҳозирги шароитда тиббиёт муассасалари бюджет маблағларидан самарали фойдаланиш билан бир қаторда пуллик хизматлар ҳисобига ўз фаолиятларини кенгайтирмоқдалар, бу эса қўшимча даромадларни шаклланишига йўл очмоқда.

Иқтисодиёти ривожланган давлатларда соғлиқни сақлашни молиялаштиришни хажми ва усуллари бир қатор омиллар асосида аниқланади:

- мамлакатнинг иқтисодиётини ривожланиш даражасига қараб;
- мамлакат раҳбарлари ва мамлакатнинг Соғлиқни Сақлаш тизими олдида қўйган вазифасига қараб;
- тарихий урф одатлари асосида;
- Соғлиқни Сақлашни ташкил этиш ва бошқариш тузилмаларини таркибига қараб ва ҳоказо.

Соғлиқни сақлашни молиялаштиришнинг миллий модели фақат юқоридаги омилларни ҳисобга олган ҳолдагина шаклланади.

Масалан, Хитой ва Японияда соғлиқни сақлаш соҳаси ҳаммабоп эмас, балки элитар модел сифатида, шунинг учун ҳам ЯММ да соғлиқни сақлашга ажратиладиган улуш АҚШ, Швецария, Англия ва Нидерландияга караганда анча миқдорда кам, (1-жадвалга қаралсин) чунки бу давлатларда соғлиқни сақлаш соҳаси ҳаммабоп бўлиш билан бир қаторда давлат раҳбарлари сиёсати ва миллий удум ҳисобланади.

1-жадвал.

Дунёнинг баъзи давлатларида соғлиқни сақлаш тизимини давлат томонидан молиялаштириш таркиби (барча сарфларга нисбатан фоиз ҳисобида).

Т/р	Давлатлар	Соғлиқни сақлаш харажатлари
1	АҚШ	20.41
2	Япония	1.60
3	Нидерландия	14.79
4	Швецария	19.84
5	Англия	15.42
6	Россия	1.21
7	Туркия	3.87
8	Исроил	13.62
9	Эрон	6.19
10	Хитой	0.23
11	Хиндистон	1.8
12	Сингапур	7.18
13	Швеция	2.04

Юқоридаги давлатлар, яъни АҚШ, Швецария, Англия ва Нидерландия соғлиқни сақлаш тизимини бозор таъсиридан сақлашга ҳаракат қилмоқдалар, лекин Россия, Хиндистон, Япония, Хитой ва Швеция каби давлатларда соғлиқни сақлашни молиялаштириш давлатдан ташқари

яъни мустақил бўлиб, ҳатто давлат муассасалари ҳам бозор тузилмаси билан боғлангандир.

Ғарб мамлакатлари тиббиёт муассасаларида молиялаштиришнинг тўрт манбаи мавжуд бўлиб, улар жумласига:

- Давлат томонидан;
- Пуллик даволаш хизматлари;
- Тижорат фаолияти натижалари;
- Тиббий суғуртадан.

Молиялаштириш манбалари ўртасидаги миқдорий фарқ вақт ўтиши билан турли давлатларда турлича ўзгариб туради. Кўпгина чет давлатлар бюджетнинг баланслаштириш учун давлат харажатларини камайтириш орқали бюджетда молиялаштиришни камайтиришга ҳаракат қилишади.

Ҳатто Ғарбий Европа давлатларида ҳам соғлиқни сақлашни молиялаштиришда давлатнинг ўрни камайиб, тижорат фаолиятидан олинadиган даромадлар салоҳияти ортиб бормоқда.

Ҳозирги даврда кўпгина давлатларда тиббиёт хизматларига баҳоларни белгилашда турлича йўл тutilмоқда, чунки тиббий хизматлар учун баҳоларни даволаш муассасаларини ўзлари белгиламоқда. Бу эса даволанувчилар учун тиббиёт хизматларини амалга оширувчи муассасаларни танлаш имкониятини яратмоқда. Натижада сифатли тиббий хизматлар кўрсатиш маданияти даражаси юксалмоқда. Фуқароларни тиббий хизматларга бўлган эътиборини ортиши ўз навбатида соҳа ходимларининг иш ҳақларини ортиши ижтимоий муҳофазаларини юксалишига сабаб бўлмоқда. Фуқароларнинг саломатлигини тикланиши, умр кўриш давомийлигини узайиши ўз навбатида меҳнат ресурсларининг

ўсишига, бу эса меҳнат унумдорлигини юқори бўлишига натижада аҳоли даромадларини кўпайишига сабаб бўлади, яъни жамият ютади.

Бу эса давлатдан соғлиқни сақлашни доимий эътиборда бўлишини тақазо этади.

Ғарб давлатларида соғлиқни сақлашни тижорат фаолияти турлича шаклларда амалга оширилмоқда улар жумласига қуйидагиларни кўрсатиш мумкин:

- Тиббиёт муассасалари майдонларидан, залларидан турли жамоатчилик тадбирлари учун фойдаланишга ижарага бериш;
- Тиббиёт муассасалари биноларида, тиббиёт муассасаларига хизмат кўрсатадиган фирмалар очиш;
- Бинолар ва бошқа асосий воситаларни бўш вақтида ижарага бериш;
- Тиббиёт муассасалари ходимлари томонидан тижорат фирмаларига маслаҳатлар бериш;
- Профилактика ва даволаш ишлари;
- Буюртма асосида илмий – тадқиқод ишларини бажариш ва ҳ.к.

Бухгалтерия ва солиқ ҳисоботларини қонунийлигини таъминлаш мақсадида тижорат фаолиятидан тушган барча тушумлар муассасанинг банкдаги ҳисобрақамларига тўлиқ кирим қилинади.

Хулоса қилиб айтганда кейинги ўн йилликлар давомида соғлиқни сақлашни молиялаштиришда умумжаҳон тажрибасига қуйидагича баҳо бериш мумкин:

1. Кўпгина Европа давлатларида охириги йилларда соғлиқни сақлашни молиялаштириш абсолют миқдорда камайди. Бу ўз навбатида Европа ва Шимолий Америка давлатларидаги умумиқтисодий емирилиш натижасидир. Дунёдаги барча соғлиқни сақлаш муассасалари ўз

харажатларини имкон даражасида иқтисодий равишда амалга ошира бошладилар.

2. Иқтисодиёти ривожланган мамлакатларда, давлат томонидан молиялаштириладиган кўпгина тиббиёт муассасалари бозор иқтисодиётининг иқтисодий субъектларига айланиб бормоқдалар. Уларда янги хизмат турларини иқтисодий самарадорлигини тўғри баҳолаб, иқтисодий самар келтирадиган қўшимча хизмат турлари жорий қилинмоқда, бу эса фирмалар, хусусий фондлар ва ҳомийлар томонидан молиялаштиришни кўпайишига асос бўлмоқда.

3. Тиббиёт соҳасидаги қўшимча хизматларни жорий қилиниши тижорат фаолиятини ривожланиши соҳасига давлат харажатларини камайтирмоқда.

Ўзини – ўзи молиялаштириш асосида фаолият кўрсатадиган тиббиёт муассасаларини кўпайиши натижасида даволаш муассасалари фаолиятини давлат томонидан назорат қилиш камайиб бормоқда, бу эса салбий оқибатларга олиб келиши мумкин.

II боб. Наманган вилояти соғлиқни сақлаш муассасаларида харажатларни режалаштириш

1. Соғлиқни сақлаш тизимида харажатларни режалаштириш амалиёти таҳлили

Давлат бюджетидан тўлиқ ёки қисман молиялаштириладиган соғлиқни сақлаш муассасалари тасдиқланган сметалар асосида молиялаштириладилар. Сметаларни тузиш тартиби Ўзбекистон Республикаси Молия Вазирлиги томонидан 1999 йил 28 декабрда 101–тартиб рақами билан тасдиқланган ва Республика Адлия Вазирлигидан 2000 йил 3 февралда 888 тартиб рақами билан рўйхатдан ўтган қўлланма асосида амалга оширилади. Унга биноан бюджетдан молиялаштириладиган ҳар бир тиббиёт муассасаси улар ҳисобини марказлашган бухгалтерия олиб борадими, ёки алоҳида олиб борилишидан қатъий назар тасдиқланган сметалари бўлиши шарт.

Харажатлар сметаси муассасани сақлаш учун давлат бюджетидан чораклар бўйича тақсимланган ва мақсадли йўналтирилган маблағларни асосий режа хужжатидир.

Соғлиқни сақлаш муассасалари Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1999 йил 3 сентябрдаги 414-сонли «Бюджет муассасаларини молиялаштиришни такомиллаштириш тартиби туғрисида»ги Қарорига асосан бюджетдан молиялаштириш меъёрлари асосида ўз харажатлари сметасини мустақил ишлаб чиқадилар ва тасдиқлайдилар.

Тасдиқланмаган сметалар асисда бюджет маблағларини харажат қилиш, тадбирлар ўтказиш, ёки сметаларда кўзда тутилмаган

харажатларни амалга ошириш, сметалардагидан кўп харажатларни амалга ошириш ёки сметадагидан бошқа мақсадлардаги йўналишларга харажат қилиш таъқиқланади.

Юқоридаги тартибни бузган айбдор шахслар ҳаракатдаги Қонунлар асосида жавобгарликка тортиладилар.

Харажатлар сметасида Олий Мажлис томонидан қабул қилинган Қонунлар ва қарорлар, Президент фармонлари, Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати Қарорлари ҳамда Вазирлар Маҳкамаси, Соғлиқни сақлаш Вазирлиги, Қорақалпоғистон Республикаси, ваколат берилган хокимликлар томонидан белгиланган харажатлар курсатилади.

Харажатлар сметаси доимий ҳаракатдаги муассасалар учун 1 йилга 31 декабргача тузилади ва шу давр мобайнида ҳаракат қилади.

Мавсумли ишлайдиган муассасалар учун шу бюджет йилида фаолият кўрсатадиган даври учун тузилади.

Сметалар Ўзбекистон Республикаси Молия Вазирлиги томонидан тасдиқланган шаклда тузилиб, унда Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетининг ҳаракатдаги даромад ва харажатлар классификацияси асосида харажатлар гуруҳларининг тўла таркиби илова қилинади.

Республика бюджетидан молиялаштириладиган тиббиёт муассасалари учун сметалар ваколат берилган вазирликлар томонидан, маҳаллий бюджетлардан молиялаштириладиган тиббиёт муассасалари учун вилоят, туман, шаҳар шунингдек шаҳар бюджетига бўйсинувчи туманлар хокимликларининг бошқармалари ва бўлимлари томонидан тасдиқланади.

Тасдиқланган сметаларга йил давомида ёки чоракларда ўзгартиришлар киритилса юқори ташкилотлар қўйи ташкилотларга бу ҳақда ёзма равишда маълум қиладилар.

Бу ўзгартиришлар бюджет бўйича харажатлар китобида ҳисобга олинади ҳамда тасдиқланган сметага ўзгартиришлар киритилади.

Ҳар бир келгуси йил олдидан Халқ депутатлари сессияларида давлатнинг келгуси йилда олиб борадиган ижтимоий сиёсатидан келиб чиқиб, келгуси йил бюджетини тузиш бўйича қарорлар қабул қилинади ва молия органлари бюджетни тузиш муддатлари ва унинг таркиби бўйича кўрсатмалар оладилар. Бу кўрсатмаларда харажатлар бўйича молиявий тартибга қатъий риоя қилиш ва иқтисод режими, сметалар тузишни техникаси масалалари, смета ҳужжатларини тўлдириш, муассасаларни сметаларни тузиш бўйича молиявий хўжалик фаолиятларини ташкил қилишдаги ҳаракатдаги қонунчилик, ҳамда келгуси йил учун ижтимоий-иқтисодий ривожланиш кўрсаткичлари акс эттирилади.

Сметалар бўйича харажатларни тиббиёт муассасаси жойлашган ҳудудни маблағларга бўлган эҳтиёжини қаттиқ иқтисодий режимга риоя қилган ҳолда ҳисобга олиш лозим.

Харажатларни ҳисобга олишда қуйидагиларга эътибор бериш лозим:

- Ўзбекистон Республикаси Қонунларига, Олий Мажлис Қарорларига, Президент фармонларига, Вазирлар Маҳкамаси Қарорларига, Ўзбекистон Республикаси Молия Вазирлиги ва Соғлиқни сақлаш Вазирликлари меъёрий ҳужжатларига;
- бюджет муассасалари харажатларини режалаштириш меъёрий усулига;
- давлат томонидан тартибга солинадиган ва ҳаракатдаги товар ва хизматлар баҳолари тарифига, шунингдек нодавлат корхоналари ва ташкилотларининг айрим товар хизматларга баҳоларига;

- Молия Вазирлиги ва Соғлиқни сақлаш Вазирлиги, шунингдек қонунчилик доирасида келгуси йил сметаларини тузиш масалалари бўйича ваколатли ҳокимликлар бошқарма ва бўлимлари кўрсатма ва таклифларига;

Жумладан:

- иш ҳақиға ажратмалар вазифа маошлари ва иш ҳақи ставкалари бўйича, унга қўшимчалар эса ҳаракатдаги штат меъёрларига риоя қилинган ҳолда ҳисобланади. Хўжалик усулида бажариладиган ишларга иш ҳақи, бюджет йили смета харажатларида кўзда тутилган ишлар ҳажмидан келиб чиқиб сметага қўшилади;
- Ижтимоий суғурта бўйича ҳисоблашишлар Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан тасдиқланган суғурта тарифлари асосида жами ҳисобланган иш ҳақи фондига нисбатан амалга оширилади;
- Коммунал хизматлар учун хўжалик харажатлари ўтган йилги ҳақиқий харажатлардан келиб чиқиб, ҳаракатдаги баҳолар асосида ҳисобланади;
- овқатланиш харажатлари, 1 койка кун учун касаллик турлари бўйича меъёрларни ҳисобга олган ҳолда режадаги умумий койка кунларга кўпайтириш орқали ҳисобланади;
- дори-дармон харажатлари ҳаракатдаги қонунчилик меъёрлари бўйича қуйидагича: шифохоналарда койка кун, поликлиникаларда врач кўриги учун қатнов сони бўйича ҳисобланади.
- кийим-кечак, оёқ кийимлари, ёстиқ кўрпа жилдлари ва бошқа жихозлар учун смета харажатлари ҳаракатдаги моддий таъминот меъёрлари бўйича ажратилган маблағ доирасида ҳисобланади;

- юридик шахс мақомига эга бўлган ва бюджетдан ташқари молиялаштириш манбалари мавжуд бўлган тиббиёт муассасалари ҳам қўшимча харажатлар сметаларни шу меъёрлар асосида тузадилар;
- тиббиёт муассасалари агарда марказлашган бухгалтерия орқали молиялаштирилса, алоҳида ҳолатларда умумий сметалар тузишлари мумкин;
- умумий смета бюджетдан бир турдаги муассасалар учун уларни сақлаш харажатларини чоракларга тақсимланган ҳолда мақсадли йўналишлари бўйича хажмини аниқланган ҳужжат ҳисобланади;
- умумий сметалар кредит тақсимловчилари бўлиб туманлар, шаҳарлар хокимликлари томонидан ваколат берилган бўлим ёки бошқарма раҳбарлари ҳисобланадилар;
- умумий сметалар марказлашган бухгалтериялар томонидан улар хизмат кўрсатадиган муассасалар берган буюртмалар асосида ижтимоий-иқтисодий ривожланиш кўрсаткичларига асосланган ҳолда тузилади.

Умумий сметалар тузиш учун буюртмалар хокимиятлар бўлим ва бошқармаларига улар томонидан ўрнатилган кўрсаткичлар шакли бўйича тузилган сметаларга харажатлар гуруҳлари илова қилинган ҳолда топширилади.

Буюртмаларда қуйидаги кўрсаткичлар акс эттирилади:

а) иситиш, электр-энергия, сув таъминоти ҳамда тиббиёт ходимлари учун ҳаракатдаги қонунчилик доирасида бепул квартиралар, бепул уй-жой хизмати учун харажатларни ҳисоблашга натурал кўрсаткичлар.

б) сотиб олиш учун мўлжалланаётган инвентар ва жихозлар рўйхати.

в) коммунал хизматлардан енгилликлар берилган тиббиёт ходимлари рўйхати.

г) ўрнатилган тартиб бўйича иш ҳақини штат жадвали ва тарификация рўйхати.

Умумий сметаларни марказий бухгалтерия томонидан тузилган лойиҳалари хокимликлар бўлимлари томонидан, тиббиёт муассасалари раҳбарлари иштирокида кўриб чиқилади ва тақсимланади.

Муассасаларни харажатлар сметалари уч нусхада тузилади ва муассаса раҳбари ҳамда бош ҳисобчилар томонидан имзоланади, биринчи нусха муассасада қолади, иккинчи нусха маҳаллий молия органига, учинчи нусха эса юқори ташкилотга берилади.

Молия органлари сметаларни чуқурроқ таҳлил қилиш мақсадида вазирликлардан, хокимиятлар бўлим ва бошқармаларидан сметаларни тузиш ва бажаришни хоҳланган жараёнида келгусида қайтариб бериш шарти билан сметаларни талаб қилишлари мумкин, бюджетдан маблағ олувчилар, бу ҳисоб китобларни молия органларининг биринчи талабидаёқ уларга кўрсатишга мажбурдирлар.

Марказлашган бухгалтериялар хизмат кўрсатадиган муассасалар харажатлар сметаси марказлашган бухгалтерия бош ҳисобчиси ёки иқтисодчиси иштирокида тузилади.

Марказлашган тадбирлар учун харажатлар сметаси Соғлиқни сақлаш Вазирлиги, хокимиятлардаги бўлим ва бошқармалар томонидан ҳар бир тадбир учун алоҳида тузилади.

Жихозлар ва инвентарлар учун ажратмалар ҳар бир муассаса сметасида кўрсатилади. Агарда муассасаларни марказлашган ҳолда инвентар ва жихозлар таъминотига эҳтиёж туғилса, у ҳолда бу мақсадларга

маблағлар марказлашган таъминотни амалга оширувчи ташкилотлар сметасига хокимликларни бўлим ва бошқармалари томонидан уларни миқдори ва муддати белгиланган ҳолда юқори молия органлари билан келишилган ҳолда киритилади.

Соғлиқни сақлаш Вазирлиги, вилоятлар ва Тошкент шаҳар Соғлиқни сақлаш бошқармалари томонидан амалга ошириладиган марказлашган таъминот ҳам шу юқоридаги тартибда амалга оширилади.

Чорак охирига фойдаланилмай қолган бюджет маблағлари молия органлари томонидан олиб қўйилмайди, аксинча муассасаларнинг ривожлантириш фондига ўтказилади, унинг харажати Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1999 йил 3 сентябрдаги 414 сонли «Бюджет муассасаларининг молиялаштириш тартибини такомиллаштириш тўғрисида»ги Қарорини 22-23 иловаларига асосан амалга оширилади.

Соғлиқни сақлаш муассасалари Ўзбекистон Республикаси Молия Вазирлиги тасдиқлаган тартибдаги ҳисобот шаклини ўзларини молиялаштирадиган молия органига топшираётган вақтларида чорак охирига фойдаланилмай қолган маблағлар тўғрисида ёзма равишда хабардор қиладилар.

БТСЁ қишлоқ муассасаларининг бир киши ҳисобига харажатлар нормативидан келиб чиқиб молиялаштиришга ўтиши учун Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва туманлар хокимликлари уларни молиялаштиришни Қорақалпоғистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигига ва вилоят хокимликлари соғлиқни сақлаш бошқармаларига беради.

Маҳаллий соғлиқни сақлаш органлари улар ҳудудида қишлоқ врачлик пунктларига айлантирилмаган қишлоқ врачлик амбулаториялари (ҚВА), қишлоқ участка касалхоналари (ҚУК) ва фельдшер-акушерлик пунктлари

(ФАП) мавжуд бўлган тақдирда уларнинг негизида ҚВП-ФАП, ҚВА-ФАП-комплекслари ташкил этадилар. ҚВП, ҚВП-ФАП ва ҚВА-ФАП-комплекслари юридик шахс шаклида ташкил этилади ва бошланғич тиббий-санитария ёрдами (БТСЁ)нинг муассасалари ҳисобланади.

Қайта ўзгартириш йўли билан БТСЁ қишлоқ муассасаларини ташкил этишда илгари ҚВА, ФАП ва ҚУКга тегишли бўлган барча мол-мулк, шу жумладан бинолар белгиланган тартибда уларнинг балансига берилади. Қайта ўзгартирилган БТСЁ қишлоқ муассасалари штатларини шакллантириш Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги билан келишув бўйича Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан тасдиқланган штат нормативларига мувофиқ амалга оширилади.

Аҳолини БТСЁ қишлоқ муассасаларига бириктириш мазкур Низомга иловага мувофиқ шакл бўйича режалаштирилаётган давр бошида мавжуд бўлган участкалар асосида тегишли туман марказий касалхонасининг бош врачлари буйруғига биноан амалга оширилади. БТСЁ муассасаларига бириктирилган аҳолининг сони ва таркиби тўғрисидаги ахборот туман марказий касалхонаси бош врачлари томонидан тузилади, аҳолининг умумий сони эса туман статистика органининг раҳбари томонидан тасдиқланади.

Бунда ҳар қандай фуқаро туман марказий касалхонаси бош врачини ёзма равишда хабардор қилиб, тиббий ёрдам олиш учун бошқа БТСЁ муассасасини ўз хоҳишича танлашга ҳақлидир. БТСЁ қишлоқ муассасалари бюджетини режалаштириш бир киши ҳисобига харажатларнинг базавий нормативи асосида амалга оширилади. Бир киши ҳисобига харажатларнинг базавий нормативи ҳар йили белгиланади ва Қорақалпоғистон Республикаси ёки вилоятлар ҳудудий доирасида ягона ҳисобланади ҳамда қуйидаги формула бўйича аниқланади:

$$\text{ХБНс} \text{ қ } \text{ВСБ} \times \text{ЎУс} / \text{АСс}^2,$$

бунда: **ХБНс** - режалаштирилаётган йилга бир киши ҳисобига харажатларнинг базавий нормативи;

² Вазирлар Маҳкамасининг 2005 йил 28 сентябрдаги 217-сон қарорига 2-илова

ВСБ - санитария-эпидемиология назорати хизмати, капитал қўйилмалар ва марказлаштирилган тадбирлар харажатларидан ташқари режалаштирилаётган йилга Қорақалпоғистон Республикаси ёки вилоятлар соғлиқни сақлашининг умумий бюджети;

ЎУс - режалаштирилаётган йилнинг 1 январига БТСЁ қишлоқ муассасаларига бириктирилган вилоят аҳолиси сони;

АСс - ҳисобот даврида вилоят соғлиқни сақлаш бюджетида вилоят қишлоқ БТСЁ бюджетининг ўртача улуши (коэффициентларда). БТСЁ қишлоқ муассасалари бюджетини ҳисобот давридаги санитария-эпидемиология назорати хизмати харажатлари, капитал қўйилмалар ва марказлаштирилган тадбирлар харажатларини истисно этган ҳолда вилоят соғлиқни сақлаш умумий бюджетига бўлиш йўли билан аниқланади.

Бунда қишлоқ БТСЁ бюджетининг ўртача улуши Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятлар соғлиқни сақлаш муассасаларини қайта ташкил этиш ҳисобига кўпайтирилиши керак.

Алоҳида олинган БТСЁ муассасасини молиялаштиришнинг йиллик ҳажми тузатиш коэффициентларидан (жинс-ёш таркиби ва аҳоли зичлиги) фойдаланилган ҳолда бир киши ҳисобига харжатларнинг базавий нормативи ва БТСЁ муассасасига бириктирилган аҳоли сони ҳисобидан келиб чиқиб белгиланади.

БТСЁ қишлоқ муассасалари белгиланган тартибда молия органларида рўйхатдан ўтказиладиган харажатлар сметаси, штат жадвалини ажратилган бюджет доирасида мустақил ишлаб чиқади ва тасдиқлайди. БТСЁ муассасаларининг ҳисобланган бюджети жорий фаолият бўйича уларнинг харажатларини қоплаши лозим.

БТСЁ қишлоқ муассасаларининг имтиёзли рецептлар бўйича бериладиган дори-дармонлар учун харажатлари туман марказий касалхонаси бюджетида назарда тутилади. БТСЁ муассасалари учун капитал қурилиш ва қиммат турадиган ускуналарни сотиб олиш

харажатлари бир киши ҳисобига харажатлар нормативи бўйича молиялаштириш тизими доирасидан ташқарида назарда тутилади.

БТСЁ ШЭ муассасалари бюджетини режалаштириш бир киши ҳисобига харажатларнинг базавий нормативи асосида амалга оширилади.

Харажатларнинг базавий нормативи қуйидаги формула бўйича аниқланади:

ХБНй қ ВСБй х ЎУй / АСй³, бунда:

ХБНй - режалаштирилаётган йил учун бир киши ҳисобига харажатларнинг норматив базаси;

ВСБй - санитария-эпидемиология шохобчалари, капитал қўйилмалар ва режалаштирилаётган йил учун марказлаштирилган тадбирлар харажатларидан ташқари, вилоятлар/Тошкент шаҳар соғлиқни сақлаш умумий бюджети,

АСй - режалаштирилаётган йилнинг 1 январдаги ҳолатига кўра БТСЁ ШЭ муассасаларига бириктирилган вилоят шаҳарлари/Тошкент шаҳри аҳолиси сони;

ЎУй - ҳисобот даврида тегишли вилоят/Тошкент шаҳар соғлиқни сақлаш бюджетига БТСЁ ШЭ муассасалари бюджетининг ўртача улуши (коэффициентларда). БТСЁ ШЭ муассасалари бюджетини ҳисобот давридаги санитария-эпидемиология назорати хизматлари, капитал қўйилмалар ва марказлаштирилган тадбирлар харажатларини истисно этган ҳолда вилоятлар/Тошкент шаҳар соғлиқни сақлаш умумий бюджетига бўлиш йўли билан аниқланади.

Бунда БТСЁ ШЭ муассасалари бюджети ўртача улуши вилоятлар ва Тошкент шаҳар соғлиқни сақлаш муассасаларини қайта ташкил этиш ҳисобига кўпайтирилиши керак. БТСЁ ШЭ муассасалари алоҳида олинган йиллик маблағ билан таъминлаш миқдори бир кишига базавий харажатлар нормативи ҳисобидан ҳамда БТСЁ ШЭ муассасаларига бириктирилган

³ Вазирлар Маҳкамасининг 2005 йил 28 сентябрдаги 217-сон қарорига 3-илова

аҳоли сонидан келиб чиқиб, тузатиш коэффициентларидан (жинс-ёш таркиби ва аҳоли зичлиги) фойдаланган ҳолда аниқланади.

Ҳар бир кейинги режалаштирилаётган йил учун бир кишига харажатларнинг базавий нормативи белгиланган тартибда аниқланадиган индексация коэффициентларини ҳисобга олган ҳолда ҳисоблаб чиқилади.

БТСЁ ШЭ муассасалари ажратилган бюджет доирасида молия органларида белгиланган тартибда рўйхатдан ўтказиладиган харажатлар сметаси, штат жадвалини мустақил равишда ишлаб чиқади ва тасдиқлайди. БТСЁ ШЭ муассасаларининг ҳисоблаб чиқилган бюджети уларнинг жорий фаолияти бўйича харажатларини қоплаши керак.

Бюджет ташкилотлари харажатларини молиялаштириш (тўлаш)нинг мазкур тартиби қуйидагиларни назарда тутди:

- бюджет маблағларидан тежаб, самарали ва аниқ фойдаланиш ҳамда бюджет интизомини мустаҳкамлаш учун бюджет ташкилотлари раҳбарларининг мустақиллигини кенгайтириш ва масъулиятини ошириш;
- бюджет ташкилотлари харажатларини молиялаштириш (тўлаш) механизминини соддалаштириш ва ушбу маблағлардан фойдаланишда юқори натижаларга эришиш мақсадида мавжуд маблағларни оқилона тақсимлаш учун имкониятлар яратиш;
- иш ҳақи ва унга тенглаштирилган тўловларни, иш ҳақиға кўшимчалар, капитал қўйилмалар ва бошқа харажатларни гуруҳлаган ҳолда бир сатрда маблағ билан таъминлаш усулида бюджет ташкилотларини нормативлар бўйича (фаолият туриға кўра) бюджет ташкилотлари харажатларини молиялаштириш (тўлаш)нинг янги тартибинини жорий этиш, ғазна ижросига ўтган, харажатлари моддалар бўйича амалға ошириш;
- Давлат бюджетидан маблағ олувчиларнинг маблағларни сарфлашлари устидан дастлабки ва жорий назоратни таъминлаш;

- бюджет ташкилотлари харажатларини молиялаштириш (тўлаш)ни уларнинг фаолият тури бўйича товарлар (ишлар, хизматлар) ишлаб чиқариш ва сотиш фаолиятини кенгайтириш билан бирга қўшиб олиб бориш;
- бюджет ташкилотлари ходимлари меҳнатини рағбатлантириш, улар фаолияти самарадорлигини ошириш ва кадрларнинг ўрнашиб қолиши учун шарт-шароитлар яратиш.

Давлат мудофаа қобилиятини, хавфсизлигини таъминлаш, мамлакатда ички тартибни сақлаш ва бошқалар билан боғлиқ харажатларни молиялаштириш (тўлаш) Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги томонидан белгиланадиган тартибда амалга оширилади.

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг Ҳисоб-китоб бўлими ва унинг ҳудудий бўлинмалари томонидан ягона ҳисоб рақамидан, шунингдек юқорида кўрсатилган харажатлар гуруҳларининг ҳар бир моддаси бўйича ҳудудий ҳисоб рақамидан амалга оширилади. Харажатларини молиялаштириш (тўлаш) бюджет ижроси жараёнида харажатлар рўйхати ва сметасига киритиладиган ўзгартиришларни ҳисобга олган ҳолда тегишли йил учун тасдиқланган бюджет параметрларига ҳамда бюджет ташкилотларининг харажатлар сметаларига мувофиқ тузилган бюджет харажатларининг чораклар бўйича тақсимланган йиллик рўйхатига биноан амалга оширилади.

Сметалар Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги томонидан тасдиқланган Давлат бюджети даромадлари ва харажатларининг амалдаги таснифномасига мувофиқ харажатларнинг тўлиқ ёйилмаси илова қилинган ҳолда харажатларнинг тўрт гуруҳи бўйича тузилади.

Илова сметанинг ажралмас қисми ҳисобланади, сметанинг прогноз ҳисоб-китобларини асослаш учун хизмат қилади ва ҳисобот мақсадлари учун фойдаланилади. Бюджет ташкилотлари тасдиқланган смета ва штатлар жадвалини рўйхатдан ўтказиш учун қонун ҳужжатларида

белгиланган тартибда Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигига ёки унинг ҳудудий молия органларига тақдим этадилар.

Тасдиқланган смета ва штатлар жадвалини рўйхатдан ўтказиш, иловаларни келишиш тақдим этилган ҳужжатларнинг тасдиқланган бюджет харажатлари лимитларига ва нормативларига ҳамда бюджет параметрларига мувофиқлиги таҳлили асосида тегишли молия органларида конун ҳужжатларида назарда тутилган тартибда амалга оширилади.

Бюджет ташкилотларининг тасдиқланган сметаси ва штатлар жадвалини рўйхатдан ўтказиш мазкур бюджет ташкилоти харажатларини молиялаштириш (тўлаш), бюджет параметрлари тасдиқланган пайтдан бошлаб 40 кундан кечиктирмай тегишли молия органлари томонидан амалга оширилади.

Наманган вилоят бюджети бўйича соғлиқни сақлаш соҳаси бўйича

2011 йилда қилинган харажатлар тўғрисида

М А Ъ Л У М О Т⁴

2-жадвал
01.01.2012 йил ҳолатига минг сўм

Харажатлар номи	Аниқланган смета бўйича	Касса харажати жами	Ҳақиқий харажатлар жами
I гуруҳ харажатлари	112 483 008,00	112 476 670,70	112 832 377,00
II гуруҳ харажатлари	27 229 093,00	27 226 605,00	27 527 087,00
III гуруҳ харажатлари	7 366 000,00	7 355 922,60	7 632 788,00
IV гуруҳ харажатлари	49 271 071,00	49 202 688,40	47 824 693,00
Харажатларнинг ҳаммаси	196 349 172,00	196 261 886,70	195 816 945,00

2-жадвал маълумотларидан кўриниб турибдики, Наманган вилоят бюджети бўйича соғлиқни сақлаш соҳаси бўйича 2011 йилда I гуруҳ

⁴ Наманган вилояти Молия бошқармаси ҳисоботлари асосида магистрант томонидан тайёрланди.

харажатлари аниқланган смета бўйича 112483008 минг сўмни ташкил этиб, шундан касса харажати жами 112476670,70 минг сўм ҳақиқий харажат жами 112832377 минг сўмни ташкил этди. II гуруҳ харажатлари аниқланган смета бўйича 27229093 минг сўмни ташкил этиб, шундан касса харажати жами 27226605 минг сўм ҳақиқий харажат жами 27527087 минг сўмни ташкил этди. III гуруҳ харажатлари аниқланган смета бўйича 7366000 минг сўмни ташкил этиб, шундан касса харажати жами 7355922 минг сўм ҳақиқий харажат жами 7632788 минг сўмни ташкил этди. IV гуруҳ харажатлари аниқланган смета бўйича 49271071 минг сўмни ташкил этиб, шундан касса харажати жами 49202688,40 минг сўм ҳақиқий харажат жами 47824693 минг сўмни ташкил этди. Харажатнинг ҳаммаси аниқланган смета бўйича 196349172 минг сўм ташкил этиб, шундан касса харажати 196261886,70 минг сўм ҳақиқий харажат эса 195816945 минг сўм.

Наманган вилоят бюджети бўйича соғлиқни сақлаш соҳаси бўйича

2012 йилда қилинган харажатлар тўғрисида

М А Ъ Л У М О Т⁵

3-жадвал

01.01.2013 йил ҳолатига минг сўм

Харажатлар номи	Аниқланган смета бўйича	Касса харажати жами	Ҳақиқий харажатлар жами
I гуруҳ харажатлари	35 402 539,00	35 400 599,00	35 450 430,00
II гуруҳ харажатлари	6 275 437,00	6 270 772,60	6 555 686,00
III гуруҳ харажатлари	0,00	0,00	0,00
IV гуруҳ харажатлари	6 921 434,00	6 699 158,10	6 141 878,80
Харажатларнинг ҳаммаси	48 599 410,00	48 370 529,70	48 147 994,80

⁵ Наманган вилояти Молия бошқармаси ҳисоботлари асосида магистрант томонидан тайёрланди.

3-жадвал маълумотларидан кўриниб турибдики, Наманган вилоят бюджети бўйича соғлиқни сақлаш соҳаси бўйича 2012 йилда I гуруҳ харажатлари аниқланган смета бўйича 35402539 минг сўмни ташкил этиб, шундан касса харажати жами 35400599 минг сўм ҳақиқий харажат жами 35450430 минг сўмни ташкил этди. II гуруҳ харажатлари аниқланган смета бўйича 6275437 минг сўмни ташкил этиб, шундан касса харажати жами 6270772,60 минг сўм ҳақиқий харажат жами 6555686 минг сўмни ташкил этди. IV гуруҳ харажатлари аниқланган смета бўйича 6921434 минг сўмни ташкил этиб, шундан касса харажати жами 6699158,10 минг сўм ҳақиқий харажат жами 6141878,80 минг сўмни ташкил этди. Харажатнинг ҳаммаси аниқланган смета бўйича 48599410 минг сўм ташкил этиб, шундан касса харажати 48370529,70 минг сўм ҳақиқий харажат эса 48147994,80 минг сўм.

Наманган вилоят бюджети бўйича соғлиқни сақлаш соҳаси бўйича

2013 йилда қилинган харажатлар тўғрисида

М А Ё Л У М О Т⁶

4-жадвал

01.01.2014 йил ҳолатига минг сўм

Харажатлар номи	Аниқланган смета бўйича	Касса харажати жами	Ҳақиқий харажатлар жами
I гуруҳ харажатлари	131 158 401,60	131 107 257,70	130 630 478,00
II гуруҳ харажатлари	31 642 742,40	31 636 163,10	31 799 325,00
III гуруҳ харажатлари	0,00	0,00	0,00
IV гуруҳ харажатлари	17 539 512,00	17 382 643,50	14 552 135,30
Харажатларнинг ҳаммаси	180 340 656,00	180 126 064,30	176 981 938,30

⁶ Наманган вилояти Молия бошқармаси ҳисоботлари асосида магистрант томонидан тайёрланди.

4-жадвал маълумотларидан кўриниб турибдики, Наманган вилоят бюджети бўйича соғлиқни сақлаш соҳаси бўйича 2013 йилда I гуруҳ харажатлари аниқланган смета бўйича 131158401,60 минг сўмни ташкил этиб, шундан касса харажати жами 131107257,70 минг сўм ҳақиқий харажат жами 130630478 минг сўмни ташкил этди. II гуруҳ харажатлари аниқланган смета бўйича 31642742 минг сўмни ташкил этиб, шундан касса харажати жами 31636163,10 минг сўм ҳақиқий харажат жами 31799325 минг сўмни ташкил этди. IV гуруҳ харажатлари аниқланган смета бўйича 17539512 минг сўмни ташкил этиб, шундан касса харажати жами 17382643,50 минг сўм ҳақиқий харажат жами 14552135,30 минг сўмни ташкил этди. Харажатнинг ҳаммаси аниқланган смета бўйича 180340656 минг сўм ташкил этиб, шундан касса харажати 180126064,30 минг сўм ҳақиқий харажат эса 176981938,30 минг сўм.

2. Иш ҳақини режалаштириш ва меҳнатни рағбатлантириш

Соғлиқни сақлаш муассасаларида меҳнатга ҳақ тўлаш Ўзбекистон Республикаси «Меҳнат кодекси», Ўзбекистон Республикаси «Соғлиқни Сақлаш» тизимини ислоҳ қилиш Давлат Дастури ва Ўзбекистон Республикаси Хукуматнинг бошқа қарорлари асосида амалга оширилади.

Соғлиқни Сақлаш муассасалари иш ҳақиға кўшимчалар моддий рағбатлантириш ва мукофот пуллари ўзидаги меҳнатга ҳақ тўлаш фонди доирасида мустаил бўлмайди. Шунингдек бюджет маблағларидан ўз ишчи ходимларига Ўзбекистон Республикасининг ҳаракатдаги қонунчилиги асосида таъқиқланмаган маблағлардан иш ҳақи фондини шакллантиради.

Ҳаракатдаги қонунчиликка биноан иш ҳақи фонди таркибига ишчи ходимларнинг ишлаган иш вақтига иш ҳақи рағбатлантирадиган устамалар, иш режими ва шартларини ҳисобга олинган ҳолда қоплаш

суммалари, мукофотлар ва бир вақтнинг ўзида бериладиган рағбатлантириш учун пул шаклида ҳисобланган суммалар киради.

Иш ҳақи фондига нисбатан ҳисобланадиган ушламаларга пенсия фонди учун, Бандлилик Фонди, Касаба уюшмалари учун ижтимоий суғурта ва мажбурий тиббий суғурта тўловлари (ҳозирча бизнинг республикада жорий этилмаган) киради.

Соғлиқни сақлаш муассасаларида меҳнатга ҳақ тўлаш фонди қуйидаги манбалардан:

- давлат бюджетидан;
- пуллик хизматлардан;
- хўжалик ҳисобида бажарилган ишлар ҳисобидан;
- бошқа бюджетдан ташқари маблағлар ҳисобидан шаклланади.

Меҳнатга ҳақ тўлаш тартиби қуйидагича аниқланади:

- штат жадвалига асосан;
- бюджет маблағларидан фойдаланиш тартибига асосан;
- шартномалар тузиш орқали;
- бюджетдан ташқари маблағлардан фойдаланиш ҳисобига;
- қонунчиликка зид бўлмаган бошқа йўналишлар бўйича.

Соғлиқни сақлаш муассасаларида врачлар ва тиббиёт ҳамширалар сонини аниқлашда қуйидаги меъёрлардан фойдаланилади:

- ўрин кунлар сонидан;
- ҳудуд аҳолисига нисбатан;
- касаллик турларига қараб.

Даволаш ишлари бўйича ёрдамчи персоналнинг иш ҳақи фонди врач ва ҳамшираларникига нисбатан фоиз ҳисобида аниқланади (40 %).

Хўжалик ишлари бўйича персоналнинг иш ҳақи фойдаланиладиган ҳудудга нистабан бирлик меъёрлари асосида аниқланади. Муассасанинг умумий ҳудудидан капитал таъмирлашга қўйилган ва ижарага берилган ҳудуд айириб ташланади.

Врачлар, ҳамширалар ва хўжалик ходимлари меҳнат ҳақиға фойиз ҳисобида бошқарув ходимлари меҳнат ҳақи аниқланади (10 %). Раҳбарлар учун устама ва қўшимчалар алоҳида буйруқ асосида белгиланади.

Муассасанинг штат жадвали ва маошлар ҳисобланишини молиявий-режалаштириш бўлими ва ходимлар бўлими назорат қилади.

Меҳнатга ҳақ тўлаш базаси давлат бюджетидан ҳақ тўлаш Ўзбекистон Республикаси давлат муассасалари тиббиёт ва фармацевтика ходимлари меҳнатига ҳақ тўлашнинг тариф сеткаси орқали ўрнатилади. Муассасада вазиға бўйича ҳақ тўлаш ходимнинг бажараётган иши даражасига қараб амалга оширилади. Тариф сеткаси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2005 йил 21 декабрдаги 276-сонли «Тиббиёт ходимлари меҳнатига ҳақ тўлашнинг такомиллаштирилган тизимини тасдиқлаш тўғрисида»ги Қарорига асосан киритилган. Тариф сеткаси бўйича меҳнатга ҳақ тўлаш разрядлари аттестация натижалари асосида аниқланади.

Алоҳида ходимлар учун тариф разряди ишга қабул қилиш чоғида ёки вазиғалар ўзгарганида буйруқ асосида ўрнатилади. Бунинг учун асос бўлиб ходимнинг малакаси ҳисобланади.

Устама ўрнатиш орқали ходимларни рағбатлантиришнинг мақсади бўлиб ҳар бир ходимни ўз устида ишлаши орқали иш сифатини оширишга ва самарали фаолиятни тавсифловчи кўрсаткичлар билан муассаса фаолияти натижаларига ўзининг ҳиссасини қўшимча жалб қилишга қаратилган.

Устама ва қўшимчалар иш ҳақи фонди доирасида моддий рағбатлантириш тиббиёт муассасасининг моддий рағбатлантириш ва ривожлантириш жамғармаси ҳисобидан (молиялаштиришнинг барча манбаларидан) амалга оширилади.

Соғлиқни сақлаш соҳасида ишловчилар учун қуйидаги ҳолатларда қўшимча вазифаларни бажарганликлари учун қўшимча меҳнат ҳақи белгиланади:

- узоқ давр мобайнида ишга келмаган ходимни вазифасини бажарганда;
- даволанаётган ходимни вазифасини бажараётганда;
- муассаса советида ёки унинг доимий комиссиясида ишлайдиган ходимга;
- меҳнатда юқори натижаларга эришган ходимларга;
- инсон саломатлигига зарарли ишларни бажарганда;
- тунги навбатчиликда ва тунги сменаларда ишлаганида ва қонунчиликда таъқиқланмаган бошқа ҳолатларда.

Соғлиқни сақлаш муассасасининг барча ишчи ходимлари муассаса фаолиятида ўриндошлик сифатида қўшимча ярим ставкага ишлашларига руҳсат этилади.

Бошқарув ва даволаш ишларида фаолият кўрсатадиган ходимларга қуйидаги турдаги устама ва қўшимчалар белгиланиши мумкин:

- компьютер техникасидан фойдалана билиши;
- вазифа доирасида кўзда тутилган қўшимча ишларни бажарганида;
- тунги сменада ишлаганлиги учун иш вақти узайганида;
- меҳнат таътилига чиққан ходим ўрнига ишлаганида;
- малака-тариф тавсифида кўзда тутилганига нисбатан бажарадиган ишида юқори малака ва билим талаб қилинганида;

➤ меҳнат фаолиятида юқори натижадарга эришганида.

Устама ва қўшимчалар 1 ойдан кам бўлмаган ва 12 ойдан ортиқ бўлмаган давр учун белгиланади.

Ўриндошлик вазифасини бажариш деганда шартнома бўйича бажарадиган асосий вазифасига нисбатан қўшимча бошқа вазифани бажариш тушунилади. Вакант вазифалар бўйича қўшимчалар тўлашда барча иқтисод қилинган суммани ёки уни бир қисмини тўлаш мумкин.

Вақтинчалик ишламаётган ишчини вазифасини бажариш деганда ҳаракатдаги қонунчилик асосида касаллиги, сафардалиги, меҳнат таътилидаги ёки бошқа ҳолларда иш жойи сақланадиган ҳолда ишга қатнашмаган ходим ўрнига уни вазифасини бажариришга айтилади.

Бундай ҳолларда ҳақ тўлаш ишга қатнашмаган ходим вазифасидаги маошига нисбатан фоиз ҳисобида ёки вақтинчалик ишламайдиган ишчининг тариф ставкасига нисбатан унинг ишга қатнашмаган давридан кўп бўлмаган муддатда тўланади.

Барча устамалар ва қўшимчалар миқдори муассаса томонидан мустақил сўм шаклида ёки меҳнатга ҳақ тўлаш базасига нисбатан фоиз ҳисобида тўланади. Устамалар миқдори ва тартиби муассаса қарори томонидан ўрнатилади, унинг ҳар бир ходимга тўланиши муассаса бўйича буйруқ асосида амалга оширилади. Алоҳида ходимларга устама ҳақларини тўлашга тавсия қилиш ҳуқуқи қуйидагиларга берилган:

- бўлим бўйича бўлим бошлиқлари;
- ёрдамчи хизматлар бўйича бўлим бошлиқлари;
- муассаса бошқа ходимларига – бош ҳаким.

Устама ва қўшимчалар белгиланган ходимларга уларнинг миқдори ва муддати тўғрисида ахборот берилади.

Раҳбар ходимлар ва бўлим бошлиқлари ўриндошлик сифатида даволаш ишларини бажарсалар уларга меҳнат ҳақи врачларга тўланадиган миқдорда белгиланади.

Қуйидаги ҳолларда устама ва қўшимчалар олиб ташланади:

- ўзининг асосий вазифасини бажармаганда;
- бажарилган ишни муддатига риоя қилинмаганда ва ишнинг сифати коникарсиз бўлганда;
- муассаса фаолиятига зарар етказилганда;
- муассаса ҳудудида кайф ҳолда юрилганда;
- муассаса мулкига ва обрўсига путур етказилганда;
- меҳнат хавфсизлиги ва ёнғин хавфсизлиги қоидалари бузилганида.

Меҳнатда кўрсатган натижалари учун ишчи ходимларга мукофотлар берилиши мумкин. Мукофотлаш шартларини муассаса тасдиқлайди.

Қуйидаги ҳолларда мукофотлаш амалга оширилиши мумкин:

- ёш бўйича юбилей кунлари келганда;
- давлат мукофотлари олганда;
- муассаса ички консурсида ғолиб бўлганда;
- муассаса раҳбарлари топширигига биноан муассаса учун ўша зарур ишни бажарганда;
- меҳнатда юқори натижаларга эришганида;
- «Наврўз», «Мустақиллик», «Соғлиқни сақлаш ходимлари куни» ва бошқа байрамларда ва ҳоказо.

Муассаса ходимларини муассасадаги меҳнат стажини эса қоладиган вақтлари учун яъни 30, 40, 50, 55, 60 йил стажига эга бўлганда муассаса фаолиятига қўшган ҳиссасига қараб амалга оширилади.

Даволаш илмий-тадқиқот ва муассасанинг ёрдамчи фаолияти ишларида юқори натижаларга эришган ишчи-ходимларга миннатдорчилик билдирилиб мукофот берилади. Бундай мукофотлашлар муассасанинг ички конкурслари доирасида ҳар йил ўтказиладиган конкурслари натижаларига қараб амалга оширилиши мумкин, жумладан:

- муассасанинг энг малакали врачига;
- йилнинг ғолиб ҳамширасига;
- энг самарали ишлаган ходимга.

Мукофот бир марталик тўлов ҳисобланади, мукофотлаш муассаса томонидан қабул қилинган тартиб ва жамоат шартномаси шартлари асосида амалга оширилади. Мукофот ходимнинг маошининг ярмидан кам бўлмаслиги лозим. Пул мукофоти муассаса раҳбарияти номидан ходимга қимматбаҳо совғага алмаштирилиши мумкин.

Мукофотлаш ташкилий тузилмалар ва бўлим бошлиқлари тақдимотига кўра ёки конкурс комиссияси қарори асосида амалга оширилиши мумкин.

Мукофотлаш ва моддий ёрдамларни тўлашни амалга ошириш манбаи бўлиб моддий рағбатлантириш фонди ва иш ҳақи фондидан иқтисод қилинган сумма ҳисобланади.

Ишчи ходимларга моддий ёрдам муассаса раҳбарияти томонидан ва касаба уюшмаси томонидан амалга оширилиши мумкин:

- яқин қариндошлари вафот этган ҳолларда;
- ходимларни ва уларни оила аъзоларини даволанишлари учун бир марталик ёрдам сифатида.

Моддий ёрдам миқдори ҳар бир ходим учун муассасанинг ва касаба уюшмасининг молиявий ҳолатидан келиб чиқиб алоҳида белгиланиши

мумкин. Касаба уюшмаси фақат касаба уюшмаси аъзолари масалаларини кўриб чиқишга ҳақлидир.

Ҳисобот топшириш шарти билан пул маблағларини бериш касса харажат ордери билан берилади ва бу маблағ қатъий равишда белгиланган мақсадга ишлатилиши лозим. Бу сумма харажатларига ҳамда унчалик қиммат бўлмаган девонхона ва хўжалик материалларини сотиб олишга берилади. Ҳисобот топширувчи шахс олинган пулларни харажати бўйича ҳисобот топширади. Ишлатилмаган суммалар муассаса кассасига қайтарилади.

Сафар харажатларини меъёрий ва расмийлаштириш тартиби Ўзбекистон Республикаси Молия Вазирлиги томонидан ўрнатилади. Сафарга юборилган ходимга сафарга юборилган жойга бориши ва келиши учун йўл ҳақи, агар билетлар олдиндан сотиш кассасидан олинган бўлса олдиндан сотиш кассаси хизмати ҳақи, меҳмонхонада ётиш харажатлари ҳамда белгиланган меъёрлар асосида суткалик овқатланиш харажатлари тўланади.

Муассасанинг бухгалтерия хизмати иш ҳақини ҳисоблаш тартибини ошкоралигини таъминлаш лозим, муассаса ходимлари иш ҳақи бўйича маълумотнома сўрасалар ёки иш ҳақини ҳисоблаш тартиби билан қизиқсалар бухгалтерия ходимлари керакли тушунтиришлар бериб белгиланган шаклдаги маълумотномани беришлари керак.

Бухгалтерия хизмати томонидан ишчи ходимларни иш ҳақларидан қуйидаги ушланмалар ушлаб қолиниши мумкин:

- даромад солиғи;
- пенсия фондига мажбурий тўлов;
- ижро варақалари бўйича ушланмалар;

- муассасага келтирилган зарар учун ушланмалар;
- ортикча ҳисобланган иш ҳақи ва суд жарималари;
- муассаса касаба уюшмаси бадаллари.

Республикамыз соғлиқни сақлаш тизимида олиб борилаётган иқтисодий ислохотлар ўз навбатида соғлиқни сақлаш тизимида меҳнатга ҳақ тўлашни такомиллаштириш масаласини кун тартибига қўймоқда. Бизнинг фикримизча ҳозирги кунда тизимда пуллик хизматлар учун меҳнатга ҳақ тўлашни ҳаракатдаги меъёрлари давр талабидан орқада қолмоқда. Республикамыз Соғлиқни Сақлаш Вазирлиги аралаш молиялаштиришни амалга ошираётган даволаш профилактика муассасаларида иш ҳақи меъёрларини давлат даволаш профилактика муассасалари ходимлариники билан бир хилда тўлашни белгилаб берган.

Юқоридагилардан келиб чиқиб ҳозирда тиббиёт соҳасида меҳнатга ҳақ тўлашни қуйидаги усулларини қўллаш лозим деб ҳисоблаймиз:

- аралаш молиялаштириш асосида фаолият кўрсатаётган тиббиёт муассасаларида меҳнатга ҳақ тўлашда пуллик хизматлар учун ҳақ тўлаш даражаси юқори бўлиши керак;
- ўзини-ўзи молиялаштириш асосида фаолият кўрсатаётган тиббиёт муассасаларида ялпи даромадни 60 фоизгача миқдорини иш ҳақига ажратиб ишбай ҳисобида меҳнатга ҳақ тўлаш мақсадга мувофиқдир.

Ҳар ой якунлангач муассаса бухгалтерияси ишчи ходимлардан ушлаб қолинган даромад солиқларини бюджетга ўтказиди. Агарда солиқ органлари томонидан ишчи-ходимлар иш ҳақидан ёки бюджетга вақтида ўтказилмаган ҳоллари аниқланса солиқлар ишчи-ходимдан тўлиғича

ушланади ва муассасага ҳаракатдаги солиқ қонунчилиги асосида жарима солинади.

Иш ҳақини тўлаш графиги жамоат шартномасига асосан муассаса буйруғи билан ўрнатилади. Ишчи ходим хоҳишига кўра бўнак олмаслиги мумкин. Шунингдек ишчи ходимнинг ёзма аризасига кўра иш ҳақини маълум миқдорини жамғарма банкига ёки бошқа кредит муассасасига ўтказилиши мумкин.

**Ўзбекистон Республикаси давлат муассасалари тиббиёт ва
фармацевтика ходимлари меҳнатига ҳақ тўлашнинг
ТАРИФ СЕТКАСИ⁷**

Меҳнатга ҳақ тўлаш разрядлари	Тариф коэффициентлари
1	3,022
2	3,325
3	3,656
4	4,023
5	4,424
6	4,867
7	5,354
8	5,943
9	6,597
10	7,323
11	8,054

Штат жадвали ва меҳнатга ҳақ тўлаш лимити молиявий-режалаштириш бўлими томонидан тайёрланади ва муассаса раҳбари тасдиқлаганидан кейин ходимлар бўлимига берилади.

Устамалар, қўшимчалар ва мукофотлар бўлимлар ёки ташкилий тузилмалар бошлиқлари томонидан ишчи ходимни исми фамилияси кўрсатилиб муассаса раҳбарига тақдим қилинади. Устамалар, қўшимчалар

⁷ Вазирлар Маҳкамасининг 2005 йил 21 декабрдаги 276-сон қарорига 1-илова

ва мукофотлар муассаса раҳбари буйруғи асосида тайинланади ва ходимлар бўлимига берилади.

**Тиббиёт муассасасининг моддий рағбатлантириш ва
ривожлантириш жамғармасини шакллантириш ва
унинг маблағларини сарфлаш
ЙЎНАЛИШЛАРИ**

Тиббиёт муассасалари гуруҳлари	Моддий рағбатлантириш ва ривожлантириш жамғармасини шакллантириш манбалари:			Моддий рағбатлантириш ва ривожлантириш жамғармаси маблағларини сарфлаш йўналишлари:	
				моддий рағбатлантиришга	моддий-техника базасини мустаҳкамлашга
I гуруҳ	тиббиёт муассасаси учун ажратиладиган умумий бюджет маблағларининг 5 фоизигача	хомий ва донор ташкилотлардан, шунингдек пулли даволаш ва хизматлар кўрсатишдан тушган маблағлар	меҳнатга ҳақ тўлаш учун мўлжалланган бюджет маблағларидан тежам	25 %	75 %
II гуруҳ				35 %	65 %
III гуруҳ				40 %	60 %
IV гуруҳ				50 %	50 %

Изоҳ. Тежалган маблағлар мавжуд бўлган тақдирда ушбу маблағлар ходимларнинг вақтинча меҳнатга лаёқатсизлиги бўйича тўланмаган нафақаларни молиялаштиришга йўналтирилиши мумкин.

Наманган вилоят бюджети бўйича соғлиқни сақлаш соҳаси бўйича
2011-2013 йилларда қилинган иш ҳақи ва тиббиёт муассасаларининг
моддий рағбатлантириш ва ривожлантириш Жамғармасини шакллантириш
харажатлари тўғрисида

М А Ё Л У М О Т⁸

5-жадвал
минг сўм

Харажатлар номи	2011 йил	2012 йил	2013 йил
Асосий иш ҳақи	109 836 941,60	34 769 631,30	127 680 842,10
Тиббиёт муассасаларининг моддий рағбатлантириш ва ривожлантириш Жамғармасини шакллантириш харажатлари	4 864 714,40	1 560 002,00	5 977 083,30
Жами	114 701 656,00	36 329 633,30	133 657 925,40

5-жадвал маълумотларидан кўриниб турибдики, Наманган вилояти соғлиқни сақлаш соҳасида меҳнат қилинаётган ходимларга 2011 йилда 109836941,60 минг сўм, 2012 йилда 34769631,30 минг сўм, 2013 йилда 127680842,10 минг сўм иш ҳақи ҳамда 2011 йилда 4864714,40 минг сўм, 2012 йилда 1560002,00 минг сўм, 2013 йилда 5977083,30 минг сўм моддий рағбатлантириш харажатлари амалга оширилди.

3. Соғлиқни сақлаш тизимида капитал харажатларни режалаштириш хусусиятлари

Соғлиқни сақлаш тизимида капитал харажатларни режалаштириш мақсадида Бюджетдан ташқари Таълим ва тиббиёт муассасаларини

⁸ Наманган вилояти Молия бошқармаси ҳисоботлари асосида магистрант томонидан тайёрланди.

реконструкция қилиш, мукаммал таъмирлаш ва жиҳозлаш жамғармаси ташкил этилди.

Жамғарма республика тиббиёт муассасаларининг моддий-техника базасини замонавий талабларни ва халқаро стандартларни ҳисобга олган ҳолда тизимли асосда ривожлантириш ва мустаҳкамлаш, уларни энг илғор ташхис ва даволаш асбоб-ускуналари, ахборот-компьютер техникаси билан жиҳозлаш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Таълим муассасаларини реконструкция қилиш, мукаммал таъмирлаш ва жиҳозлаш бўйича бюджетдан ташқари жамғармани ташкил этиш тўғрисида" 2010 йил 10 ноябрдаги ПҚ-1432-сон қарорига мувофиқ ташкил этилган ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Таълим муассасаларини реконструкция қилиш, мукаммал таъмирлаш ва жиҳозлаш жамғармасини Таълим ва тиббиёт муассасаларини реконструкция қилиш, мукаммал таъмирлаш ва жиҳозлаш жамғармаси этиб қайта ташкил этиш тўғрисида" 2011 йил 21 ноябрдаги ПҚ-1645-сон қарорига мувофиқ қайта ташкил этилган. Жамғарма ўз фаолиятида Ўзбекистон Республикаси Конституциясига, Ўзбекистон Республикаси қонунларига, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталари қарорларига, Ўзбекистон Республикаси Президенти фармонлари, қарорлари ва фармойишларига, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси қарорлари ва фармойишларига ҳамда бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатларга, шунингдек Жамғармани бошқариш кенгаши қарорларига амал қилади.

Қуйидагилар Жамғарманинг асосий вазифалари ва маблағларидан фойдаланиш йўналишлари ҳисобланади:

- тасдиқланган аниқ манзилли дастурларга мувофиқ соғлиқни сақлаш муассасаларини куриш, реконструкция қилиш ва мукаммал таъмирлаш ишларини молиялаштириш;
- замонавий талаблар ва белгиланган нормативлардан келиб чиққан ҳолда соғлиқни сақлаш муассасаларини энг янги лаборатория, ташхис ва даволаш асбоб-ускуналари, компьютер техникаси ҳамда бошқа

тиббиёт аппаратлари, махсус мебель ва анжомлар билан жиҳозлаш ҳамда доимий асосда тизимли қайта жиҳозлашни молиялаштириш.

Жамғарма даромадлари қуйидаги манбалар ҳисобига шакллантирилади:

- хўжалик юритувчи субъектлар томонидан Жамғармага қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда мажбурий ажратмаларни тўлашдан тушадиган маблағлар;
- Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликларининг бюджетдан ташқари маблағлари;
- халқаро молия институтлари ҳамда бошқа хорижий донорларнинг грантлари ва имтиёзли кредитлари (қарзлари);
- соғлиқни сақлашга харажатлар ҳисобига алоҳида сатр билан ажратиладиган Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети маблағлари ва марказлаштирилган инвестициялар;
- ҳайрия қилувчилар - юридик ва жисмоний шахслар, шу жумладан, Ўзбекистон Республикаси норезидентларининг маблағлари;
- Жамғарманинг вақтинча бўш маблағларини жойлаштиришдан олинадиган даромадлар ва қонун ҳужжатларида тақиқланмаган бошқа тушумлар.

Хўжалик юритувчи субъектлар (тўловчилар) томонидан Жамғармага мажбурий ажратмалар суммаси ҳар йили Ўзбекистон Республикаси Президенти қарорига кўра белгиланадиган тўлов объекти ва ставкасидан келиб чиққан ҳолда аниқланади. Халқаро молиявий ташкилотлар ва институтларнинг грантлари ва имтиёзли кредитлари (қарзлари), ҳайрия қилувчилар маблағлари, шу жумладан, Ўзбекистон Республикаси норезидентларининг маблағлари Жамғарма ҳисобига қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда тушади.

Жамғармани бошқариш кенгаши:

- умумий раҳбарликни амалга оширади ва Жамғармага юкланган вазифаларнинг бажарилишини ташкил қилади;

- Жамғарма даромадлари барқарор шакллантирилиши, ўз вақтида молиялаштирилиши ва Жамғарма маблағларидан мақсадли фойдаланилиши таъминланишини доимий назорат қилади;
-
- таълим ва тиббиёт муассасаларини қуриш, реконструкция қилиш, мукамал таъмирлаш ва жиҳозлаш (тўлиқ жиҳозлаш)нинг ҳар йиллик дастурларини тасдиқлайди;
- умумий тасдиқланган параметрлар доирасида, зарурат бўлганда, Жамғарма даромадлари (манбалар бўйича) ва харажатларининг прогноз параметрларига ўзгартириш ва аниқликлар киритади;
- Жамғарма Ижро этувчи дирекцияси фаолиятини назорат қилади;
- Жамғарма олдига қўйилган вазифаларни ҳал этиш учун манфаатдор вазирликлар, идоралар, хўжалик юритувчи субъектларни ва ноτιжорат ташкилотларни жалб қилади, шунингдек ҳайрия қилувчилар, шу жумладан, Ўзбекистон Республикаси норезидентларининг маблағларини жалб этишда Жамғармага кўмаклашади.

Жамғармани бошқариш кенгаши мажлислари заруратга кўра, бироқ ҳар чорақда камида бир марта ўтказилади. Жамғармани бошқариш кенгаши қарорлари мажлисда қатнашаётган Жамғармани бошқариш кенгаши аъзоларининг оддий кўпчилиқ овози билан қабул қилинади. Овозлар тенг бўлиб қолганда Жамғармани бошқариш кенгаши раисининг овози ҳал қилувчи ҳисобланади. Жамғармани бошқариш кенгашининг ўз ваколатлари доирасида қабул қилган қарорлари Ўзбекистон Республикасининг вазирликлари, идоралари ва бошқа ташкилотлари томонидан бажарилиши мажбурийдир.

Жамғармани жорий бошқариш Жамғарманинг Ижро этувчи дирекцияси томонидан амалга оширилади.

Қуйидагилар Жамғарма ижро этувчи дирекциясининг асосий вазифалари ҳисобланади:

- Жамғарма даромадлари ва харажатлари прогнозини ҳамда уларнинг бажарилиши тўғрисидаги ҳисоботни тайёрлаш;
- Жамғармани бошқариш кенгашига даромадлар манбалари билан боғлаган ҳолда Жамғарма маблағларидан асосий йўналишлар (таълим ва тиббиёт муассасаларини қуриш, реконструкция қилиш, мукамал таъмирлаш ва жиҳозлаш (тўлиқ жиҳозлаш) бўйича фойдаланиш юзасидан таклифлар киритиш;
- таълим ва тиббиёт муассасаларини қуриш, реконструкция қилиш, мукамал таъмирлаш ва жиҳозлаш (тўлиқ жиҳозлаш)нинг аниқ манзилли рўйхатларининг бажарилишини таҳлил қилиш ва мониторинг олиб бориш ҳамда тегишли материалларни Жамғармани бошқариш кенгашига киритиш;
- зарурат бўлганда, жойларга чиққан ҳолда, таълим ва тиббиёт муассасаларини қуриш, реконструкция қилиш, мукамал таъмирлаш ва жиҳозлаш (тўлиқ жиҳозлаш)нинг ҳар йиллик дастурларини шакллантиришда иштирок этиш;
- Жамғарма даромадлари ва харажатларини ойма-ой тасдиқлаш, шунингдек даромадлар параметрларини минтақалар бўйича Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ва Давлат солиқ қўмитасининг тегишли бўлинмаларига ҳамда харажатлар параметрларини Жамғарма маблағларидан фойдаланиш йўналишлари бўйича Молия вазирлигининг тегишли бўлинмаларига ва ҳудудий молия органларига етказиш, шунингдек Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги томонидан ишлаб чиқиладиган шакллар бўйича уларнинг ўз вақтида ва тўлиқ бажарилиши мониторингини олиб бориш;
- таълим ва тиббиёт муассасаларини қуриш, реконструкция қилиш, мукамал таъмирлаш ва жиҳозлаш (тўлиқ жиҳозлаш) учун Жамғарма томонидан жалб этиладиган имтиёзли хорижий кредитлар ва қарзлар ҳисобга олинишини ва улардан мақсадли фойдаланилишини

таъминлаш, шунингдек уларни ўз вақтида қайтариш ва қарз битимлари шартларига мувофиқ уларга хизмат кўрсатиш.

Жамғарма даромадлари ва харажатлари прогнозини тайёрлаш, кўриб чиқиш ва тасдиқлаш "Бюджет тизими тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетини тайёрлаш билан боғлиқ ҳолда амалга оширилади.

Жамғарманинг ижро этувчи дирекцияси ҳар йили навбатдаги йил учун:

Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси билан биргаликда - Жамғармага мажбурий ажратмалар тушумлари прогнозини тайёрлайди;

Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги, Молия вазирлиги, Халқ таълими вазирлиги, Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳамда Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими маркази, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари билан биргаликда - бюджетдан ташқари манбалардан, шу жумладан, халқаро ташкилотлар ва молия институтларининг грантлари ва кредитларини, ҳайрия қилувчиларнинг эҳсонларини жалб этишдан тушумлар прогнозларини тайёрлайди.

Жамғарма маблағлари:

Маҳаллий бюджетлар маблағлари ҳисобига таъминланадиган таълим муассасаларини қуриш, реконструкция қилиш, мукамал таъмирлаш ва жиҳозлаш (тўлиқ жиҳозлаш)га, шунингдек тиббиёт муассасаларини қуриш, реконструкция қилиш, мукамал таъмирлаш ва жиҳозлаш (тўлиқ жиҳозлаш)га харажатлар бўйича - Ғазначиликнинг Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳри бўйича бошқармаларидаги хизмат кўрсатиладиган ғазначилик шахсий ҳисоб рақамлари орқали сарфланади;

Республика бюджети маблағлари ҳисобига таъминланадиган тиббиёт муассасаларини қуриш, реконструкция қилиш, мукамал таъмирлаш ва жиҳозлаш (тўлиқ жиҳозлаш)га харажатлар бўйича - Ўзбекистон

Республикаси Молия вазирлигининг Ғазначилигида хизмат кўрсатиладиган ғазначилик шахсий ҳисоб рақамлари орқали сарфланади.

Жамғарма маблағларидан фойдаланиш:

а) Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигида:

Республика бюджети маблағлари ҳисобига таъминланадиган тиббиёт муассасаларини қуриш, реконструкция қилиш ва мукаммал таъмирлаш бўйича - тендер (танлов) савдолари асосида ва капитал қурилиш соҳасидаги қонун ҳужжатлари билан белгиланган тартибга мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигининг Қурилиш бўйича бирлашган дирекцияси томонидан;

Республика бюджети маблағлари ҳисобига таъминланадиган тиббиёт муассасаларини жиҳозлаш (тўлиқ жиҳозлаш) бўйича - қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда ўтказилган тендер (танлов) савдолари асосида Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан рўйхатдан ўтказилган харажатлар сметалари асосида амалга оширилади;

б) Қорақалпоғистон Республикаси Молия вазирлигида, вилоятлар ва Тошкент шаҳар молия бошқармаларида:

Маҳаллий бюджетлар маблағлари ҳисобига таъминланадиган таълим муассасаларини қуриш, реконструкция қилиш ва мукаммал таъмирлаш, шунингдек тиббиёт муассасаларини қуриш, реконструкция қилиш ва мукаммал таъмирлаш бўйича - тендер (танлов) савдолари асосида ва капитал қурилиш соҳасида қонун ҳужжатларида белгиланган тартибга мувофиқ Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари ҳузуридаги ягона буюртмачи хизматлари томонидан рўйхатдан ўтказилган харажатлар сметалари асосида амалга оширилади;

Маҳаллий бюджетлар маблағлари ҳисобига таъминланадиган таълим муассасалари ва тиббиёт муассасаларини жиҳозлаш (тўлиқ жиҳозлаш) бўйича - Қорақалпоғистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги, вилоятлар ва Тошкент шаҳар халқ таълими бошқармалари, шунингдек

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг Ўрта махсус, касб-хунар таълими маркази ҳудудий бошқармалари, Қорақалпоғистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги, вилоятлар ва Тошкент шаҳар соғлиқни сақлаш бошқармалари томонидан, қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда ўтказилган тендер (танлов) савдолари асосида рўйхатдан ўтказилган харажатлар сметалари асосида амалга оширилади.

Бюджетдан ташқари Таълим ва тиббиёт муассасаларини реконструкция қилиш, мукамал таъмирлаш ва жиҳозлаш жамғармаси Наманган вилояти бўлимининг 2012 йилда амалга оширилган ишлар

таҳлили

6-жавдал

минг сўмда

Объектнинг номи ва жойи	Тендер бўйича сумма	2012 йил учун лимит	Йил бошидан бажарилган иш ҳажми	Йил бошидан тўланган сумма
Тиббиёт бирлашмаларининг янги қурилиши	659 763	652 478	684 813	620 487
Говазон ҚВП. Янгиқўрғон туман Бирлашган ҚФЙ Говазон МФЙ	320 077	316 729	332 458	301 251
Исковот ҚВП. Янгиқўрғон туман Зарбдор ҚФЙ Исковот МФЙ	339 686	335 749	352 355	319 236
Тиббиёт бирлашмаларининг реконструкцияси	8 929 254	8 932 411	9 316 462	8 846 902
Наманган шаҳридаги вилоят юкумли касалликлар шифохонаси (II навбат)	1 804 520	1 753 579	1 843 461	1 753 235
Наманган шаҳар ДСЭНМ	890 573	883 763	927 949	882 833
Наманган туманидаги вилоят кўп тармоқли тиббиёт маркази	942 884	964 616	999 353	952 208
Янгиқўрғон ТТБ	2 533 908	2 530 056	2 653 578	2 512 999
Мингбулоқ ТТБ	2 477 368	2 474 336	2 552 904	2 419 834
6-сонли болалар уйи	617 880	616 521	647 153	616 248
Наманган шаҳридаги ШТБ марказий	552 694	593 303	620 013	592 378

шаҳар касалхонаси				
Тиббиёт бирлашмаларини капитал таъмирлаш	959 838	901 553	803 513	521 412
Мингбулок туман поликлиникаси	959 838	901 553	803 513	521 412
Умумий жами	10 548 855	10 486 442	10 804 788	9 988 801

6-жадвал маълумотларидан кўриниб турибдики, 2012 йилда тиббиёт бирлашмаларининг янги қурилиши тендер бўйича 659763 минг сўм, 2012 йил учун лимит 652478 минг сўм, йил бошидан бажарилган иш ҳажми 684813 минг сўм, йил бошидан тўланган сумма 620487 минг сўм маблағлар сарфланиши ижроси таъминланди. Тиббиёт бирлашмаларининг реконструкцияси 2012 йилда тендер бўйича 8929254 минг сўм, 2012 йил учун лимит 8932411 минг сўм, йил бошидан бажарилган иш ҳажми 9316462 минг сўм, йил бошидан тўланган сумма 8846902 минг сўм маблағлар сарфланиши ижроси таъминланди. Тиббиёт бирлашмаларини капитал таъмирлаш ишлари учун 2012 йилда тендер бўйича 959838 минг сўм, 2012 йил учун лимит 901553 минг сўм, йил бошидан бажарилган иш ҳажми 803513 минг сўм, йил бошидан тўланган сумма 521412 минг сўм маблағлар сарфланиши ижроси таъминланди.

Бюджетдан ташқари Таълим ва тиббиёт муассасаларини реконструкция қилиш, мукамал таъмирлаш ва жиҳозлаш жамғармаси Наманган вилояти бўлимининг 2013 йилда амалга оширилган ишлар таҳлили

7-жавдал

минг сўмда

Объектнинг номи ва жойи	Тендер бўйича сумма	2013 йил учун лимит	Йил бошидан бажарилган иш ҳажми	Йил бошидан тўланган сумма
Тиббиёт бирлашмаларининг реконструкцияси	14 852 999	14 405 534	13 655 512	13 019 552
Наманган шаҳридаги вилоят болалар кўп тармоқли тиббиёт маркази	1 875 393	1 809 481	1 887 390	1 794 406
Мингбулок ТТБ (2- этап)	4 029 060	3 891 883	2 747 426	2 612 757

Янгиқўрғон ТТБ (2-этап)	2 912 545	2 839 642	2 984 845	2 839 100
Наманган шаҳар 6-сонли болалар уйи	952 930	930 797	978 317	929 115
Норин ТТБ	1 122 771	1 107 202	1 166 258	1 107 125
Наманган ШТБ (2-этап)	3 960 300	3 826 529	3 891 276	3 737 049
Тиббиёт бирлашмаларини капитал таъмирлаш	171 235	162 673	170 575	162 046
Мингбулоқ туман поликлиникаси	171 235	162 673	170 575	162 046
Умумий жами	15 024 234	14 568 207	13 826 087	13 181 598

7-жадвал маълумотларидан кўриниб турибдики, 2013 йилда Тиббиёт бирлашмаларининг реконструкцияси учун тендер бўйича 14852999 минг сўм, 2013 йил учун лимит 14405534 минг сўм, йил бошидан бажарилган иш ҳажми 13655512 минг сўм, йил бошидан тўланган сумма 13019552 минг сўм маблағлар сарфланиши ижроси таъминланди. Тиббиёт бирлашмаларини капитал таъмирлаш ишлари учун 2013 йилда тендер бўйича 171235 минг сўм, 2013 йил учун лимит 162673 минг сўм, йил бошидан бажарилган иш ҳажми 170575 минг сўм, йил бошидан тўланган сумма 162046 минг сўм маблағлар сарфланиши ижроси таъминланди.

III боб. Соғлиқни сақлаш тизимини молиялаштиришни такомиллаштириш йўналишлари

1. Тиббиёт муассасаларида молиявий ресурслардан самарали фойдаланиш

Мамлакатимизда соғлиқни сақлаш соҳасини тубдан ислоҳ этиш, аҳолига кўрсатилаётган тиббий хизматлар сифатини халқаро андозалар ва талаблар асосида шакллантириш муҳим масалага айланди. Амалга оширилаётган ислоҳотлардан кўзланган асосий мақсад тизимнинг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш, молиявий маблағлар билан таъминлашнинг такомиллашган шакллари жорий этиш ҳисобланади.

Президентимиз И.А. Каримов таъкидлаган “Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози давом этаётганига қарамай, кейинги уч йилда соғлиқни сақлаш соҳасини молиялаш ҳажми 2,5 баробар кўпайди” – ушбу сўзлар замирида соҳада амалга оширилган ислоҳотларнинг натижаси десак хато бўлмайди⁹.

Жорий этилаётган чора-тадбирлардан кўзланган асосий вазифа республикаимизда халқаро амалиётни ҳисобга олган ҳолда, соғлиқни сақлаш муассасаларини молиялаштиришда давлат сарф-харажатларини мумкин бўлган меъёргача камайтириш ва аҳолини тиббий хизматлар билан ялпи қамраб олувчи маблағлардан самарали ва натижавий фойдаланишни таъминловчи янги бир тизимни яратиш муҳим бўлиб қолмоқда.

Соғлиқни сақлаш тизимини молиялаштиришни такомиллаштириш марказлаштирилган бошқарув усуллари ва ривожлантиришнинг бозор иқтисодиётига хос механизмларини излаш заруратини намоён этмоқда.

Соғлиқни сақлаш тизимини янада ривожлантиришга бундай ёндашувнинг долзарблиги республикада иқтисодиётнинг институционал ва таркибий такомиллашуви, иқтисодиётнинг изчил ривожланишида ушбу

⁹ Ўзбекистон Республикаси Президенти И.Каримовнинг Ўзбекистонда она ва бола саломатлигини муҳофаза қилишнинг миллий модели: “Соғлом она – соғлом бола” мавзuidaги халқаро симпозиум очилишидаги нутқи. Халқ сўзи, 29 ноябр №231(5398).

соҳага халқаро амалиётда тажрибадан ўтган тамойил ва услублар жорий этилиши билан ҳам изоҳланади. Ушбу тажрибаларни таҳлил этиш соғлиқни сақлаш тизимини молиялаштириш тенденцияларини башорат қилиш усулларини ишлаб чиқишга имкониятлар яратади.

Тадқиқотларимиз натижасида айрим хорижий мамлакатлар, хусусан, АҚШ, айрим МДХ, Европа ва Осиё мамлакатлари каби давлатлари соғлиқни сақлаш тизимини молиялаштириш тажрибаларини қиёсий таҳлил этиб, республикамизда жорий этишнинг зарурий шарт-шароитлари сифатида қуйидаги тавсиялар ишлаб чиқдик:

- иш берувчи томонидан ишчи-ходимлар учун ўзининг махсус ҳисоб рақамида тиббий хизматларни молиявий таъминлаш мақсадида маълум ҳажмдаги маблағни жамғариб бориш;
- кичик бизнес субъектларига ўз ходимлари учун тиббий суғурта тўловларини амалга оширишларини рағбатлантириш мақсадида солиқ имтиёзлари бериш;
- жамғарилган маблағларни фақат тиббий хизмат билан боғлиқ харажатларни қоплаш мақсадида фойдаланишни ёхуд манфаатдор томонидан ҳам бошқа мақсадларга йўналтирилмаслигини таъминлаш;
- маблағларни тиббий хизматдан фойдаланиш даврида уни тасарруф этиш услубиятини жорий этиш;
- соғлиқни сақлаш муассасаларини молиялаштиришнинг маълум муддатларга, 3-5 йилларга мўлжалланган Давлат дастурларини ишлаб чиқиб амалиётга жорий қилиш;
- халқаро молия институтлари билан ҳамкорликдаги дастурлар асосида амалга ошириладиган кенг кўламли ишлар ҳажмини ошириш;
- жамғарилган тиббий хизмат фондидан молиялаштириладиган тиббий хизмат давомийлиги ва шу доирадаги ҳажмини аниқлаш;
- тиббий хизмат сифати ва бошқа кўрсаткичларини талаб этиш ҳуқуқларини тиббий хизматдан фойдаланувчи ихтиёрида мавжуд бўлишини таъминлаш;

- хусусий амалиёт билан шуғулланувчи тиббиёт ходимлари масъулиятини ошириш мақсадида касб жавобгарлиги мажбурий суғуртасини жорий этиш;
- тиббий ходим томонидан даволанувчига етказилган зарарни тиббиёт муассасаси, тиббий ходимнинг суғурталовчиси ёки тиббий ходим ҳисобидан қопланишини назорат қилиш;
- ташкил этилган ишларни жадал ривожлантириб бюджетдан ташқари маблағларни мамлакат ЯИМдаги улушини ошириб бориш;
- иш ҳақига нисбатан ажратилаётган мазкур маблағни жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғи базасига киритилмаслиги бўйича бериладиган чегирма албатта соғлиқни сақлаш тизимида ўзининг ижобий самарасини беради.

Юқорида келтирилган илмий тавсияларни ҳисобга олган ҳолда мамлакатимизда фуқароларнинг жамғариб бориладиган тиббий фондини ташкил этишни мақсадга мувофиқ деб ҳисоблаймиз.

Республикаимизда иш берувчи томонидан ишчи-ходимлар учун ўзининг махсус ҳисоб рақамида тиббий хизматларни молиявий таъминлаш мақсадида, шахснинг жамғариб бориладиган тиббий фондини ташкил этиш, жамғарилган маблағларни фақат тиббий хизмат билан боғлиқ харажатларни қоплаш учун фойдаланишни, ёхуд манфаатдор томонидан ҳам бошқа мақсадларга йўналтирилмаслигини таъминлаш, маблағларни тиббий хизматдан фойдаланиш даврида уни тасарруф этиш услубиётини жорий этиш.

Олиб борган тадқиқотларимиз асосида, мазкур фондни жорий этишда турли хорижий мамлакатлар тажрибаларини тадқиқ этган ҳолда, фуқароларнинг жамғариб бориладиган тиббий фонди тўловларининг миқдорининг прогноз кўрсаткичларини ишлаб чиқдик. Биз уни 8-жадвал маълумотларидан кўраимиз.

Жамғариб бориладиган тиббий фонд¹⁰, (фоиз ҳисобида)

Кўрсаткичлар	Ишчи	Ходим	Пенсионер	18 ёшгча
Иш берувчи (иш ҳақи / иш берувчи)	6/5	6/5	7	-
Давлат муассасаси (иш ҳақи/муассаса)	8/3	8/3	7	-
Ўзини иш билан таъминлаш (даромади)	15	-	7	-
Ўзини иш билан таъминлаш (даромади)	-	-	-	100

Изоҳ: давлат кафолати фақат касаллик даври учун.

Хорижий тажрибалардан фойдаланган ҳолда, уларнинг ўзига хос хусусиятларини республикамиз шароитида жорий этиш муҳим аҳамият касб этади. Соғлиқни сақлаш тизимида ташкил этилган пуллик тиббий хизматлардан аҳоли талабларини тўла қондириш мақсадида мазкур тизимни жорий этиш чора-тадбирларини ишлаб чиқиб амалга ошириш лозим.

Фикримизча, мазкур жамғарилиб бориладиган тиббий фонд маблағларини шакллантиришда, иш ҳақиға нисбатан ажратилаётган ушбу маблағни жисмоний шахсларнинг солиқ солинадиган даромадига киритилмаслиги бўйича чегирма бериш мақсадга мувофиқ деб ўйлаймиз.

Бунинг натижасида, биринчидан, аҳоли даромадлари ошади; иккинчидан, аҳолининг пуллик тиббий хизматлардан фойдаланиш даражаси ортади, яъни мазкур маблағларни бошқа мақсадларда тасарруф этишда чекловлар борлиги сабабли, доимий тарзда тиббий хизматлардан фойдалана боради, натижада аҳоли саломатлик кўсаткичлари ортади; учинчидан, соғлиқни сақлаш тизимида бюджетдан ташқари маблағлар

¹⁰ Магистрант томонидан ишлаб чиқилган

улуши ҳажми ортиб, тиббий хизматлар бозорида рақобат муҳити вужудга келади.

Шу билан биргаликда, мазкур фонд маблағлари ҳисобидан тиббий хизматларнинг тўловини амалга оширишда хизматлар сифатини ошириш учун:

а) тиббий хизмат сифати ва бошқа кўрсаткичларни талаб этиш ҳуқуқларини тиббий хизматдан фойдаланувчи ихтиёрида мавжуд бўлишини таъминлаш;

б) тиббиёт ходими томонидан даволанувчига етказилган зарарни тиббиёт муассасаси, тиббиёт ходимининг суғурталовчиси ёки тиббиёт ходими ҳисобидан қопланишини назорат қилиш мақсадга мувофиқ.

Соғлиқни сақлаш соҳасини молиялаштиришни амалга ошириш маълум ҳудуд доирасида бепул тиббий хизматлар аҳоли жон бошига тўғри келувчи харажатлар миқдори билан режалаштирилиши, бу эса ҳудуднинг демографик ҳолати, тиббий ёрдамларга бўлган эҳтиёжи билан белгиланади. Бу ҳолатда ўлчов бирлиги шифохоналарда – касал ўрни-кун, амбулатория клиникаларда – врачга қатновлар сони, тез тиббий ёрдамни чақирувлар орқали ифодаланади.

Соғлиқни сақлаш муассасаларини молиялаштиришни мақсадли ёндашувлар асосида такомиллаштириш бир неча босқичларни ўз ичига олади, уларга қуйилагиларни киритиш мумкин:

- давлат кафолати остида бўлган тиббий ёрдам ва молиявий ресурслар ўртасидаги ўзаро боғлиқлик даражасини таъминлашни янада кучайтириш;
- тизимда маблағларни тасарруф этишнинг натижавийлигини ошириш;
- соҳада бозор муносабатлари шароитига мос тарзда тажрибадан ўтган ва самарали суғурта тизимини ривожланишини жадаллаштириш;
- сифатли тиббий хизмат кўрсатилишини молиявий рағбатлантириш;

- тўғридан-тўғри тўловлар ва тиббий суғурта ҳисобига кўрсатиладиган бир турдаги тиббий хизматлар ўртасидаги ўзаро фарқ даражаси бўлишига йўл қўймаслик;
- соғлиқни сақлашнинг биринчи бўғини бўлган амбулатория-поликлиника муассасаларига уларга бириктирилган аҳолининг тиббий хизматларга бўлган талабидан келиб чиқиб молиявий режалаштиришни бошқариш ваколатларини кенгайтириш.

Соғлиқни сақлаш тизимини ислоҳ қилишнинг янада чуқурлаштириш, тиббиёт муассасалари фаолияти самарадорлигини ошириш, замонавий талаблар ва стандартларга мувофиқ аҳолига юқори сифатли тиббий ёрдам кўрсатишни таъминлаш, республика соғлиқни сақлаш тизимида бошқариш ва меҳнатни ташкил этишнинг илғор шакл ҳамда услубларини жорий этиш мақсадида 2011 йилнинг 28 ноябрида Ўзбекистон Республикаси Президентининг ПҚ 1652-сонли “Соғлиқни сақлаш тизимини ислоҳ қилишни янада чуқурлаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Қарори қабул қилинди.

9-жадвал.

2012-2014 йилларда олис қишлоқ аҳоли пунктларида қўшимча қишлоқ врачлик пунктларини барпо этиш дастури (умумий ҳудуд кесимида)¹¹

№	Ҳудудлар	Сони
1	Қорақалпоғистон Республикаси	18
2	Қашқадарё вилояти	49
3	Сурхандарё вилояти	31
4	Фарғона вилояти	4
	Жами	102

9-жадвал маълумоларидан кўришиб турибдики, 2012-2014 йиллар давомида Республикаимизнинг тўртта ҳудудида жами 102 та қишлоқ

¹¹ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2011 йил 28 ноябрдаги ПҚ 1652-сонли “Соғлиқни сақлаш тизимини ислоҳ қилишни янада чуқурлаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Қарори 3-иловаси асосида магистрант томонидан тайёрланган.

врачлик пунктларини барпо этиш белгиланган. Шундан асосий улуш Қашқадарё вилоятига (49 та) ва Сурхандарё вилоятига (31 та) тўғри келмоқда.

10-жадвал.

2012-2015 йилларда соғлиқни сақлаш тизими стационар муассасалари тармоғини мабуллаштириш чора-тадбирлари¹²

№	Мақбуллаштириш бўйича тадбирлар	Амалдаги тармоқ		Мақбуллаштирилгандан сўнг		Бузиладиган бинолар	Бўшатиладиган бинолар ¹³
		Муассасалар сони	Бинолар сони	Муассасалар сони	Бинолар сони		
1	Ягона ҳудуд доирасида мувофиқлаштириш йўли орқали туман (шаҳар) муассасалар тармоғини мақбуллаштириш	376	4011	234	2921	142	1090
2	Силга қарши курашиш муассасаларини мақбуллаштириш	91	152	46	76	45	76
2.1	Туман муассасалари	67	111	24	39	43	72
2.2	Вилоят муассасалари	24	41	22	37	2	4
	Республика бўйича жами	467	4163	280	2997	187	1166

10-жадвал маълумотларидан кўриниб, Республикамизда бугунги кунда 467 та муассасани мақбуллаштириш орқали уларнинг сонини 2012-2015 йиллар давомида 280 тага қисқартириш режалаштирилган, шунингдек, улар тасарруфидаги 4163 та бинони бузиш (187 тасини) ва бўшатиш (1166 тасини) орқали соғлиқни сақлаш тизими муассасаларини мақбуллаштириш белгиланган. Бу эса, ўз навбатида соғлиқни сақлаш

¹² Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2011 йил 28 ноябрдаги ПҚ 1652-сонли “Соғлиқни сақлаш тизимини ислоҳ қилишни янада чуқурлаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Қарори 1-илоvasи.

¹³ Бўшатиладиган бинолар жойлардаги давлат ҳокимият органлари тасарруфига ўтказилади.

тизимига давлат бюджети харажатларини мақсадли ишлатилишини ва унинг самарадорлигини ошишига, мақбуллаштириш орқали тежалган маблағлар моддий-техника базасини яхшилашга ва маблағни зарур соҳаларга йўналтиришни таъминлайди.

Шу боисдан соғлиқни сақлашга қаратилган молиявий маблағларни йўналтиришда, айниқса, ўсмирларга тиббий хизмат кўрсатишда ҳам молиявий, ҳам ижтимоий самарадорликка эришиш лозим. Зеро, мамлакат иқтисодий барқарорлигини таъминлашда мазкур фаолият билан боғлиқ кўрсаткичлар муҳим ҳисобланади.

Хулоса қилиб айтиш мумкинки, соғлиқни сақлаш муассасаларини молиялаштиришни такомиллаштиришда ишлаб чиқилган ва илмий тавсиялар сифатида таклиф этилган чора-тадбирларни амалиётда қўллаш ўзининг самарали натижасини беради.

2. Тиббиёт муассасаларида пуллик хизматларни ривожлантириш

Тиббиёт муассасаларида аҳолига пуллик хизматларни кўрсатиш Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2010 йил 31 майдаги 161-сон буйруғи билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги тизимидаги даволаш-профилактика муассасаларида аҳолига пуллик тиббий хизмат кўрсатиш тўғрисидаги Низомга асосан тартибга солинади.

Пуллик тиббий хизматлар тиббиёт муассасалари томонидан Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги ва Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар соғлиқни сақлаш бошқармалари томонидан бериладиган рухсатномаларга асосан кўрсатилади.

Тиббиёт муассасаларининг пуллик тиббий хизмат кўрсатиш тўғрисидаги мурожаатларини кўриб чиқиш ва рухсатнома бериш учун Соғлиқни сақлаш вазирлиги ва Соғлиқни сақлаш бошқармалари қошида ишчи гуруҳ ташкил этилади.

Ишчи гуруҳ таркиби Соғлиқни сақлаш вазирлиги ва Соғлиқни сақлаш бошқармалари томонидан, рухсатнома шакли Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан тасдиқланади.

Тиббиёт муассасасалари аҳолига пуллик тиббий хизмат кўрсатишга рухсатнома олиш учун бўйсунушига қараб Соғлиқни сақлаш вазирлигига ёки Соғлиқни сақлаш бошқармаларига қуйидаги ҳужжатларни тақдим этишлари лозим:

- тиббиёт муассасаси раҳбарининг сўровномаси;
- пуллик тиббий хизмат кўрсатувчи бўлим Низоми;
- аҳолига пуллик асосда кўрсатиладиган тиббий хизматлар рўйхати;
- аҳолига пуллик асосда кўрсатиладиган тиббий хизматлар прејскуранти;
- пуллик хизмат бўйича даромад ва харажатлар сметаси.

Тиббиёт муассасаларига пуллик хизмат кўрсатиш ҳуқуқини берувчи рухсатнома 5 йил муддатга берилади.

Тиббиёт муассасаларида аҳолига кўрсатиладиган пуллик тиббий хизмат турлари, ҳажми бўйсунушига қараб Соғлиқни сақлаш вазирлиги ёки Соғлиқни сақлаш бошқармалари томонидан аниқланади. Соғлиқни сақлаш вазирлиги ва Соғлиқни сақлаш бошқармаларида тиббиёт муассасаларига пуллик хизмат кўрсатиш ҳуқуқини берувчи рухсатномалар реестри юритилади.

Пуллик тиббий хизмат кўрсатувчи тиббиёт муассасалари пуллик хизматлардан тушаётган маблағларни тасарруф этиш учун банк муассасаларида махсус ҳисоб рақамига, шунингдек зарур ҳолларда валюта ҳисоб рақамига эга бўлиши керак. Тиббиёт муассасаларида пуллик тиббий хизматларга нархлар харажатлар калькуляциясига асосан Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1999 йил 5 февралдаги 54-сон Қарори билан тасдиқланган “Маҳсулотни ишлаб чиқариш ва сотишда (ишлар ва хизматлар) харажатлар таркиби ва молия кўрсаткичларини шаклланиши тўғрисидаги Низом” ва Адлия вазирлигидан 2000 йил 25

январда рўйхатдан ўтказилган 880-рақамли Тартибга ҳамда Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2007 йил 26 ноябрдаги 526-сонли буйруғига асосан шакллантирилади.

Пуллик хизматларга калькуляциялар муассасалар томонидан ишлаб чиқилиб тасдиқланади ва бўйсунушига қараб Соғлиқни сақлаш вазирлиги ёки Соғлиқни сақлаш бошқармалари билан келишилади. Пуллик тиббий хизматлар (шу жумладан сервис хизматлари) тиббиёт муассасаси ва бемор ўртасида тузилган шартномага асосан амалга оширилади. Шартномада пуллик тиббий хизмат олиш муддатлари, ҳисоб-китоб тартиби, томонларнинг ҳуқуқлари, мажбуриятлари ва жавобгарлиги белгиланади.

Пуллик тиббий хизматлар тиббиёт муассасасининг ҳисоб рақамига нақд пул ёки пул ўтказиш йўли билан олдиндан 100% тўлов шаклида амалга оширилади. Бемор тиббий хизмат олиб бўлгач чиқарилиб юборилаётганда якуний ҳисоб-китоб амалга оширилади. Пуллик тиббий хизмат кўрсатиш тартиби ҳамда тиббиёт муассасаси бош шифокори томонидан тасдиқланган пуллик тиббий хизмат прејскуранти ҳар бир тиббиёт муассасаси томонидан беморлар эътиборига етказилиши мақсадида фуқаролар учун қулай жойларда осилган бўлиши керак.

Тиббиёт муассасалари тасдиқланган шакллар асосида кирим ордерини ва квитанцияни расмийлаштириши ва пуллик тушумларни ҳисобини олиб бориши шарт. Квитанцияларнинг бир нусхаси беморга берилади иккинчи нусхаси тиббиёт муассасаси бухгалтериясида 5 йил сақланади.

Нақд пул тушумларини аҳолидан тиббиёт муассасасининг буйруғи билан тайинланган алоҳида ходим (моддий жавобгар шахс) қабул қилади. Ушбу ходимлардан ташқари бошқа ходимларнинг нақд пул тушумини қабул қилиши қатъиян ман этилади.

Кирим ордерларини расмийлаштирмасдан нақд пул тушуми қабул қилиниши ҳоллари аниқланганда айбдор шахслар қонун билан ўрнатилган тартибда жавобгарликка тортилади.

Тиббиёт муассасалари пуллик хизматлар бўйича статистика ва бухгалтерия ҳисоби ва ҳисоботини олиб бориши, ўрнатилган тартибда ва муддатларда юқори ҳудудий соғлиқни сақлаш бошқарув органига ва статистика органларига белгиланган шаклларда ҳисоботларни топшириши шарт.

Пуллик тиббий хизмат кўрсатувчи бўлим тиббиёт муассасасининг таркибий тузилмаси ҳисобланиб, унинг асосий мақсади аҳолига малакали тиббий ва сервис хизмати кўрсатишдан иборат.

Даволаш-профилактика муассасаларининг пуллик тиббий хизмат кўрсатувчи бўлим тўғрисидаги намунавий Низом Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан тасдиқланади. Пуллик тиббий хизматни ўз вақтида тўлиқ ва сифатли кўрсатилиши учун тиббиёт муассасаси раҳбари шахсан жавоб беради.

Пуллик тиббий хизматлар сифати устидан назорат Соғлиқни сақлаш вазирлиги ва Соғлиқни сақлаш бошқармалари томонидан амалга оширилади. Тиббиёт муассасаси ва тиббий хизматни олувчи бемор ўртасида юзага келадиган эътироз ва тортишувлар ўзаро келишувга асосан, юқори соғлиқни сақлаш бошқарув органида ёки суд органларида ҳал этилади. Мазкур Низом талаблари бузилиши ҳолларида айбдор шахслар қонун билан белгиланган тартибда жавобгарликка тортиладилар.

3. Соғлиқни сақлаш тизими муассасаларини молиялаштиришга доир мавзуларни ўқитишда илғор педагогик технологияларни қўллаш

Мамлакатимизда амалга оширилаётган сиёсий, ижтимоий, иқтисодий ўзгаришлар, ислохотлар таълим стандартларини ўзгартиришга, янги фан, ўқув курсларини киритишнигина эмас, балки дарс ўтиш методларини ҳам ўзгартиришни, талабаларни дарсга қизиқиб, фаол қатнашишларини таъминлайдиган методларни қўллаш эҳтиёжларини келтириб чиқарди.

Шунинг учун жаҳон педагогикасида асосий эътибор талабаларда ана шу хислатларни ҳосил қилишга қаратилди. Тажриба талабаларда айнан ана шу хислатлар, кўникмаларни ҳосил қилишда дарс беришнинг интерфаол

методларини қўллаш ижобий натижа беришини кўрсатди. Бу услублар дарс ўтишни диалог тарзда амалга оширишга, айниқса, талабаларни дарсга фаол қатнашишларини таъминлашга қаратилган.

Ҳар қандай фандан дарс ўтишда турли методларни, айниқса, интерфаол методларни қўллаш зарурияти яна шунда ифодаланадики, биринчидан, бундай методларни қўллаш дарсни қизиқарли ўтиш ва талабаларни дарсга фаол қатнашишларини, иккинчидан, уларнинг диққатини ўтилаётган дарсни ўзлаштиришга қаратишларини таъминлайди.

Дарс ўтишда қўлланиладиган методларни шартли равишда: авъанавий дарс ўтиш услублари ҳамда талабалар фаоллигини оширувчи интерфаол методларга ажратиш мумкин.

Авъанавий дарс ўтишда дарснинг асосий мақсади кўпроқ, тушунтиришга қаратилган бўлиб, ўқитувчи - билим берувчи, ўқувчи-талаба билим олувчи ролини бажаради. Уларни ўрганилаётган мавзунини қай даражада ўзлаштирилганларини назорат қилиш жараёнида бамалдирган фикрларига қараб аниқланади.

Педагоглар, педагог-олимлар дарс жараёнида ўқувчи, талабалар ўртасида ҳамда улар билан ўқитувчи орасида юқори даражада ҳамкорлик ўрнатилса, уни интерфаол ҳисоблашади.

Одатда бундай ҳамкорлик у ёки бу муаммони ечиш йўллари фикрлашиб топишда, қабул қилинган қарорни қай даражада қўлланса бўлишини муҳокама қилишда ўрнатади. Шунга алоҳида эътибор бериш керакки, муҳокама жараёни уни жавобларидан ҳам муҳимроқ. Таълим интерфаол методларининг мақсади билим бериш эмас, балки ўқувчи, талабаларда мустақил равишда ўқиш. Изланиш, саволларга жавоб топиш, қарор қабул қилиш кўникмаларни шакллантиришдир.

Дарс ўтишнинг талабалар фаоллигини оширувчи интерфаол методлари айрим адабиётларда ноавъанавий дарс ўтиш методлари деб ҳам таърифланади. Бу методлардан авваллари ҳам фойдаланилган, лекин камроқ эътибор берилган, Ҳозирги пайтда бутун дунёда фаол интерфаол

методларни қўллашни дарс ўтишнинг самарали методи сифатида тан олиниб, кенг қўлланилмоқда.

Интерфаол методика ўзаро ҳамкорликнинг ниҳоятда кўп усул ва турларини қамраб олади. Лекин методик усул қандай булишидан қатъий назар, ўқувчи талабаларнинг тажрибалари асосий таълим манбаи ҳисобланади. Ҳамкорлик асосида амалга оширилаётган методларнинг асосий хусусияти шундаки, унда ўқувчи, талаба ўзи учун ниманидир кашф қилади.

Интерфаол методлар «ўқишга ва ўқишга» ўргатади. У ўқувчи-талабаларнинг ниҳоятда катта интеллектуал потенциалидан фойдаланиш имконини беради, уларни ўқув жараёнида фаол қатнашишларини таъминлайди. ўқув жараёнида нафақат ҳамкорлик, балки мусобақа, беллашув элементларини ҳам қўллаш имконини беради.

Интерфаол методлар талабаларни ўз фикрини ифодалаш учун кенг имконият яратиб берибгина қолмай, ўртоқларининг фикри, асослари, далилларини тинглаб, ўз фикридан қайтиши ёки фикрини тамомила ўзгартириши мумкин. Интерфаол методлар бошқаларнинг фикрига ҳурмат билан қарашга, уни сабр-тоқат билан эшитишга ҳам ўргатади. Аудиторияда ҳамкорлик муҳитини яратишнинг реал имкониятини яратади.

Ўқитувчи яхши дарс беришнинг тайёр рецептига эмас, балки интерфаол методларга асосланган таълим технологиясига эга бўлиши керак. У ижодий ҳамкорликда ишлашга ва масъулиятли қарорлар қабул қилиш учун тайёр туришга ўргатади. Таълимнинг интерфаол методлари педагогларда:

- дарсда ўрганилаётган мавзуга қизиқиш уйғотишни таъминлайди;
- ўқув материални пухта ўзлаштириш имконини беради;
- ўқувчи, талабанинг тахлилий фикрлашини ривожлантиради;
- барча ўқувчи, талабаларни ўқув жараёнига тортиш, фаоллигини ошириш учун шароит яратади;
- гуруҳда кўнгилдагидек ижобий психологик иклим, муҳит яратади.

Дарс ўтиш методлари турлича бўлиб, улардан айримлари қуйидагилар: Тўғридан-тўғри баён қилиш услуби. Бу модел (услуб)да янги тушунчалар, навбатма-навбат, аста-секинлик билан, мантиқий изчилликда бериб борилади. Бу услуб кўпроқ маъруза ўқиганда қўлланилади.

Гуруҳларда жуфтлик ёки кичик гуруҳларга бўлиниб ишлаш. Бу услубда жуфтлик ёки кичик гуруҳ билан биргаликда қўйилган у ёки бу масалани, маълум белгиланган вақт ичида ўзаро фикр алмашиш, мулоқот қилиш орқали ечиш кўзда тутилади.

Интервью - бир ёки бир неча кишилардан ахборот олиш учун аниқ мақсадга қаратилган сўров (савол-жавоб) ўтказилади.

Дарсни аниқ йўналтирилган (мўлжалланган) саволлар асосида олиб бориш. Бу услубда мавзу бўйича аниқ йўналтирилган саволлар билан мавзу муҳокама қилинади. ўқитувчи савол-жавоб, суҳбатни бошқариб туради.

Моделлаштирувчи амалий ўйинлар ва машқлар. Бу услубда талабалар қатнашади. Моделлаштиришда абстракт услублардан фойдаланиб, реал воқеликка иложи бориша яқинлаштирилади. Бу услуб осон тушунадиган талабаларга қўл келади. Моделлаштирувчи ўйинда талабалар ўзлари белгиланган ролларни бажарадилар. ўз ҳатти-харакатлари орқали зарур малака ва кўникмаларни эгаллашади.

Реферат - баҳолаш нуқтаи назаридан нейтрал позицияда турган ҳолда мавзу бўйича оғзаки ахборот бўлиб, у аниқ объектив, структура, китоб ёки рисоланинг мазмунини қисқача баён қилиш ёки бирон мавзу, асар бўйича қисқача доклад тарзида тайёрланиши мумкин.

Доклад ёки қисқача доклад - мавзу ёки муаммони тартибга солинган ҳолда таништириш ёки баҳолаш тарзида баён қилинади.

Масала ёки машқ ечиш ўтилганларни назарий жиҳатдан ёдга тушириб, берилган топшириқни бажариш. Назарий билимни мустаҳкамлаш ва амалий кўникмаларга эга бўлишга қаратилади.

Тадқиқот методи. Бу методда бирон муаммо ёки гипотеза қўйилиб, гуруҳ биргаликда тадқиқот ўтказди, мантиқий хулоса чиқарилади, уни илгари сурилган гипотеза билан таққослайди.

«Ақлий штурм» методи - муайян муаммо ечиш учун талабалар ўртасига қўйилади. Унда ҳар бир гуруҳ ёки алоҳида талабалар томонидан фикр ва мулоҳазалар билдирилади. Улар солиштирилади ва хулоса чиқарилади.

Конкурс(танлов)лар ўтказиш. Маълум бир мавзу ёки муаммо бўйича талабалар олган билимларини аниқлаш ва баҳолаш учун қўллаилади.

Дарс ўтишда бошқа қатор методлар ҳам мавжуд бўлиб, уларни ўқитувчи мавзунинг мазмуни, гуруҳнинг тайёргарлигига қараб, қўллаш мумкин.

Дарс бериш жараёнида турли методларни қўлланиши ҳозирги пайтда кенг тарғиб қилинаётганига қарамай ҳали кўрилган натижага эришилгани йўқ. Бунинг қатор сабаблари қуйидагича:

- дарс жараёнини турли методлар асосида ташкил этиш, методларни қандай қўллаш бўйича методик қўшимчаларнинг йўқлиги;
- интерфаол методларни қўллаш бўйича ўтказиладиган дарсларга тайёргарликнинг кўп вақт ва маблағ талаб қилиши;
- интерфаол методларни кенг қўллаш учун барча олий ва ўрта махсус ўқув юртларида моддий базанинг етарли эмаслиги;
- интерфаол методларни кенг қўллаб, дарс ўтиш ўқитувчидан чуқур билим ва маҳорат талаб қилиши;
- барча ўқитувчиларни бунга бирдай жалб қилишнинг қийинлиги ва хоказолар.

Бундан ташқари, ўқув жараёнини ташкил этишдаги қийинчиликлар ва камчиликлар ҳам турли методларни қўллаб, дарс ўтишга тўсқинлик қилади.

Ўқиш жараёнини ташкил этишдаги қийинчиликлар:

- а) бутун ўқув жараёнини ташкил қилишга тегишли;

б) ўқув материалнинг маълум бир қисмига тегишли бўлиши мумкин.

Камчиликлар эса:

1. умумий характерга эга бўлган;
2. ўқув жараёнидаги индивидуал тўсиқлар;
3. гуруҳ туфайли келиб чиққан қийинчилик;
4. дарс жараёнини ташкил қилишдаги қийинчиликлар туфайли келиб чиққан тўсиқдир.

Дарсни ташкил қилиш билан боғлиқ қийинчиликлар шовкин, сурон танаффус, дарсни бошқалар томонидан бузилиши туфайли келиб чиқиши мумкин.

Дарс жараёнида қўлланиши керак бўлган техник воситалар, дарслик, зарур ўқув қуроллари етишмаслиги кабилар ҳам қийинчиликлар.

Ўқитишни ва фанини пухта билмаслиги, фанга доир янгиликлардаи хабардор эмаслиги, ўзини бирор-бир айби бор ёки бирор нарса етишмаётгандай бўлиши ҳам дарс ўтишда қийинчилик туғдиради.

Талабаларнинг дарсда ўзини тута билмаслиги, ўзаро рақобатлашуви, ҳам дарс ўтказишга - тўсиқ бўлиши мумкин.

Дидактик характердаги камчиликлар:

- ўқитувчининг ҳукмронлик ролини ўйнаши;
- ўқитувчининг ўзини тута билмаслиги;
- ўқитувчида сабр-тоқатнинг етишмаслиги;
- хушмуомалалик, хушфёълликнинг етишмаслиги;
- ёрдам беришга тайёр туришдаги камчилиги;
- хайрихоҳ эмаслиги, талабаларни кўр-кўрона сўзсиз бўйсунтиришга мажбур қилиши кабилардан иборат.

Дарс ўтишда юз берадиган турли камчиликлар натижасида талабаларнинг ўқишдан кўнгли совийди. Бу индивидуал, руҳий ва интеллектуал қобилияти даражасига нисбатан ўзлаштириш даражасини тушиб кетишида ифодаланади.

Ўқув жараёнида тўсқинликлар юз берганми йўқлигини қуйидаги мезонлар бўйича аниқлаш мумкин:

- ўзлаштириш кўрсаткичининг пасайиши;
- дарсга қатнашиш даражасининг пасайиши;
- материални ўзлаштириш учун ажратилган вақтда улгурмаслик.

Демак, дарс жараёнини ташкил қилишда ўқитувчи иложи борича ана шу камчиликлар юз бермаслигининг олдини олишга ҳаракат қилиши керак.

Дарсда педагог интерфаол методларни қўллаши учун шахсий тажриба талаб қилинади. Интерфаол метод ва уларни қўллаш ҳақида кўплаб ўқув, услубий адабиётларни ўқиш мумкин.

Анъанавий ва ноанъанавий педагогик технологиялар

Жамиятимизнинг ҳар бир фуқароси ХХІ аср бўсағасида турар эканмиз, ортда қолган йиллар кадрини ва келажак ҳаётининг турли жабҳаларини белгилаб олишга ўриниши табиийдир. Жумладан, ўрта махсус, касб-ҳунар таълими соҳасида фаолият кўрсатаётганлар ҳам бундан мустасно эмас.

Республикамиз Президенти И. А. Каримов таълим тушунчасига миллий дидактик нуқтаи назардан ёндашиб қуйидагича таърифлайди: «Таълим Ўзбекистон халқи маънавиятига яратувчилик фаоллигини бахш этади. Ўсиб келаётган авлоднинг барча энг яхши имкониятлари унда намоён бўлади, касб-кор, маҳорати узлуксиз такомиллашади, катта авлодларнинг доно тажрибаси англаб олинади ва ёш авлодга ўтади». Таъкидланган мақсадни амалга ошириш учун таълимнинг янги моделини яратишни тақозо қилади. Моделни амалиётга тадбиқ этиш ўқув жараёнини технологиялаштириш билан узвий боғлиқдир. Кадрлар тайёрлаш миллий дастурида «ўқув-тарбиявий жараёнини янги педагогик технологиялари билан таъминлаш» унинг иккинчи ва учинчи босқич - ларида бажариладиган жиддий вазифаларидан бири сифатида белгиланган.

Бугунги кунда таълим технологияларини шартли равишда икки турга ажратиш мумкин:

1. Анъанавий

2. Ноанъанавий

Анъанавий таълим технологияси - муайян муддатга мўлжалланган, таълим жараёни кўпроқ ўқитувчи шахсига қаратилган бўлиб, ўқитишнинг анъанавий шакли, методи ва таълим воситаларининг мажмуидан фойдаланиб таълим-тарбия мақсадига эришишдир.

Ноанъанавий таълим технологияси – муайян муддатга мўлжалланган, таълим жараёни марказида талаба шахси бўлиб, ўқитишнинг замонавий шакли, фаол ўқитиш методлари ва замонавий дидактик воситаларнинг мажмуини таълим-тарбия ишидан кўзланган мақсад ва қафолатланган натижага эришиш -га йўналтиришдир.

Ноанъанавий таълим технологияси анъанавий таълим технологиясидан фарқ қилиб, талабаларнинг билиш имкониятларини ривожланишига шароит яратади, мустақил ишлашларига алоҳида эътибор берилади, билиш фаолият - лари изланувчан ва ижодий ҳарактерга эга бўлади. Дарс тузилмаси ўзгарувчан бўлади.

Ноанъанавий таълим технологияси ўз навбатида учга бўлинади:


- **Ҳамкорликда ўрганиш**
- **Моделлаштириш**
- **Тадқиқот (Лойиҳа)**

Ҳамкорликда ўрганиш – талабаларнинг

билимини ўзлаштириш, сингди - риш, мустаҳкамлаш бўйича репродуктив фаолиятини таъминловчи, маҳорат ва малакани кетма-кетлик бўйича талабанинг бевосита бошчилигида ишга со - лишни ташкил этишга асосланган ўқитиш ва билим олишдир. У талабаларнинг мустақил гуруҳларда ишлаши эвазига таълим олишини кўзда тутадиган метод - лардан иборат. Буларга китоб билан ишлаш, ўқув суҳбати, давра суҳбати, ақлий хужум, кичик гуруҳларда ишлаш, баҳс-мунозара каби методларни киритиш мумкин.

Моделлаштириш - реал ҳаётда ва жамиятда юз берадиган ҳодиса ва жараёнларнинг ихчамлаштирилган ва содалаштирилган кўринишини аудито - рияда яратиш ва уларда талабаларнинг шахсан қатнашиши ва фаолият эвазига таълим олишини кўзда тутди. Унинг асосий мақсади талабаларнинг фақат тинглаши эмас, балки билимларни ўзлаштиришда бевосита иштирокини таъминлаш орқали таълим жараёнининг самарадорлигини оширишга қаратилган. Буларга ишбоп ўйинлар ва ролли ўйинлар каби методларни киритиш мумкин.

Қуйида таълим технологиялари бўйича методлар тизимига батафсил тўхталиб ўтамиз.



Тадқиқот - талабалар томонидан муаммони тушуниш ва ечиш, мустақил билим олишни кучайтирадиган ва шунга ундайдиган усуллар йиғиндисидан иборатдир. Тадқиқотнинг мақсади дарс жараёнида талабаларда савол қўйиш ва уларга жавоб излашида қизиқишини уйғотишга қаратилгандир. Унда ўқитиш талабаларни амалий изланиш жараёнида бевосита қатнашишини таъминлайди. Буларга муаммоли вазият, лойиҳалаш методи, мустақил изланиш, йўналтирувчи матн каби методлар кирази.

Фаол ўқитиш методларини танлаш.

Таълим технология элементларини танлаш ва амалга оширишда талаба -ларнинг ўқув билиш фаолиятларини эътиборга олиш лозим. Амалиётдаги од -дий қоида шу ҳақда гувоҳлик берадики, назарий дарснинг дастлабки 20 дақиқасида талабаларга янги билимларни бериш амалга оширилади, кейин эса баҳс-мунозара, кичик гуруҳларда ишлаш ва бошқа шу каби ноанъанавий методларни амалга ошириш орқали берилган билим мустаҳкамланиши лозим.


Ҳар қандай ҳолатда ҳам назарий дарс жараёнида, масалан фақат маъруза ўқиладиган вақт 20 дақиқадан ошмаслиги керак.

Чунки ўрганишнинг дастлабки 20 дақиқаси энг самарали, 30 дақиқадан кейин эса ўрганишни давом эттириш мотивацияси тезда пасая бошлайди.

Бу ҳамма таклифлар талабанинг диққатини узокроқ вақтгача сақлаб туришга хизмат қилади.

Идрок қилиш пайтида қанча кўп сенсорик (сезги) каналлардан фойдала - нилса, эса олиб қолинган билимларнинг миқдори ва сифати шунчалик юқори бўлади. Агар билимлар фақат «маъруза»лар орқали (пассив тинглаш йўлида) берилган бўлса, унда 3 кундан сўнг уларнинг фақат 25%ни эслаш мумкин холос. Агар у маърузалар ўқиш (тинглаш), намойиш ва кўргазмали қилиш (кўриш, ушлаб кўриш ва шу кабилар) орқали берилса ва шу тўғрисида баҳс - лашилса, унда 3 кундан сўнг 75%ини эсга тушириш мумкин.

Агар билимларни идрок қилишда бир неча сенсорик каналлар биргаликда ишга солинган бўлса, маълумотларнинг қисқа хотирадан узок хотирага ўтиш жараёни тезлашади, бу эса билишнинг асоси бўлиб ҳисобланади.



Талабаларнинг ўзлаштириш даражасига ўқитиш методларининг таъсир даражаси:

1. Маъруза - эшитганимизнинг 5%.
2. Ўқиш - ўқиганимизнинг 10%.
3. Видеоусул, намойиш - кўрганимизнинг 20%.
4. Тажрибани намойиш қилиш - кўрган ва эшитганимизнинг 30%.
5. Баҳс-мунозара - муҳокама қилганимизнинг 40%.
6. Машқлар - ўқиган, ёзган, гапирганимизнинг 50%.
7. Ишбop ўйин, кичик гуруҳларда ишлаш, лойиҳалаш - мустақил ўқи - ганимизнинг, таҳлил ва муҳокама қилганимизнинг, ҳимоя ва намойиш қилганимизнинг 75%.
8. Йўналтирувчи матн, муаммоли вазият, бошқаларни ўқитиш - мус - тақил ўрганганимизнинг, таҳлил ва муҳокама қилганимизнинг, бошқаларни ўқитган нарсаларимизнинг 90%.

Юқоридаги маълумотлар шуни кўрсатадики, дарс жараёнида ноанъана -вий методлар қўлланилганда, талабаларнинг ахборотни эслаб қолиш кўрсатки -чининг энг юқори даражаси 30%ни ташкил этар экан. Ноанъанавий методлар қўлланилганда эса, талабаларнинг ахборотларни ўзлаштириш даражаси янада ортиб боради.

Қуйида таълим жараёнида фойдаланмоқчи бўлган методларни танлаш вақтида ҳисобга олиш лозим бўлган айрим жиҳатларни кўриб чиқамиз.

Ҳар қандай таълимнинг мақсади - билимни ҳамда уни амалда қўллай билиш кўникмалари ва малакаларини шакллантириш, шунга зарур шахс сифатлари ва кўрсатмаларни ишлаб чиқишдир.

Ўқув фаолияти ҳаракатида мақсаднинг барча компонентлари амалга ошар экан, турли методларни биргаликда қўллаш зарур. Шунинг учун, метод танлашда энг асосий омил бўлиб, ўқув машғулотининг дидактик вазифаси хизмат қилади.

Ўқув мақсади	Методлар
Билим	Маъруза, намойиш, видеоусул, баҳс - мунозара, ақлий хужум, кичик гуруҳларда ишлаш, ишбоп ўйин, ролли ўйин, муаммоли вазият, лойиҳалаш, давра суҳбати
Кўникма ва малака	Лаборатория ишлари, амалий машқлар, тўрт поғонали метод, ишбоп ўйин, ролли ўйин, муаммоли вазият, лойиҳалаш, йўналтирувчи матн

Метод танлаш нафақат ўқув мақсадидан, балки ўқув материал мазмунига ва бу фаннинг мураккаблигига боғлиқ. Бундан ташқари методларни танлашда талабаларнинг сони, уларнинг ўқув имкониятлари, таълимнинг давомийлиги, ўқув-моддий шароитлар ва ўқитувчининг маҳоратига боғлиқ.

Ақлий хужум методи

Ақлий хужум - ғояларни генерация (ишлаб чиқиш) қилиш методидир. «Ақлий хужум» методи бирор муаммони ечишда талабалар

томонидан билдирилган эркин фикр ва мулоҳазаларни тўплаб, улар орқали маълум бир ечимга келинадиган энг самарали методдир. Ақлий хужум методининг ёзма ва оғзаки шакллари мавжуд. Оғзаки шаклида ўқитувчи томонидан берилган саволга талабаларнинг ҳар бири ўз фикрини оғзаки билдиради. Талабалар ўз жавобларини аниқ ва қисқа тарзда баён этадилар. Ёзма шаклида эса берилган саволга талабалар ўз жавобларини қоғоз карточкаларга қисқа ва барчага кўринарли тарзда ёзадилар. Жавоблар доскага (магнитлар ёрдамида) ёки «пинборд» доскасига (игналар ёрдамида) маҳкамланади. «Ақлий хужум» методининг ёзма шаклида жавобларни маълум белгилар бўйича гуруҳлаб чиқиш имконияти мавжуддир. Ушбу метод тўғри ва ижобий қўлланилганда шахсни эркин, ижодий ва ностандарт фикрлашга ўргатади.

Ақлий хужум методидан фойдаланилганда талабаларнинг барчасини жалб этиш имконияти бўлади, шу жумладан талабаларда мулоқот қилиш ва мунозара олиб бориш маданияти шаклланади. Талабалар ўз фикрини фақат оғзаки эмас, балки ёзма равишда баён этиш маҳорати, мантиқий ва тизимли фикр юритиш кўникмаси ривожланади. Билдирилган фикрлар баҳоланмаслиги талабаларда турли ғоялар шаклланишига олиб келади. Бу метод талабаларда ижодий тафаккурни ривожлантириш учун хизмат қилади.

Вазифаси. “Ақлий хужум” қийин вазиятлардан қутулиш чораларини топишга, муаммони кўриш чегарасини кенгайтиришга, фикрлаш бир хиллилигини йўқотишга ва кенг доирада тафаккурлашга имкон беради. Энг асосийси, муаммони ечиш жараёнида курашиш муҳитидан ижодий ҳамкорлик кайфиятига ўтилади ва гуруҳ янада жипслашади.

Объекти. Қўлланиш мақсадига кўра бу метод универсал ҳисобланиб тадқиқотчиликда (янги муаммони ечишга имкон яратади), ўқитиш жараёнида (ўқув материалларини тезкор ўзлаштиришга қаратилади), ривожлантиришда (ўз-ўзини бир мунча самарали бошқариш асосида фаол фикрлашни шакллантиради) асқотади.

Қўлланиш усули. “Ақлий хужум” иштирокчилари олдига қўйилган муаммо бўйича ҳар қандай мулоҳаза ва таклифларни билдиришлари мумкин. Айтилган фикрлар ёзиб борилди ва уларнинг муаллифлари ўз фикрларини қай - тадан хотирасида тиклаш имкониятига эга бўлди. Метод самараси фикрлар хилма-хиллиги билан тавсифланди ва хужум давомида улар танқид қилин - майди, қайтадан ифодаланмайди. Ақлий хужум тугагач, муҳимлик жихатига кўра энг яхши таклифлар генерацияланади ва муаммони ечиш учун зарурлари танланади.

«Ақлий хужум» методи ўқитувчи томонидан қўйилган мақсадга қараб амалга оширилади:

1. Талабаларнинг бошланғич билимларини аниқлаш мақсад қилиб қўйилганда, бу метод дарснинг мавзуга кириш қисмида амалга оширилади.

2. Мавзуни такрорлаш ёки бир мавзуни кейинги мавзу билан боғлаш мақсад қилиб қўйилганда - янги мавзуга ўтиш қисмида амалга оширилади.

3. Ўтилган мавзуни мустаҳкамлаш мақсад қилиб қўйилганда - мавзудан сўнг, дарснинг мустаҳкамлаш қисмида амалга оширилади.

«Ақлий хужум» методининг афзаллик томонлари:

-натижалар баҳоланмаслиги талабаларни турли фикр-ғояларнинг шаклланишига олиб келади;

-талабаларнинг барчаси иштирок этади;

-фикр-ғоялар визуаллаштирилиб борилади;

-талабаларнинг бошланғич билимларини текшириб кўриш имконияти мавжуд;

-талабаларда мавзуга қизиқиш уйғотиш мумкин.

«Ақлий хужум» методининг камчиликлари томонлари:

-ўқитувчи томонидан саволни тўғри қўя олмаслик;

-ўқитувчидан юқори даражада эшитиш қобилиятининг талаб этилиши.

«Ақлий хужум» методининг таркибий тузилмаси



«Ақлий хужум» методининг босқичлари:

1. Талабаларга савол ташланади ва уларга шу савол бўйича ўз жавобларини (фикр, мулоҳаза) билдиришларини сўралади;
2. Талабалар савол бўйича ўз фикр-мулоҳазаларини билдиришади;
3. Талабаларнинг фикр-ғоялари (магнитофонга, видеотасмага, рангли қоғозларга ёки доскага) тўпланади;
4. Фикр-ғоялар маълум белгилар бўйича гуруҳланади;
5. Юқорида кўйилган саволга аниқ ва тўғри жавоб танлаб олинади.

«Ақлий хужум» методини қўллашдаги асосий қоидалар:

- а) Билдирилган фикр-ғоялар муҳокама қилинмайди ва баҳоланмайди.
- б) Билдирилган ҳар қандай фикр-ғоялар, улар ҳатто тўғри бўлмаса ҳам инобатга олинади.
- в) Билдирилган фикр-ғояларни тўлдириш ва янада кенгайтириш мумкин.

Ўйинли ўқитиш технологияси

Меҳнат ва ўқиш билан бир қаторда ўйин ҳам инсон фаолиятининг энг асосий турларидан биридир. Ўйиннинг структураси ўз ичига қуйидаги босқичларни олади:

- мақсадларни қўйиш.
- режалаштириш.
- амалга ошириш (мақсадни).
- натижани таҳлил қилиш.

Ўйинли фаолиятнинг мотивацияси энг ихтиёрийлиги, танлаш имконияти ва мусобақа элементларининг борлиги, эҳтиёжларни қондириш, ўзини англаш ва ўзини сафарбар қилиш билан таъминланади.

Ўйин структурасига қуйидаги жараёнлар киради:

- ўйинчилар ўзларига олган роллар,
- бу ролларни амалга ошириш воситалар сифатидаги ўйинли омиллар,
- предметларнинг ўйинли қўлланилиши, яъни, ҳақиқий нарсаларни ўйинли шартлари билан алмаштириш,

-Ўйинчилар орасидаги реал муносабатлар,

-Сюжет (мазмун) - ўйинда кўрсатилаётган ҳақиқий аҳвол.

Кўпчилик ўйинлар учун қуйидаги хусусиятлар хос:

-Фақатгина талабанинг хоҳиши билан амалга ошириладиган эркин ривожланувчи фаолият. Талаба фақат натижадан эмас, балки, ўша жараёндан завқ олади.

-Бу фаолиятнинг ижодий, кўпроқ инпровизицион, фаол ҳарактер - лиги.

-Фаолиятнинг руҳий жиҳатдан юқорилиги, рақобат, мусобақалаш (руҳий зўриқиш).

-Бевосита ва бил восита қоидаларнинг мавжудлиги - уларнинг ўйиннинг мазмунини акс эттиради, унинг мантиқий ва вақт бўйича кетма-кетлигини аниқлаб беради.

Ўйинлар қуйидаги функцияларни бажаради:

1. Ижтимоийлаштириш функцияси. Ўйин талабани ижтимоий муносабатлар тизимида қўшилиш учун кучли воситадир.

2. Миллатлараро коммуникация функцияси. Ўйин талабага умуминсоний қадриятлар, бошқа миллатларнинг маданиятини ўзлаштириш

имконини беради. Чунки ўйинлар миллий ва шу билан бир вақтда интернационал ва миллатлараро.

3. Ўйинда талабани ўзини намоён қилиш функцияси, яъни ўйин инсон амалиётининг палигони сифатида.

4. Комуникативлик функцияси .

5. Диагностик функцияси.

Ўйин педагогга талабаларга турли хил қобилиятларни (ақлий, рухий ва ижодий ва ҳ.к.) аниқлашга ёрдам беради.

6. Ўйиннинг терапевтлик функцияси. У талабанинг ҳулкида, муаммосида ва ўқишда пайдо бўладиган турли хилдаги қийинчиликларни енгиш воситаси сифатида фойдаланишда намоён бўлади.

7. Тузатиш (коррекция) функцияси. Талабанинг шахсий структураси кўрсаткичлари ижобий ўзгаришлар қўшимчалар киритиш.

8. Кўнгилочар функцияси.

Ўйинли педагогик технологиялар. Ўйин ўқитиш методи, бош авлоднинг тажрибасини кичикларга узатиш сифатида қадимдан бери фойдаланиб келган. Ўйинлар ҳалқ педагогикасида - мактабгача ёшдаги ва мактабдан ташқари муассасаларда кенг қўлланилади. Яқин вақтларгача ўқув жараёнида ўйинлардан фойдаланиш анча пайтгача чекланган эди.

Ўйинли технологияни ўйин муҳити аниқлаб беради. Ўқув жараёнида ишбилармонлик йинларининг турли модификацияларидан фойдаланилади:

-имитацион ўйинлар - машғулотларда бирорта ташкилот, корхона ёки бўлимларнинг фаолиятлари имитация қилинади.

-перцион ўйинлар - у аниқ махсус амалларни бажаришни машқ қилишга ёрдам беради. Бу турдаги ўйинлар ҳақиқий ҳолатни имитация қилиган шароитларда олиб борилади.

-Ролларни бажариш ўйини - бундай ўйинларда ўзини тутиш тактикаси, бирорта шахснинг вазифа ва мажбуриятларини бажариш ўқувлари шаклланади.

Психограмма ва социограмма - бу худди театрга ўхшайди, фақатгина ижтимоий психологик, бунда вазиятни ҳис қилиш, бошқа ансонларни баҳолаш ўқувлари шаклланади.

Жамоавий ўқитиш усули

Бу усул 1918 йилда пайдо бўлган. Педагог Рибин педагогик тажриба ўтказди. Талабалар билан индивидуал ва жуфт-жуфт бўлиб ишлар эдилар: Масала ечар дилар, конспект қилишарди, китоблардан реферат қилишарди, шеърлар ёдлашарди, маърузалар эшитишарди, бир-бирлари ва ўқитувчи олдида ҳисобот беришарди.

Бу давр мобайнида ҳар бир талаба 3-4 йиллик ўқув курсини ўзлаштирди. Бунда талабаларнинг ривожланиши ҳайратли даражада юқори эди. Ривожланмаган қишлоқ ўсмирлари 1 йилдан сўнг, мантиқли фикрлайдиган, исботлай оладиган, мунозара қила оладиган, мураккаб матнларни таҳлил қила оладиган, ҳаттоки педагогик қобилиятини намоён қила оладиган даражага етди. Бу қишлоқдан 3 та кашфиёт қилинди:

-1-марта маҳаллий ва ҳорижий педагогикада йил давомида интенсиф равишда ўқув фаолият амалга оширилди. Унда ўзгарувчан жуфтлик ва микро гуруҳ бўлиб, иш олиб боришди.

-Ўқув тарбиявий ишнинг янги технологияси ишлаб чиқилди ва апробациядан ўтказилди (синаб кўрилди).

-1-марта турли ёшдаги ўз-ўзини ўқитувчи ўқув жамоаси тузилди.

Ўқитишнинг бундай усули замондошлар томонидан яхши қабул қилилмади.

Жамоа бўлиб ўқитишнинг долзарблиги.

Ушбу педагогик технологияларнинг долзарблиги шундаки, у тўпланиб олган муаммоларни ва замонавий таълимнинг зиддиятларини очишга йўл беради.

Анъанавий таълимда юз бераётган кризисни барча педагоглар тан олади.

У қуйидаги зиддиятларда яққол кўринади:

1. Талабаларни ўқитиш мотивацияси ва рағбатлантириш орасидаги зиддият. Ўқитувчилар талабаларни ўқишмаяпти деб шикоят қилишади, талабалар эса, ўқишнинг зерикарлилиги, бир хиллиги ва кучи етмаслигига шикоят қилишади. Жамоавий ўқитиш эса, ўқитувчилардаги мотивацияни ҳамкорлик асосида шаклланади ва ривожланади.

2. Ўқитувчи янги мавзунини тушунтиради, қолганлар эшитади. Бу бутун дарс давомида давом этиши мумкин. Жамоа билан ўқитиш эса ҳар бир талабани дарс давомида фаол ишлашга ундайди.

3. Психологик комфорт ва дискомфорт ўртасидаги зиддият. Оддий классик дарсда педагог 1 соат 20 минут давомида бутун аудиторияни ўз кўлида ушлаб туриши керак. Жамоавий ўқитиш усули эса, мажбурли бўлмаган ва қизиқарли мулоқот учун, шароит яратади.

4. Тарбия ва ўқитиш орасидаги зиддият. Оддий дарсда талабаларнинг ўзаро тарбиявий таъсири ўқитувчи томонидан “гаплашманг”, “ўргатманг” деган сўзлар билан чегаралаб қўйишади. Жамоавий ўқитишда эса аксинча: “Сухбатлашинг”, “Тўғирланг”, “бир-бирингизни баҳоланг” деган сўзлар ишлатилади.

5. Индивидуал ривожланиш билан ўқитиш стандартлари орасидаги зиддият: 1 сентябрда аудиторияга 30 та талаба келди ва 1 июнгача уларнинг ҳаммаси курсдан-курсга ўтиши керак. Ривин буни пода ўтиш деб атаган. Жамоавий ўқитишда эса, талаба аудиторияга истаган вақтда келиши мумкин ва имтҳонни ҳам истаган вақтда топшириши мумкин.

Жамоавий ўқитиш усуллари методикаси.

Жамоавий ўқитиш усуллари қуйидаги тамойилларга риоя қилишни талаб қилади:

1. Ўзгариб турадиган талабалар жуфтлиги бўлиши;
2. Уларнинг бир-бирини ўқитиши;
3. Ўзаро назорат;
4. Ўзаро бошқарув.

Кичик гуруҳларда ишлаш методи

Кичик гуруҳларда ишлаш талабаларнинг дарсда фаоллигини таъминлайди, ҳар бири учун мунозарада қатнашиш ҳуқуқини беради, бир-биридан ауди -торияда ўрганишга имкони туғилди, бошқалар фикрини кадрлашга ўргатади.

Қўлланиш усули.

1. Фаолиятни танлаш. Мавзуга оид муаммо шундай танланадики, натижада талабалар уни ўрганиш (бажариш) учун ижодий фаолият кўрсатишлари зарур бўлади ва вазифалар белгилаб олинади.

2. Зарурий асос яратиш. Талабалар кичик гуруҳ ишида қатнашишлари учун танланган фаолият бўйича баъзи билим, кўникма ва малакаларни олдиндан эгаллаган бўлишлари керак.

3. Гуруҳни шакллантириш. Одатда ҳар бир гуруҳда 3-5 талаба бўлади (эҳтимол, кам ёки кўп бўлиши мумкин). Агар гуруҳда ишлаш у ёки бу ёзма хужжат тайёрлашни талаб этса, яхшиси 2-3 кишили гуруҳ тузилгани маъқул. Гуруҳ ўлчови масаланинг муҳимлиги, аудиториядаги талабалар сони, талабаларнинг бир-бири билан конструктив ҳолатда ўзаро ҳаракатига боғлиқ ҳолда ўзгаради. Энг яхшиси, “гетроген” гуруҳ ташкил этишидир (жинси, ўзлаштириш даражаси ва бошқа белгилар асосида). Гуруҳда ишлаш талабалар ўртасида вазифаларни аниқ тақсимлашга таянади (мисол учун, бир талаба мунозарани бошқаради, иккинчиси ёзиб боради, учинчиси спикер (сардор) ролини ўтайди ва ҳоказо). Аудиторияни гуруҳларга ажратиш, хошиш бўйича ёки ҳисоб бўйича амалга оширилади.

4. Аниқ йўл-йўриқлар кўрсатиш. Талабаларга фаолиятни бажариш бўйича аниқ ва ҳажм жихатдан кўп бўлмаган тушунтириш берилади. Ўқитувчи гуруҳларининг ишлаш тезлиги турлича бўлишини инобатга олган ҳолда вақт чегарасини айтади. Гуруҳлар керакли материаллар ва ахборотлар билан таъминланади. Талабалар гуруҳда ишни бошлашлари учун вазифаларини аниқ тушуниб етганлиги текшириб кўрилади.

5. Қўллаб қувватлаш ва йўналтириш. Ўқитувчи зарурат туғилса гуруҳлар ёнига навбатма-навбат келиб тўғри йўналишда ишлаётганлигини кайд этади ёки уларга ёрдам беради, гуруҳларга таъзийқ ўтказилмайди.

6. Муҳокама қилиш ва баҳолаш. Гуруҳларда иш якунлангач, улар натижалари бўйича ахборот берадилар. Бунинг учун хар бир гуруҳ ўз сардорини белгилайди. Зарурат туғилса, фаолият натижалари бўйича билдирилган фикрлар ўқитувчи томонидан ёзилиб борилади. Муҳими, гуруҳнинг ечимининг асосланишини аниқлаштириб олишди. Агар вақт етарлича бўлса, у ёки бу фикрни аргументлашда гуруҳлар бир-бирига савол ҳам беришлари мумкин. Кичик гуруҳларда ишлаш натижалари ўқитувчи томонидан баҳоланади. Бунда фаолиятни тўғри ва аниқ бажариш, вақт сарфи асосий мезон ҳисобланади.

Ушбу метод қўлланилганда талаба кичик гуруҳларда ишлаб, дарсда фаол иштирок этиш ҳуқуқига, бошловчи ролида бўлишга, бир-биридан ўрганишга ва турли нуқтаи назарларни кадрлаш имконига эга бўлади.

Кичик гуруҳларда ишлаш методи қўлланилганда ўқитувчи бошқа ноанъанавий методларга қараганда вақтни тежаш имкониятига эга бўлади. Чунки ўқитувчи бир вақтнинг ўзида барча талабаларни мавзуга жалб эта олади ва баҳолай олади.

Кичик гуруҳларда ишлаш» методининг афзаллиги:

- ўқитиш мазмунини яхши ўзлаштиришга олиб келади;
- мулоқотга киришиш кўникмасининг такомиллашишига олиб келади;
- вақтни тежаш имконияти мавжуд;
- барча талабалар жалб этилади;
- ўз-ўзини ва гуруҳлараро баҳолаш имконияти мавжуд бўлади.

«Кичик гуруҳларда ишлаш» методининг камчиликлари:

- кучсиз талабалар бўлганлиги сабабли кучли талабаларнинг ҳам паст баҳо олиш эҳтимоли бор;
- барча талабаларни назорат қилиш имконияти паст бўлади;
- гуруҳлараро ўзаро салбий рақобатлар пайдо бўлиб қолиши мумкин.

-гуруҳ ичида ўзаро низо пайдо бўлиши мумкин.

«Кичик гуруҳларда ишлаш» методини қўллаш босқичлари:

1. Фаолият йўналиши аниқланади. Муаммодан бир-бирига боғлиқ бўлган масалалар белгиланади.
2. Кичик гуруҳлар белгиланади. Талабалар гуруҳларга 3-5 кишидан бўлинишлари мумкин.
3. Кичик гуруҳлар топшириқни бажаришга киришадилар.
4. Ўқитувчи томонидан аниқ кўрсатмалар берилади ва ўқитувчи томонидан йўналтириб турилади.
5. Кичик гуруҳлар тақдимот қиладилар.
6. Бажарилган топшириқлар муҳокама ва таҳлил қилинади.
7. Кичик гуруҳлар баҳоланади.

ХУЛОСА

Президентимиз И.Каримов томонидан назарий асосланган, бозор иқтисодиётига ўтишнинг "Ўзбек модели" деб жаҳон миқёсида тан олинаётган босқичма-босқич бозор муносабатларини шакллантириш жараёни ноишлаб чиқариш соҳаларини ҳам ўз қамровига олмоқда. Шу асосда мамлакатимизда тиббиёт, таълим, коммунал хўжалиги, маиший ва бошқа аҳолига пуллик хизмат кўрсатиш тармоқларини ўз ичига олган янги хизматлар бозори шаклланмоқда.

Ўзбекистон Республикасида хизматлар бозорининг асосий тармоқлари - тиббиёт, таълим ва маиший хизмат кўрсатиш муассасаларида бозор муносабатларига ўтиш жараёнида вужудга келаётган ташкилий, ҳуқуқий, иқтисодий ва молиявий муаммоларни ўрганиш ва тадқиқ этиш натижасида қуйидагилар аниқланди.

Давлатимизда Президентимиз Ислон Абдуғаниевич Каримов томонидан ишлаб чиқилган беш асосий тамойилни ифодаловчи бозор иқтисодиётига ўтишни "Ўзбек модели" иқтисодиётнинг барча тармоқларида бозор муносабатларининг босқичма-босқич шаклланишига назарий ва амалий асос бўлди.

1. Хусусийлаштирилган ва аралаш мулкчилик шаклида фаолият кўрсатаётган тиббий муассасаларда ишлаётган мутахассис ва ходимларга ойлик маош ставкалари ва моддий рағбатлантириш шаклларини аниқлаш ва қўллашда тўла эркинлик бериш;

2. Якка тартибда хусусий врачлик фаолияти билан шуғулланиш учун лицензия олган врачлар фаолияти устидан давлат назоратини ўрнатиш, улар учун имтиёзли кредитларни жорий қилиш орқали уларни фаолиятини ривожлантириш;

3. Давлат тиббиёт муассасаларида тиббий асбоб-ускуналардан фойдаланиш самарадорлигини ошириш учун ижара усулидан фойдаланишни ташкил этиш;

4. Тиббий муассасалар молиявий барқарорлигини таъминлаш мақсадида, Ўзбекистон Республикаси Молия Вазирлигининг 11 декабрь 1998 йилдаги №152 сонли буйруғи билан тасдиқланган "Ўзбекистон Республикаси бюджет муассасаларида бюджет харажатларининг иқтисодий класификацияси"ни тиббиёт муассасалари амалиётида қўллаш бўйича Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни Сақлаш Вазирлиги томонидан тасдиқланган услубий қўлланмани кенг жорий этиш;

5. Тиббиёт муассасаларида ҳозирги бозор иқтисодиёти шароитида юзага келган дори-дармонларни эркин нархда сотиб олиш ва уларнинг нарх навоси тез ўзгариши билан кирим-чиқимлари ҳисоби чалкашиб кетишини бартараф қилиш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни Сақлаш Вазирлиги томонидан маъқулланган услубий қўлланмани амалиётга кенг тadbик этиш;

6. Хизмат кўрсатиш соҳалари молиявий барқарорлигини таъминлашнинг асосий йўналишларидан бири - муассасалар фаолиятларини иқтисодий ва молиявий таҳлил қилишни такомиллаштириш ва уларга яқиндан амалий ёрдам бериш учун Мустақил аудит тизими хизматидан фойдаланишни ташкил этиш;

7. Тиббий муассасалар бошқарувчилари асосан фақатгина тиббий малакали бош врачлар эканликлари ва уларнинг иқтисодий ва молиявий малакалари пастлиги сабабли бозор иқтисодиётига ўтиш бўйича муаммоларни етарлича ҳал этиш имкониятлари йўқ. Шунинг учун тиббий Олий ва ўрта махсус ўқув юртлари режаларига иқтисодий-молиявий муносабатларни шакллантирувчи фанлар ўқитилишини.

8. Тиббий муассасаларнинг молиявий барқарорлигини таъминлаш ва хизмат сифатларини жаҳон андозалари даражасига кўтариш мақсадида хусусийлаштирилган корхоналар акцияларини фонд биржалари орқали рекламасини йўлга қўйиш, уларни чет эл инвесторларига сотиш ва кўплаб қўшма корхоналар ташкил этиш;

9. Аҳолининг тиббий саводхонлигини ошириш бўйича махсус Давлат Дастурини ишлаб чиқиш ва босқичма-босқич амалга оширишга киришиш;

10. Республикамизда иқтисодиёти ривожланган мамлакатларда ўзини оқлаётган тиббий суғурта механизмини ишлаб чиқиш ва уни амалиётга тадбиқ этиш;

11. Республикамизнинг тиббиёт тизимини давлат томонидан молиялаштириш ҳар қандай ҳолатда ҳам умумий молиялаштиришнинг 60% дан камайтирилмаслиги лозим;

12. Давлатимизнинг ички сиёсатининг таркибий қисми бўлган соғлом авлодни вояга етиштириш мақсадида шахсларнинг даромади даражасидан қатъий назар, давлат томонидан кафолатланган тиббий хизматлар турларини аниқлаш ва ўрнатиш, шунингдек кам тامينланган тоифаларга ўз соғлигини сақлашга ижтимоий ёрдам кўрсатиш имкониятини яратиш;

13. Мамлакатимизда яшаётган аҳолининг миллий ва тарихий урф-одатлари, удумлари асосида табиий шароитимизда ўсаётган тиббий доривор ўсимликлардан дори-дармонлар тайёрлашни ташкил этиш ва Шарқ табobati тизимини кенг миқёсда шакллантириш. Шу билан бирга жаҳон тажрибасида синалган Европа, Америка, Шарқ ва Хитой тиббиёти услублари асосида янги "Ўзбек тиббиёти модели" ни яратиш кун тартибида турибди.

1998 йилда қабул қилинган соғлиқни сақлаш тизимини ислоҳ қилиш Давлат дастурининг энг муҳим қоидалари ва мақсадли вазифаларни умуман муваффақиятли амалга оширилмоқда. Тиббий хизмат кўрсатиш тизими амалда тўлиқ қайта кўриб чиқилди, республикада соғлиқни сақлаш тизимини барпо этишнинг принципиал янгича ёндашувлари ишлаб чиқилди.

Аҳолига юқори малакали бепул шошилиш тиббий ёрдам кўрсатиш бўйича ягона тизим яратилдики, бу тизим туман ва шаҳарларда энг юқори талаблар ва халқаро стандартларга жавоб берадиган ихтисослаштирилган

вилоят шифохоналари ва 173 та бўлимлардан ҳамда тез тиббий ёрдам хизматларидан иборат бўлиб, уларнинг фаолиятига раҳбарлик қилиш ва мувофиқлаштириш ишлари Республика шошилинич тиббий ёрдам илмий маркази томонидан амалга оширилмоқда.

Жарроҳлик, кардиология, кўз микрохирургияси ва урология соҳаларида энг замонавий диагностика ва даволаш ускуналари билан жиҳозланган республика ихтисослаштирилган тиббиёт марказлари ташкил этилди. Ушбу марказларда юқори малакали мутахассислар мураккаб, юқори технологик ноёб операцияларни амалга оширмоқдалар.

Соғлиқни сақлашнинг бирламчи бўғинида, айниқса, қишлоқ жойларда жиддий ўзгаришлар содир бўлди, кам самарали фельдшерлик-акушерлик пунктлари ва амбулаториялар ўрнига замонавий тиббий техника билан жиҳозланган 3,1 мингтадан кўпроқ қишлоқ врачлик пунктлари ташкил этилиб, уларда малакали умумий амалиёт шифокорлари бирламчи тиббий ёрдам кўрсатишмоқда.

Оналик ва болалиқни муҳофаза қилиш, аёллар соғлиғини мустаҳкамлаш тизимида муҳим ўзгаришлар рўй берди. Бўлғуси оналарнинг саломатлигини мунтазам назорат қилувчи ҳамда соғлом болалар туғилишига кўмаклашувчи сикрининг-марказларнинг кенг тармоғи вужудга келтирилганлиги ниҳоятда муҳим аҳамиятга эгадир.

Шифокорлар ҳамда тиббиёт ходимларини моддий рағбатлантириш ва меҳнатга ҳақ тўлаш тизими тубдан ўзгартирилди – уларнинг иш ҳақи миқдорлари ва рағбатлантириш механизми бажарилаётган ишнинг мураккаблиги ва оғирлик даражасига, кўрсатилаётган тиббий ёрдам сифатига бевосита боғлиқ қилиб қўйилди. Ҳар бир тиббиёт муассасасида моддий рағбатлантириш ва тиббий муассасани ривожлантириш жамғармалари ташкил қилинган. Натижада кейинги икки йил ичида тиббиёт ходимларининг иш ҳақи миқдорлари 2,2 баравар кўпайди.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

I. Ўзбекистон Республикаси қонунлари.

1. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси. –Тошкент, Ўзбекистон. 2009 йил. 40 б.

2. Ўзбекистон Республикасининг “Бюджет тизими тўғрисида”ги 2000 йил 14 декабр Қонуни. Солиқлар ва божхона хабарлари, 2001 йил 2-сон.

II. Ўзбекистон Республикаси Президент фармонлари ва қарорлари, Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари.

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш тизимини ислоҳ қилиш давлат дастури тўғрисида”ги 1998 йил 10 ноябрдаги № 2107 сонли Фармони.

2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Соғлиқни сақлаш тизимини ислоҳ қилишни янада чуқурлаштириш ва уни ривожлантириш давлат дастурини амалга оширишнинг асосий йўналишлари тўғрисида”ги 2007 йил 19 сентябрдаги № 3923 сонли Фармони.

3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг Қарори. Республика тиббиёт муассасалари фаолиятини ташкил этишни такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида. 2007 йил 2 октябр, ПҚ-700-сон.

4. Ўзбекистон Республикаси Президентининг Қарори. Соғлиқни сақлаш тизимини ислоҳ қилишни янада чуқурлаштириш чора-тадбирлари тўғрисида. 2011 йил 28 ноябр, ПҚ-1652-сон.

5. Ўзбекистон Республикаси Президентининг Қарори. Ўзбекистон Республикасининг 2014 йилги асосий макроиқтисодий кўрсаткичлари прогнози ва давлат бюджети параметрлари тўғрисида. 2013 йил 25 декабр, ПҚ-2099-сон.

6. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Худудий соғлиқни сақлаш муассасаларининг ташкилий тузилмасини ва фаолиятини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 2008 йил 18 мартдаги № 48 сонли Қарори.

7. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш муассасаларини молиялаштириш ва бошқариш тизимини янада такомиллаштириш тўғрисида”ги 2005 йил 28 сентябрдаги № 217 сонли Қарори.

8. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Тиббиёт ходимлари меҳнатига ҳақ тўлашнинг такомиллаштирилган тизимини тасдиқлаш тўғрисида”ги 2005 йил 21 декабрдаги № 276 сонли Қарори.

9. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Бюджет ташкилотларини харажатларини молиялаштириш (тўлаш) тартиби” 1999 йил 3 сентябрдаги № 414 сонли Қарори.

10. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Даволаш-профилактика муассасаларини маблағ билан таъминлаш тизимини такомиллаштириш тўғрисида”ги 1997 йил 2 декабрдаги № 532 сонли Қарори.

11. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Меҳнатга ҳақ тўлашнинг ягона тариф сеткасини янада такомиллаштириш тўғрисида”ги 2009 йил 21 июлдаги № 206 сонли Қарори.

12. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Ўзбекистон Республикаси давлат муассасалари тиббиёт ва фармацевтика ходимлари меҳнатига ҳақ тўлаш тартиби ва шартлари тўғрисидаги низомга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида”ги 2011 йил 14 июлдаги № 206 сонли Қарори.

13. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Тиббиёт муассасаларининг моддий-техника базасини янада мустаҳкамлаш ва фаолиятини ташкил этишни такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 2012 йил 29 мартдаги № 91 сонли Қарори.

III. Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримовнинг асарлари

1. Мамлакатимизда демократив ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси Ўзбекистон Республикаси Ислом Каримовнинг Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисидаги маърузаси Т.Халқ сўзи газетаси 2010 йил 13 ноябр

2. Барча режа ва дастурларимиз ватанимиз тараққиётини юскалтириш, халқимиз фаровонлигини оширишга хизмат қилади. Президент Ислом Каримовнинг 2010 йилда мамлакатимизни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш яқунлари ва 2011 йилга мўлжалланган энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги маърузаси Т. Халқ сўзи газетаси 2011й. 22 январ 16-сон

3. Каримов И.А. Ўзбекистон иқтисодий ислохотларни чуқурлаштириш йўлида. Т, Ўзбекистон, 1995, 267бет.

4. Каримов И.А.Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари. Т, Ўзбекистон, 1997, 326б.

5. Каримов И.А. Ўзбекистон буюк келажак сари. Т, Ўзбекистон, 1998, 682б.

6. Каримов И.А. Ўзбекистоннинг сиёсий ижтимоий ва иқтисодий истиқболнинг асосий тамойиллари. Т. Ўзбекистон, 1995, 74б.

7. Асосий вазифамиз – Ватанамиз тараққиёти ва халқимиз фаровонлигини янада юксалтиришдир. – Президент Ислам Каримовнинг 2009 йилнинг асосий якунлари ва 2010 йилда Ўзбекистонни ижтимоий – иқтисодий ривожлантиришнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги маърузаси. Халқ сўзи, 2010 йил 30 январ.

8. И.Каримов. Жахон молиявий-иқтисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари. Т.: “Ўзбекистон”. 2009й. -56б.

V. Асосий адабиётлар

1. Абдуллаев Ё.А., Сирожиддинова З.Х., Усипбоев Н.И. Государственные финансы Республики Узбекистан. Учебное пособие. – Т.: ТФИ, 2001.

2. Бабич А., Павлова Л. Государственные и муниципальные финансы: Учебник для вузов. – М.: Финансы: ЮНИТИ, 1999.

3. Бабич А., Павлова Л. Финансы. Денжное обращение. Кредит: Учебник. – М.: Финансы: ЮНИТИ-ДАНА, 2000.

4. Гофуров Ш. Хусусийлаштириш босқичлари Иқтисод ва ҳисобот № 11-12 1993 й. 34-37б.

V. Қўшимча адабиётлар

1. Хакимова М. Соғлиқни сақлашни ислоҳ қилиш Ўзбекистон иқтисодий ахборотномаси № 2 1998й. 64-67б.

2. Хўжаханов Х. Махмудхўжаева З. Тиббиётда рақобат муҳити Ўзбекистон Иқтисодий ахборотномаси № 7-8 1999й.

3. Зокиров А. Хусусийлаштиришнинг ҳуқуқий асослари. Иқтисод ва ҳисобот № 2 1993й 58-59б.

4. Ўлмасов А. Шарифхўжаев М. Иқтисодиёт назарияси. Т.: Меҳнат 1995й. 528б

VI. Даврий нашрлар, статистик тўпламлар ва ҳисоботлар

1. “Солиқ солиш ва бухгалтерия ҳисоби” журнали. – Т.: 2011-2013 йиллар

2. “Ўзбекистон иқтисодий ахборотномаси” журнал. – Т.: 2011-2013 йиллар.

3. “Бозор, пул ва кредит” журнал. –Т.: 2011-2013 йиллар

4. “Солиқ ва божхона хабарлари” газета. –Т.: 2011-2013 йиллар

5. Наманган вилояти Соғлиқни сақлаш бошқармасининг 2011-2013 йиллар учун ҳисоботлари.

6. Наманган вилояти Молия бошқармасининг 2011-2013 йиллар учун ҳисоботлари.

VII. Интернет сайтлари

1. <http://www.mf.uz> (Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги).

2. <http://www.lex.uz> (Ўзбекистон Қонунчилик портали)

3. <http://www.imce.ru>

4. “Norma” 2010

5. www.minfin.ru

6. www.minzdrav.uz (Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги сайти)

7. www.mfer.uz

8. www.med.uz

9. www.darvoza.uz

10. www.businessvoc.ru⁺